

88. 4
2

Махмуд Йұлдошев

Хамшира мәжнатаи
психологиясы



"Абу Али ибн Сино"

МАҲМУД ЙЎЛДОШЕВ

**ҲАМШИРА
МЕҲНАТИ
ПСИХОЛОГИЯСИ**

**ТОШКЕНТ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
ТИББИЁТ НАШРИЁТИ**



Тақризчилар: тиббиёт фанлари доктори, академик
Т.О. Даминов, тиббиёт фанлари номзоди,
доцент Т.С. Сайдов, Х.Р. Саидаҳмедова.

Йўлдошев Маҳмуд.

И 78 Ҳамшира меҳнати психологияси.—Т.:Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. — 112 б.

Иссиқ жон—иситмасиз бўлмас, дейди доно ҳалқимиз. Беморлик пайтимизда ҳамширалар дардимизга малҳам бўлишади. Уларнинг биргина илиқ сўзи оғригимизни қолдиради. Аммо кўп ҳолларда биз бунга эътибор ҳам бермаймиз.

Илмий-оммабоп тарзда ёзилган ушбу рисола Республика Ўрга тиббиёт ва доришунос ходимлари ассоциацияси (раиси Р. К. Солихўжаева) ҳамда Ўзбекистон Республикаси матбуот тарқатувчи акциядорлик компанияси (Бош директори Р. С. Қосимов) ёрдамида нашрга тайёрланди.

Рисола ҳамшираларнинг меҳнат жараёнини енгиллаштириш ва уларнинг иш фаолиятидаги омилкорликни оширишга қартилган.

СҮЗ БОШИ

Доноларнинг айтишларича, баъзан ҳаёт қийинчиликлари қанчалик аччиқ бўлмасин, яшаш шунчалик ширин бўлиб қолаверар экан. Ҳатто қаттиқ бетоб бўлиб ётган bemор ҳам ҳаётнинг ушбу лаҳзаларидан умидвор, кимнингдир сұхбатидан баҳраманд бўлгиси келади.

Ҳар биримиз бошқа бир инсоннинг дилига сўз билан йўл топиш мумкинligини яхши тушунамиз. Инсон қанчалик сўзамол, яхши суҳбатдош бўлмасин, у ўз маҳоратини ошириб бориши керак. Бунда унга ҳаёт тажрибалари ва алоҳида машгулотлар ёрдам бериши мумкин. Ўз мулоқот маҳоратини оширишни хоҳлаган кишига амалий руҳшунослик фани яқиндан ёрдам беради.

Атрофга назар ташлар эканмиз, баъзилар касби тақозосига кўра кун бўйи бошқалар билан бевосита мулоқотда бўла олмайди. Аммо шундай касблар борки, бундай касб эгалари кун бўйи турли одамлар билан мулоқотда бўладилар. Ўқитувчилар, артистлар, табиблар, ҳамширалар ана шундай касб эгаларицир. Жумладан, ҳамширалар ишлари давомида алоҳида бир грух, аҳолининг bemор груҳи билан мулоқотда бўладилар. Булар bemорлар, даволанувчилар, яъни илиқ, маддакор сўзга муҳтож кишилардир.

Маълумки, инсон қанчалик хушфеъл, хушчақчақ бўлмасин, бирор жойи оғриганида, bemорлик ҳолатида у бутунлай бошқа кишига айланиб қолади. Феъли, хулқ-атворида касалларга хос жиддий ўзгаришлар пайдо бўлиб, ўзининг одатдаги ҳолатидан жиддий фарқ қилиб қолади. Айнан мана шу ҳолатларни bemор билан мулоқотда бўлаётган ҳамшира ўз меҳнат фаолиятида ҳисобга олмаса, унинг bemор билан тил топиши, bemорга руҳий озиқ бериши, энг асосийси, даволаш жараёнининг таъсирини ошириши қийин бўлади.

Айтиш лозимки, ҳар бир инсон оддий мuloқot пайтида турли хил муаммоларга дуч келиши мумкин. Уларнинг кўпини инсон руҳиятининг баъзи томонларини яхши билган одамгина осон ҳал қила олади.

Ушбу рисола тиббиёт соҳаси ходимлари — ҳамшираларга бу борада яқиндан ёрдам беради, деган умиддамиз. Рисолада назарий руҳшунослик билан бир пайтда амалий руҳшуносликдан олинган кўплаб маслаҳатлар ҳам бор.

Тиббиёт соҳасида ҳар куни жонкуярлик билан меҳнат қилаётган ҳамширалар ўз меҳнат фаолиятида турли хилдаги қийинчиликларга дуч келишади, шунга қарамасдан беморлар билан силлиқ мuloқot ҳам ўрнатишади. Беморлар ўз ҳолатидан келиб чиқиб баъзи инжиқликларга йўл қўйса, ҳамширалар ҳам ўз ўрнида ўз хулқ-атвори, кундалик ташвишлари сабаб бундай инжиқликларни қабул қила олмасликлари мумкин. Шундай ҳолларда вазиятни қандай қилиб юмшатиш кераклигини кўпчилик ҳамширалар билмасликлари ёки эплай олмасликлари мумкин. Бу эса инсон руҳи ва руҳшунослик фани изланишлари билан алоқадордир.

Инсон руҳиятини ўрганишдаги кўпгина назарий муаммолар ҳал қилингани билан улар кенг омма орасига кириб бормаган ёки бу ечимлардан айнан у ёки бу ҳамшира хабардор бўлмаган бўлиши мумкин. Ушбу рисолада инсон руҳиятининг хусусиятларини ўрганишга ёрдам берувчи тест синовлари, улардан фойдаланиш усуслари, амалий руҳшунослик бўйича маслаҳатлар кенгайтириб берилмоқда.

Тиббиёт соҳаларидан бири бўлмиш ҳамширалар меҳнат фаолияти ҳам ўз хусусиятларига эга. Уларни руҳшунослик нуқғаи назаридан келиб чиқиб ўрганилгандагина бу соҳа ходимларига тегишли маслаҳатлар илмий-амалий изланиш шартижаларига таянган ҳолда берилиши мумкин.

Ушбу рисола ҳамшираларга амалий ишларида ёрдам бериди, деган умиддамиз.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Ҳар тонн уйқудан уйғонар эканмиз, бутун олам биз билан бирга эканлигини сезиб турамиз. ҳар куни кўз олдимиздан кўплаб одамлар ўтади. Биз бири билан мuloқotда бўлсак, бошқаси бизга бирор юмуш билан мурожаат қиласди. қараб-

сизки, бутун олам биз билан бирга. Аммо ён атрофимиздаги одамлар шунчаки бир-бирига ўхшаш одамлар эмас. Олам ранг-баранглиги билан гўзал ва унинг ушбу ранг-баранглиги ҳаммамиз учун жозибалидир. Инсонлар доимо бир-бирларига ўхшамас, ҳар ким ҳаётда ягона шахсдир. Улар орасида ҳаёт кечирав эканмиз, биримиз фамгин, мулоқот, босиқ; бошқа биримиз ҳиссиётга берилувчан, ғазабнок, жizzаки, сержаҳл, кўрс; яна биримиз хаёлпаст, камгап, таъсирчан, ўз ички дунёси ўзга бир олам одамлармиз.

Атрофга назар ташлар эканмиз, ушбу белгиларнинг кўпчилигини ўз танишларимиз, ҳамкасларимиз ва бошқаларда кўрамиз. Уларнинг бундай хусусиятлари бизга бирда мулоқот ўрнатишга ёрдам берса, бошқа бир ҳолда у билан мулоқот ўрнатишни оғирлаштиради. Уларнинг хулқлари доим ўзларига хос бўлиб қолиш билан бир вақтда баъзан ўзгариб ҳам туради. Бу ўзгаришлар айниқса танишларимиз бемор бўлган ҳолларда яққол кўзга ташланади. Беморлик пайтларида ушбу танишларимиз ўзларига ўхшамай қолганликларини кўрамиз, бунга улар билан суҳбат қурганимизда гувоҳ бўламиз. Аммо бунга ҳайрон бўлмаслик керак. Чунки касаллик инсонни равон ҳолатдан бир қадар четга чиқаради, унинг асаб тизими-ни стресс — танг ҳолатга келтиради ва бу ҳол унинг бутун хулқида намоён бўлади. Демак, кишининг касаллик пайти алоҳида ўрганилиши ва бу ҳолатни ҳамшираларга ва бутун тиббиёт ходимларига алоҳида илмий ва руҳшунослик фани нуқтаи назаридан келиб чиқиб тушунтириш лозим.

Тиббиёт ходимлари беморликда кишилар феълида жиддий ўзгаришлар бўлишини баъзан ёдларидан чиқариб қўйишдими ёки турли бошқа сабабларга кўра ўз фаолиятларида уни ҳисобга олишмайдими, ҳар ҳолда бемор ва тиббиёт ходимлари орасида баъзан келишмовчиликлар ҳам юзага келиб туради. Бунга сабаб, бемор ўз ҳолатини асабий танг аҳволда бўлганлигидан тўғри тушунтириб бера олмаслигига бўлса керак. Айтганда ҳам беморнинг товуш оҳанги ва бошқа ҳолатлар тиббиёт ходимига, ҳамширага ёқмаган бўлиши мумкин. Натижада бемор ва ҳамшира орасида кутилган мулоқот юзага келмайди ва бу баъзи ҳолларда айрим низоларга сабаб бўлиши мумкин.

Шахснинг хулқи, феъли, унинг ўзига хос хусусиятлари айнан унинг муомаласида, тилида, ҳаракатларида намоён

бўлади. Бу ўринда шуни айтиш лозимки, инсонни яхшироқ билмоқчи, унинг руҳиятига кириб бормоқчи бўлсангиз у билан бирга яшаб, ишлаб, бевосита мулоқотда бўлиб кўришингиз керак. Бундай ўрганиш пайтида унинг руҳий безовта ҳолига тўғри келинса уни янада чуқурроқ билиб олишга имкон туфилади.

Тиббиёт ходимлари кўпинча носоғлом, яъни бемор одамлар билан мулоқотда бўлганликлари сабабли инсонларни тушунишлари бирмунча қийин кечади. Демак, тиббиёт ходимлари, ҳамширалар инсон руҳиятини чуқур ўрганишлари жуда муҳим. Шу билан бир вақтда ҳамширалар инсон руҳиятининг нормал ҳолатда ва танг ҳолатда қандай кечиши қонуниятларини ҳам билишлари зарур. Маълумки, инсоннинг руҳияти, унинг мулоқот лаёқати нормал ҳолатда ва танг ҳолатда турли хилда кечади. Бундай ҳолатни чуқурроқ таҳлил қилиш ва таърифлаб беришга фақат руҳшунослик фани қодир. Демак, ҳамширалар руҳшунослик фани ютуқларини кенгроқ ўрганишлари, улардан етарлича фойдаланишлари лозим. Аммо руҳшуносликдаги маълумотлардан фойдаланиш ҳам ўз ўрнида ҳамширалардан бирмунча маҳорат ва билим талаб қиласди.

Инсон руҳиятини ўрганишда кенг қўлланиладиган усуллардан бири — бу кузатишдир. Аммо кузатишнинг илмий томонлари, ўзига яраша қонуниятлари бор. Бундан ташқари, руҳшуносликда тажриба, анкеталар тўлдириш, керакли маълумотларни сўраш орқали ўрганиш каби усуллар кенг қўлланилади.

Инсоннинг руҳий ҳолатини ўрганишда руҳшунослик фани анчагина ютуқларга эришган бўлиб, у бугунги кунда бу соҳа билан қизиқувчиларга яқиндан ёрдам беради. Кўпгина ривожланган мамлакатларда инсоннинг руҳий ҳолатини ўрганувчи турли марказлар фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг хизматидан кўплаб одамлар, фирмалар фойдаланмоқда. Бундай руҳий ташхис марказлари аҳоли ва ташкилотларга катта фойда келтиради ва жуда кўплаб нохушликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Агар фирманиздаги бирор бўш жойга кимнидир таклиф қилмоқчи бўлсангиз ва сизга ишга келаётган одамнинг хулқи сизнинг ходимларингиз хулқига тўғри келмаса, кўпгина нохушликлар юз бериши мумкин. Бундай нохушликларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Нохушликларнинг олдини олиш учун психологик тестлар ёрдамида танлов олиб борувчи фирмаларнинг хизматидан фойдаланиб туриш лозим. Бундай танлов фирмалари оддий кишиларга ўз имконияти ва қобилиятлари юзасидан, корхона раҳбарларига эса танланган номзоднинг у ёки бу фаолият билан шуғулланишга имконияти бор ёки йўқлиги ҳақида маълумот беради. Маълумки, ҳамма ҳам у ёки бу ишни доимо муваффақият билан бажара олмайди. Бу ҳол айниқса одамлар билан ишлаш вақтида яққол сезилади. Тиббиёт соҳасида ишлайдиган, инсон ҳақида бир оз маълумотга эга киши бу ҳақда яхши билади. Чунки улар инсоннинг дили, бирор жойи оғриб турганда унга ёрдам кўлинни чўзар экан, бу ёрдам ўта тезкор, сифатли бўлиши кераклигини жуда яхши тушунишади. Шу ўринда ҳар ким ҳам врач ёки ҳамшира бўла оладими, деган савол туғилади. Ушбу саволга бир сўз билан йўқ, деб жавоб бериш мумкин. Шундай экан, унда врач, тиббиёт ходими, яъни биз мулоҳаза юритаётган ҳамширада қандай сифатлар, хусусиятлар, қобилиятлар бўлмоғи керак ва энг камиди уларнинг қайси биридир бўлиши шарт.

Айтиш лозимки, ҳамшира бўлиб фаолият кўрсатиш учун керак бўлган хусусиятларнинг кўпчилиги бошқа мутахассислар учун ҳам зарур. Аммо ҳамшираликнинг ўзига хос талаблари ҳам борки, бу хусусиятларни аниқлаш, уларни шакллантириш, айниқса фаолият кўрсатаётган ҳамшираларга меҳнат унумдорлигини оширишда ёрдам бериш бугунги кун руҳшунослик фани ва руҳшуносларнинг асосий вазифасидир.

Руҳшунослик фани бугунги кун имконияти ва талаби даржасида тиббиёт оламига кириб келмоқда. Шунга кўра тиббиёт соҳасида ишлаётган ҳар бир ходим руҳшунослик фани ютуқларини ўз соҳасида қўллай олиши, зарур ҳолларда улардан кенгроқ фойдалана билиши лозим. Бу ўз ўрнида уларнинг меҳнат унумдорлигини оширади. Шу ва шунга ўхшаш мақсадлардан келиб чиқиб биз ушбу рисолани асосан тиббиёт соҳасининг кўп сонли ходимлари бўлмиш ҳамшираларга бафишладик. Ҳар бир ҳамшира ўз меҳнат фаолиятида bemor билан мулоқотда бўлар экан, унинг руҳига осонликча йўл топишга, унинг дардини қай тарзда бўлмасин тезроқ ва оғриқсиз, руҳий азият чектирмасдан енгиллаштиришга ҳаракат қиласи. Бунинг учун у инсон руҳини, унинг қобилияти ва

имкониятларини, ҳар бир инсонда бўладиган шахсий хусусиятларни яхши билиши ва улардан бемор қалбига йўл топиш мақсадида унумли фойдаланиши зарур. Инсон руҳини билиш, тушуниш ва ўрганиш ҳар қандай билимнинг илк жараёни сифатида ҳайратдан бошланади. Айнан мана шу ҳайрат инсон қалбининг бутун сирларини ўрганишга ёрдам беради ва унинг асосий йўлларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, ҳар биримизнинг олдимиизда доимо оддий савол туради: мен қандай одамман, менинг танишим фалончи қандай одам, мен дўстимни, ўзимни яхши биламанми? Бу саволларни ўзимизга нисбатан берар эканмиз, биз руҳан ўзгарган ва такомиллашаётган, бошқаларга нисбатан берар эканмиз, биз уларни ўргана бошлаган бўламиз.

БИЗ ЎЗИМИЗНИ БИЛАМИЗМИ?

Замонлар ўтиши билан одамзод тўплаган билимлар шу даражада кўпайдики, баъзи соҳаларда уларнинг охирига етишнинг ўзи амри маҳол. Уларнинг тури, йўналишлари эса шу даражада кўпки, чегараси йўқча ўхшайди. Аммо бу билимлар қанчалик ортмасин бугунги кунда уларнинг ҳаммаси инсон шахси олдида, унинг қудрати ва баъзан тубанлиги олдида бизни ҳайратга солади. Ҳа-да, ҳайратга тушмасдан илож ҳам йўқ. Чунки биз ҳанузгача бошқаларни қўя турайлик, ўз-ўзимизни яхши билмаймиз. Доимо «мен кимман», «мен кимга ўхшайман», «мен нималарга қодирман», «мен қандай яшяяпман», «мен мутахассислигимни тўғри танлаганманми» деган ва шунга ўхшаш кўплаб саволлар бизни қийнаб келади. Ачинарли жойи шундаки, бу саволларнинг кўпчилигига шахс бутун умри давомида жавоб тополмайди, баъзиларига эса қисман жавоб топиб ўзини-ўзи кўнитиради. Баъзилар эса бундай саволларни ўзига умрбод бермай ҳам ўтади.

Ушбу саволларнинг яна бир томони борки, бу саволлар бошқаларга нисбатан қўйилганда биз жавоб топишга анча моҳирлик қиласиз. Ўзимизга нисбатан баъзан камтарлик қилсанак, баъзан муғомбирлигимиз тутади ва саволларни кўпинча жавобсиз қолдиришга ҳаракат қиласиз.

Маълумки, бошқаларга баҳо бераётганимизда биз ўз хусусиятларимизга баҳоланувчи шахснинг хулқи, одатларини солиширамиз. Бу ўринда ҳечам унинг ўзи ҳақидаги сўzlари-

ни инобатта олмаймиз ва фақат унинг қилган ишига, ҳаракатига, фаолиятига баҳо берамиз. Аммо айнан мана шу гап ўзимиз ҳақимизда кетадиган бўлса, бизни гап-сўзимизга, ўзимизга бўлган шахсий фикримизга қараб баҳолашларини хоҳдаймиз. Қарабсизки, кимга баҳо бермайлик, ушбу баҳо тагида сўз эмас, иш фаолияти ётади. Бизнинг ўзимиз эса одатда кимнинг нимага қурби етишини, шахснинг қилган ишларини баҳолаймиз. Демак, биз ўзимиз ҳақимизда ҳам айнан мана шундай ўйлашимиз, яъни бизни бошқалар гап-сўзимизга қараб эмас, балки қилган ишларимизга қараб, амалда намоён бўлган қобилиятимизга қараб баҳо беришини унумаслигимиз зарур. Акс ҳолда биз мақтанчоқ, лафзиз ваъданбоз ёки бошқа салбий хусусиятга эга бўлиб қоламиз. Шундай экан, биз ҳар доим ҳам ўз хатти-ҳаракатимизни, қилган ишимизни тўғри тушунтира оламиزم?

Биз эрта тонгда туриб баданимизни чиниқтирмоқчи эдик, уйқу ширинлик қилди. Тушда бемор дўстимиздан хабар олмоқчи эдик, бошқа бир ишни баҳона қилдик. Ёшлидан ўқитувчи бўлмоқчи эдик, аммо ҳамшираликка ўқидик. Умуман, биз шу ёшга кириб ўзимиз ҳақимизда нимани биламиз. ҳайратланарли томони шундаки, атроф-муҳит, олам, моддалар ва бошқа нарсалар ҳақида бир талай маълумотларга эгамизу, аммо ўзимиз ҳақимизда жуда кам биламиз. Бу табиатнинг сирларидан бири. Шунинг учун буюк олимлардан бири — «Оlamни билмоқчи бўлсанг, ўзингни ўрган», деса, бошқаси буюк олим даражасига етгандан кейин: «Мен ҳеч нарсани билмаслигимни энди тушундим», деган экан.

Бу билан биз сизни ҳеч нарсани билмас экансиз, деб тушкунликка туширмоқчи эмасмиз. Умуман олганда ҳаммамиз хато қилиб турамиз, ахир «хом сут эмган бандамизда». Шунга қарамай, баъзан жуда катта ютуқларга ҳам эришамиз. Аммо шу жойда айтиб ўтмоқчимиизки, биз табиат инъом этган мијамиз имкониятининг атиги ўн фоизидан фойдаланамиз холос. Кўпчиликнинг ўз ақл имкониятларидан фойдаланиш даражаси бунга ҳам етмайди. Лекин, шунга қарамасдан кўпгина инсонлар яхши ютуқларга эришишга имкон топади. Бундай қараганда, табиат бизга жуда катта имконият бергану, аммо уни биз нимагадир заҳирада сақлаймиз. Уни ишга солиб юборишнинг имкони топилармикан. Бу борада фақат руҳшунослик фани ёрдам бериши мумкин. Акс ҳолда бизга

берилган 100 фоиз имкониятнинг 10 фоизидан ҳам тўлиқ фойдалана олмасдан яшаб ўтамиз.

БИЗ ХОТИРА МАҲСУЛИМИЗ

Хотира — бу ўтган, ўтаётган, бўлаётган, ҳатто баъзан бўладиган ҳодисаларни ёзиб, келажак авлодларга етказадиган восита, яъни миямиз маҳсулидир. Хотира турлари ҳар хил. Биз жонсиз табиатдан мисол келтирадиган бўлсак, сим, таёқ ёки бошқа бирор жисмнинг эгилганидан кейин ўзининг илгариги ҳолатига қайтиши бу ўша жисмнинг, рамзий маънода айтганда, хотирасидир.

Ўсимлик дунёсининг хотираси жонсиз табиатга нисбатан анча устун. Жонли ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар хотирасини кўрганда ҳайратимиз ошади.

Тирик мавжудотлар орасида инсон хотирасига teng келадигани ҳали топилган эмас.

Бугунги кунда компьютерлар хотираси ҳақида кўп гапирилади. Уларнинг автоном хотираларини бир-бирига улаб имкониятларини кўпайтириш мумкин. Аммо бу бир бутунликда фаолият кўрсатадиган инсон хотирасига teng келолмайди ва ундаги тезкорликка жиддий путур етади.

Ҳозирги кунда олимларнинг ҳисобларига қараганда назарий жиҳатдан оладиган бўлсак, оддий бир инсон мияси имкониятига дунёдаги бор маълумотларни жойлаштирса бўлар экан. Аммо амалда бунинг иложи йўқ. Биз миямизнинг 10 фоизи имкониятидангина фойдаланар эканмиз. Ушбу берилган имкониятлардан ҳам кўпчилигимиз унумли фойдалана олмаймиз, унинг меҳнатга қобилият имкониятини тобора сўндириб борамиз. Бир кўрган ёки бир эшитган воқеа-ҳодисаларни хотирамизда маҳкам сақлаб қолишимиз мумкину, аммо бундай қилмаймиз. Кўпларини менга зарур эмас, деб тезгина унугиб юборамиз ва керак бўлганда хотирлай олмаймиз. Тўғрироғи, уларни хотирада сақлаб қолишга уринмаймиз ва зарур ҳолларда «кўрган эдим-а, ёдимдан кўтарилипти», деб афсусланамиз. Аммо афсусга ўрин йўқ. Бизнинг миямиз бир кўрган ёки эшитган нарсасини сира ёдидан чиқармайди, фақат уни чуқур хотирамиздан олиб чиқиши, яъни кўтаришни ўргансак бас. Баъзи одамларда тасаввур қилиш қобилияти, бошқаларда эшитиш, бирорларда кўриш

хотираси кучли бўлади. Бундай кишилар ўзининг кучли хусусиятли томонини ишга солиб, илгари бир кўрган, эшитган ёки бошқа йўл билан олган маълумотларини, воқеа-ҳодисаларни бирор тафсилот ёрдамида, ҳатто ўзлари гувоҳ бўлмаган, кўрмаган, эшитмаган воқеа ҳодисаларни тасаввурларида тиклашлари ҳам мумкин.

Айтайлик, табиб илгари ўзи тўплаган билими, тажрибаси ёрдамида кўздан кечираётган беморининг оғриқ белгиларини айтади, ўтказган таҳлиллари натижасига қараб bemордаги ичак яраларини аниқ тасаввур қиласди ва шунга таяниб тўғри ташхис қўяди. Ҳамшира шу хилдаги bemорларга нисбатан олиб бориладиган даволарга қараб уларнинг қандай дард чекаётганини, давонинг ўзгаришига қараб bemорнинг аҳволи яхшилангаётганини ёки муолажаларнинг суст таъсирини аниқ сезади.

Маълумки, тасаввур кўриш, эшитиш ва сезиш орқали ҳосил бўлади. Шунинг учун тасаввури ўткир киши ҳамшира хонага дориларни кўтариб кирган пайтда ўзида укол оғрифни сеза бошлиши мумкин. Bеморнинг оғриқ сезгиси енгиллашиши учун ҳамшира бирон ҳазил билан унинг фикрини чаљитиши ёки бирор томонга йўналтириши мумкин ва шундай қилиши керак ҳам. Акс ҳолда, айниқса, болалар укол қилдирмайман, деб хархаша қиласдилар. Айнан мана шу сўз қуролидан тиббиёт соҳасининг фаоллари бўлмиш ҳамшиralар кенг фойдаланишлари зарур. Бу ҳақда рисоламизнинг «мулоқот» ва бошқа бобларида кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

Инсон хотираси ҳар томонлама ўрганилишига қарамай, ҳали унинг кўплаб очилмаган қирралари бор.

Тиббиёт соҳасидан мисол келтирмоқчи бўлсак, инсоннинг хотирасида унинг бирор сабаб билан кесиб ташлаган оёқларининг оғриши, қичиши ва бошқа сезгиларнинг намоён бўлишини айтиш мумкин. Тажрибали тиббиёт ходимлари — ҳамширалар бундай оғриқни яхши ҳис қилишади ва бу ҳолдан хабардорлар.

Инсон ўзининг доимий бўлмиш бир томонлама руҳий имкониятларини ҳам яхши била олмайди. Кўпинча биз ўзимизга ўрганиш бўлиб қолган одат, кўнилмалар бўйича ҳарат қиласмиз ва бу одатий ҳаракатимизни ўзимиз ҳатто сезмаймиз. Ўз имкониятларимизни тўлароқ ишга солсак келаҗимиз, эртамиз янада фаровонроқ бўлиши мумкинлиги

ҳақида кам ўйлаймиз. Бугун ҳамшира — имкониятларимизни ишга солсак эртага табиб бўлишимиз мумкинлигини ўйлаймиз. Албатта, ёшлар бундан истисно. Нимага шундай? Ахир хаёлпастлик ҳам баъзан инсонни янги-янги ютуқларга етаклайди. Орзуга эришиш йўлида ҳаракат қилишга ундейди. Бунинг учун эса фикрлаш, фараз қилиш, хотира, иродани ишга солиш зарур. Ҳа, халқимиз интилганга толе ёр, деб бекорга айтмайди.

Хаёл, фараз ва орзулар нафақат ёзувчи ва рассомларга, балки ҳаммага бирдай зарур.

Кўпчилик, ҳамширалар нимани ҳам ихтиро қилишарди, деб ўйлашлари мумкин.

Ҳар бир инсон ўзи фаолият кўрсатаётган соҳада, фанда янгилик яратга олмаса ҳам хулқи, касбий маҳорати, халқчил ташаббускорлиги билан жамиятга фойда келтиради. Ишни ташкиллаштиришда, ишлаётган жойида ижобий ўзгаришларга эришиши унинг катта ютуғидир.

Масалан, биримизнинг бошқаларга қилаётган муомаламиз, муолажа бажариш усулимиз ўзгаларникига сира ўхшамайди. Демак, ҳар бир ҳамширанинг кундалик фаолиятида ижодга ўрин кўп. Беморнинг соғайиш жараёнини ўз тасаввуррида кўришни ҳар бир ҳамширанинг ижод жараёни деса бўлади. Беморнинг қаери қандай оғриётганини тасаввур қилиш, уни юпатиш ва айнан мана шу кишига яхши таъсир қиласидан сўз топиш ва қилинаётган укол жараёнида унинг кўнглини кўтариш ҳам ҳамшира учун ижод жараёни, ишга ижодий ёндошишдир.

Ижод қилиш учун инсонга билим, тажриба, кўникма ва бошқа бир қанча маълумотлар керакки, буларнинг ҳаммаси бир кунда ёки бир йилда тўпланмайди. Аммо ишга ижодий ёндошувчи одам бир кунлик тажриба билан ҳам ижод қилиши мумкин. Бунга унинг бутун ҳаёти давомида тўплаган билими ва тажрибаси ёрдам беради.

Оддий бир мисол келтирамиз. Ҳамшира А. bemorxonaga кириб bemordan kecha qayisi қўлингизга ukol қилgan эдик, деб сўрайди ёки умуман сўрамасдан ukol қиласidi. Ҳамшира Б. esa bemornинг исмини айтади, илиқ сўрашади, бирор gap билан унинг kайfиятини кўтаришга ҳаракат қиласidi va kecha chap қўлингизга ukol қилgan эдик, keling bugun ўng қўлингизга ukol қilamiz, deydi.

Бу мисолларда биринчи ҳамширанинг ҳаракатларида бир қолипда ишлаш, бемеҳрик, беморнинг аҳволи ва соғайишига бефарқлик күриниб турипти.

Иккинчи ҳамширанинг ҳаракатларида ўз ишига ижодий ёндошиш унинг илиқ сўзларидан бошланаяпти. Беморнинг аҳволига унинг ҳамдардлиги, bemorning бирор жойига ортиқча оғриқ беришдан қочиш, қолаверса уни сўз қудрати билан даволаш жараёни бораётпти. Айнан мана шу жараёнда биз касалликни эмас, касални даволаш керак, деган иборани кўрамиз. Шундай экан, сиз қайси ҳамширанинг қўлида даволанишни хоҳлар эдингиз, деган саволга албатта ҳамма ҳамшира Б.ни кўрсатиши шубҳасиз.

Ҳамширалик фаолияти учун ижод, фараз, хаёл, орзу керакми, деган саволга кўпчилик албатта керак, деб жавоб бериши турган гап.

Бизни ҳар кунги ҳаёт ташвишлари бир қолипга солиб қўяди. Биз шундай куникмалар ҳосил қиласизки, ҳатто уларнинг иссанжасига тушиб қолганимизни ўзимиз ҳам сезмаймиз. Кундалик ҳаётимизга, айниқса меҳнатимизга, меҳнат жараённимизга ижобий назар билан қарашни унтиб қўяшимиз ва секин-аста фақат бажарувчига айланиб қоламиз. Буни ён атрофимиздагиларга бир нечта савол бериб яққол кўришимиз мумкин. Уларнинг берган жавоблари ўз меҳнатига бир хилда қарашларини кўрсатади. Одатда кишилардан ўз меҳнатлари ҳақида сўрасангиз бирор нарса дейишлари қийин. Бунга руҳшунослик ёрдам беради. Тажрибада қатнашаётганларга мана бу сўзларга жуфт топишларини таклиф қилинг:

олма — анор

сабзи — пиёз

қурқмас — ботир

олувчи — сотувчи

бой — камбагал

Ушбу сўз жуфтларининг иккинчиси тажрибада қатнашган кишиларнинг жавобларидир. Бу жавоблар шуни кўрсатадики, биз доимо бир қолипда фикр юритишга одатланиб қолганимиз. Сўзларга жуфт топинг деганда камдан-кам одам олма сўзига темир деб жавоб беради, сотувчига — қаллоб деб жуфт келтиради. Кўпчилигимизга ён атрофимиздаги нарсаларга жуфт келтиринг, дейилса бу сўзларга нооддий сўзлардан жуфт келтириш хаёлига ҳам келмайди. Хўп, шундай экан,

нега биз олма дейилганда унга жуфт қилиб сайёра демаймиз, сабзи дейилганда нега тирик витамин демаймиз, қўрқмас кишини нега бирданига Алпомиш демаймиз. Чунки бизда атроф-муҳитга қўничиш ҳисси жуда кучли. Биз ён атрофимиздаги нарсаларга қўнишиб ва ҳамма нарсага оддий қарашга ўрганиб кетганимиз. Демак, атрофга ноодий қараш кишидан биринчидан билим, иккинчидан атрофга ижодий ҳайрат назар билан қарашни талаб қиласди.

Энди ҳамширанинг кундалик иш фаолиятини олайлик. Бу жойда ижодга ўрин борми, ҳамшира ўз атрофидагиларга ижодий назар ташлай оладими? Ҳамшира ўз кундалик ишига ижодий ёндошиши зарур дедик. Палатага кириши билан беморларнинг ҳол-аҳволини сўраши, уларнинг соғлиғи билан қизиқиши, укол қилишдан олдин беморларнинг кайфијати ва ҳолатини билиши ҳамширанинг ўз ишига ижодий ёндошишидир. Демак, ҳамширанинг иш фаолияти ҳам ижодий жараён экан. Агар ҳамшира ишига совуққонлик билан қараса ва атрофдагилар билан қўпол муомалада бўлса, бундай ҳол ҳамширанинг иш фаолиятига ҳамда беморларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатади.

Инсон ён атрофига қараб, бошқалардан доимо ўрганиб, уларга тақлид қилиб яшайди ва шу орқали ўзи турли хил қўнималар ҳосил қилиб боради. У ўзини доимо бирор гуруҳ вакили санаб, ушбу гуруҳнинг одатлари ва талабларига мос ҳаракат қилишга уринади ва ўша гуруҳнинг талаб ва қоидаларидан чиқмасликка ҳаракат қиласди. Умуман олганда, инсоннинг ҳаракатлари ўша гуруҳ талаби доирасида бўлади. Ҳар бир инсон ўз яшаш фаолиятида қанчалик «мен ўз турмуш қоидаларим билан яшайман», «менинг ўз турмуш тарзим бор», демасин, у барибир зимдан кузатганда ён атрофидаги ижтимоий гуруҳ талаб қоидаларини бажарган ҳолда фаолият кўрсатади ва шу талаблар асосида яшайди. Яъни, ҳар бири миз ўз замонамиздан, ўз миллатимиз, уруғ аймоғимиз, таниш-билишларимиздан нари кетмаймиз. Биз ҳалқ тили билан айтганда «қовун-қовундан ранг олиб яшайди», деган мақолга амал қиласмиз.

Меҳнат жараёнида ва ҳаётдаги бошқа ҳамкорлик фаолиятида одам бир-бири билан бирга яшаш қоидаларини ўзига сингдириб боради. Бу ўринда ҳар бир шахс бу қоидаларни ўзига сингдириш ва уларни бажариш билан бир қаторда бо-

шқалардан ҳам бу қоида ва кўникмаларнинг баъзи ҳолда ёмон томони шундаки, айнан бажарилишини талаб қилади. Қарбасизки, ҳар биримизнинг фаолиятимизда «мен бундай қилаяпман, сен ҳам шундай қилгин», деган ҳаракат ётади. Бу умумий қоидаларга бўйсунмаганларга жамият кўпинча салбий қарайди ва уларнинг умумий қоидадан нечоғли четга чиққанига қараб баъзан ҳайфсан зълон қилса, бошқа пайтда унинг ҳақ-хукуқларини чеклашгача бориб ётади (маҳаллага кўшмаслик, тўйга чақирмаслик, гапга кўшмаслик ва бошқалар).

Бирга бажарилаётган фаолият жараёнида ушбу фаолият ва уни бажарувчилар тўғрисида умумий фикр шаклланади. Ушбу умумий фикр ташқаридан келган шахсни ўз тартиб-қоидаларига бўйсундиради, бўйсунмаганининг олдига шартлар қўя бошлайди. Бу тартиб-қоидаларга қанчалик тез бўйсуниш эса шахснинг бошқаларнинг фикрини қабул қилиши, эгилувчанлигига боғлиқ. Шахсдаги эгилувчанлик, кўникувчанлик хусусиятлари хулқа айланган бўлиши ҳам мумкин. Бу руҳшунослик фанига лотин тилидан кириб келган сўз бўлиб, конформлилик деб аталади. Конформлилик хулқи бу умумий чегарадан чиқмаслик, талаб қилинган қоида ва тартибларга тез кўнишиш, шунга мойилликнинг юқорилиги билан белгиланади. Одатда бундай шахслар ким нима деса шунга тезгина кўнишади, розилик беришади. Бу эса ўз ўрнида шахснинг ўзида ҳаёт тамойилларининг, жиддий кўникмаларнинг йўқлигини, борларининг бўйсинувчанлигини билдиради.

Бир шифохонага икки ҳамшира бир вақтда ишга келади. Бири жамоага тезда киришиб кетади, иккинчиси эса жамоага кўшилиб ушбу жойда қабул қилинган тартиб қоидаларга киришиб кетишга узоқ вақт қийналади.

Яна бир мисол. Кўп ҳолларда биз бирон нарса харид қилганимизда ушбу нарсани фалончининг маслаҳати билан олдим, демаймиз. Иложи борича ўзимизнинг фикримизни, ишбилармонлигимизни, билимдонлигимизни ва бошқа ижобий хусусиятларимизни кўрсатмоқчи бўламиз, топқирлигимизни кўз-кўз қиласиз. Бу борада эса аслида бошқаларнинг таъсири ётганлигини ўйладб ҳам кўрмаймиз.

Бу ўринда кишиларнинг бошқа шахслар тўғрисидаги фикрларининг ўзгариши алоҳида ўрин тутади. Биз бирор шахс тўғрисидаги ўз фикримизни ҳамиша ҳам ҳимоя қиласизми?

Умуман бирор шахс тұғрисидаги фикримиз доимо мустаҳкамми? Бу ҳақда қатый бир фикр айтиш қийин. Рухшуносларнинг таҳлилларига қараганда унчалик эмас экан. Яъни, бизнинг бирор киши ҳақида ўз фикримиз бўлишига қарамасдан бошқа бирор киши, айниқса нотанишроқ киши бошқачароқ фикр айтганда ўз тушунчамизни ўзгартиришга тайёр турар эканмиз. Айнан мана шу жойда қўпчилигимизнинг ўша эгилувчанлик, конформ хулқимиз намоён бўлар экан.

Хўп, шундай экан, ўша эгилувчанлик, қўникувчанлик, бошқаларнинг фикрига қараб ўз фикримизни ўзгартириш, яъни гуруҳда ушбу гуруҳ талаб қоидаларига бўйсуниб яшаш яхшими ёки ёмонми?

Умуман олганда, бундай хулқнинг, конформлиликнинг яхши томонлари ҳам кўп. Яъни, ҳар ким ўз билганича иш тутса на оиласда, на синфда, на бирон жамоада, қолаверса давлат ва миллатда якдиллик, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш, ягона мақсадга интилиш бўлмайди. Карабсизки, конформлилик барчада бир меъёрда, яъни керагича бўлганида ижобий натижага эришилади. Конформлилик меъеридан ошганда ёки атрофдагиларда керакли миқдорда бўлмаганида у салбий натижаларга олиб келиши аниқ.

Конформлилик хусусиятлари кўп кишиларда улардаги шахс иродасининг, ўз-ўзини ҳимоя қилиш кучларининг бир қадар кучсизлигини кўрсатади. Улар кўпинча ўз дунёқарашларини, ўз манфаатларини ҳимоя қила олмайдилар ва шунинг учун бошқаларнинг тазиикига тушиб қоладилар. Ана шундай ҳолларда шахс гуруҳ талабига сўзсиз бўйсунувчан бўлиб қолади, ундаги ташаббускорлик сўнади, яъни шахс ўзлигини йўқотиб боради. Умуман олганда конформлилик хусусиятининг асосий салбий томони ҳам айнан мана шунда.

Касалхонангизга янги ҳамшира ишга келсаю, буни ҳеч ким сезмаса, унинг ўз ўрни борлигини ҳеч ким тан олмаса, касалхона у ёқда турсин, ҳатто бўлимда у билан ҳеч ким ҳисоблашмаса, албатта бу унга салбий таъсир кўрсатади.

Энди бу ҳолнинг, яъни конформлилик хулқининг тиббиётда, айнан ҳамширалар хулқида қандай намоён бўлишига келсак, бу ҳол жуда қизиқ кечади.

Келишувчанлик, яъни ким нима деса шунга кўниш, бирор кор-ҳол, нохуш муаммо, умуман бошқачароқ фикр чи-

қишидан қочиш, ким нима деса ўшанга хұп дейиш ҳоллари ҳамшираларни күп ҳолларда беморларнинг «домига» тушиб қолиши ҳолларига олиб келиши мүмкін. Ҳамширалар баъзи ҳолларда беморларга керагидан ортиқ «хомийлик» қилиб, касалларга ҳар хил дорилар берадилар, ортиқча муолажалар қиласылар ёки умуман врач белгилаган даволаш чизифидан чиқиб кетадилар. Натижада беморнинг даволаниш сифати, муддати бузилади ва врач ўз даволаш самарасига иккиланиб қарашгача бориб етади. Аслида эса бунда врачға яқиндан ёрдамчи бўлган ҳамширанинг айби борлигини у билмайди. Бундан кўпинча бемор азият чекади.

Юқорида биз ҳаммада келишувчанлик, гуруҳ қоидалари-га бўйсуниб яшаш одати бўлиши керак, деган эдик. Аммо кўпчиликда келишувчанлик хусусияти етарлимни, деган савол туғилади.

Ишонч билан айтиш мүмкинки, баъзи одамларни қанчалик уринманг ўз фикрингизга ҳамфир қила олмайсиз. Бундайлар одатда кўпчиликдан ажралиб туради, уларнинг ҳамма нарсага, воқеа ва ҳодисаларга ўз фикр ва қарашлари бўлиб, бошқаларникоға сира мос келмайди.

Бир томондан олганда кўпчилик тараққиёт сабаблари, ихтиrolар айнан мана шундай одамлар билан боғлиқлиги фанда исботланган. Аммо бу ҳолатни қайсарлик, ўжарликдан ажратади билиш керак. Билимдон, ҳамма нарсага ўз фикри билан қарайдиган кишилар ўз фикрларини ўзгартиришдан кўрқмайдилар. Улар баъзи ҳолларда ўз фикрларини тез ўзгартирганини кўрсангиз, уларнинг бу қилган ишларига ҳайрон бўлмаслигингиз керак. Демак, бу одам қайсар, ўжар эмас, у ўз фикрини билим ва тажрибасига таяниб ҳимоя қилган. Бундай одамларни қадрлаш керак. Фикр ўзгартиришларнинг сабаби билим ва тажриба эмас, балки шахсга нотаниш бўлган муҳит бўлиши мүмкін. Ўз фикрини ўзгартириш шахсда нотаниш муҳитларда ҳам тез-тез учраб туради. Ўз фикрини ўзгартириш ҳоллари поездда узоқ сафарга кетаётган пайтда ён атрофдагиларнинг фикрига қараб, шахсга нотаниш бўлган жойда кўпчилик бўлиб навбат кутиш ва шунга ўхшаш жойларда тез рўй беради. Умуман нотаниш, яъни холис жойдан олинган маълумотлар бизнинг фикримизни тез ўзгартиради.

Масалан, ҳеч кимнинг фикрига күдаймайдиган, доим ўз билганидан қолмайдиган киши касал бўлиб қолди, дейлик-

Бундай пайтда у ҳамшира ва врачларнинг айтганларини сўзсиз бажариши мумкин. Баъзан аксинча, ўта мулойим, умуман олганда конформлилик хулқи кучли кишининг қайсарлик йўлига кириб олиш ҳоллари ҳам учрайди. Чунки касаллик кишиларда кутилмаган хулқларни намоён қилиши мумкин. Бу bemор руҳияти билан боғлиқ бўлиб, алоҳида ўрганилади ва биз бунга кейинроқ қисқача тўхталиб ўтамиз. Яъни, касал, дардманд кишиларнинг хулқи ва унинг намоён бўлиши, инсон шахсиятининг касаллик давридаги руҳий ўзгаришлари ва бошқалар ўгулар жумласидандир.

Шахс, инсон жамиятнинг асосий ва ажралмас бўгини. Шундай экан, у албатта жамиятнинг талабларини инобатга олиб яшashi шарт. Жамият шахсга қандай илтифотлар кўрсатган бўлса, ўз ўрнида жамият ҳам ундан ўшандай ҳаракат ва илтифотларни кутади. Демак, айнан мана шу конформизм белгилари ҳар биримизда қандай намоён бўлади? Бу ўринда бизни қуршаб турган, ўзимиз гувоҳ бўлган гуруҳ ва унинг фикри катта ўрин тутади. Баъзи шахслар қайсибир сабабларга кўра айнан мана шу ўзига таниш ҳолларда конформистлик хулқини намоён қиласида, шароит салгина ўзгариши билан қайсарга айланади-қолади. Бундайларнинг у ёки бу ҳолатда қандай ҳаракат қилишини тушуниб ҳам, керакли ҳаракатни ундан кутиб ҳам бўлмайди.

Тиббиётда энг кўп учрайдиган ҳолатлардан бири касалларни даволовчи врачга эмас, ён атрофидаги бошқа касаллар, ҳамширалар ва умуман нотаниш кишиларнинг фикрига ишониб ўз-ўзини даволашдир. Яъни, тиббиёт тили билан айтганда атропедия ва госпитализм аломатлариdir.

Даволовчи врач касалнинг бундай хулқини сезса, у албатта bemорда бўлган бу йўналишдаги мойилликни ўзининг фойдасига, яъни bemор ва даволовчи, даволаш жараёни фойдасига ўгириб олиши лозим. Бундай ҳолатда тажрибали табиб bemорга ўзининг таниш ҳамкасби, бошқа бир касални даволашдаги усувларини айтиб ёки бошқа бирор йўл билан ўша мойилликни ўзининг фойдасига ўтказса, даволаш жараёнига фойдалироқ бўлади.

Қарабисизки, даволовчи врач bemорни даволашдаги ўзи қўллаётган усувлдан бошқа усувларни ишлатиб bemорда бўлган ўз дардига даво тонишга қизиқиши ўз фойдасига, яъни даволаш фойдасига ҳал қилиб олди. Bemordagi ушбу қизиқиш-

ни шу даражагача олиб өориш мүмкінки, натижада ҳатто фанда «плацебо» самараңы деб аталауда самараны ҳам құллаш мүмкін. Бу усул бемордаги ишонувчанлықтың атайлаб құзғаш усулидір. Усулнинг моҳияти шундаки, бемордаги ишонувчанлық күчини үйғотиши, уни күчли ҳолатта олиб келиш мақсадыда үнгә қайси бир номдор врач, унинг даволаш усулини мақтаб, агар үша врач беморни келиб күрса, бемор тезда тузылиб кетиши тушунтирилади. Үша номдор врач ва у айтган дорилар топилғаны беморга маълум қилинади ва бемор үша усулда даволана бошлайды. Бу вақтда беморнинг ички имкониятлари, ҳаёт учун табиат ато қылған яшашга интилиш юзага келади ва унинг соғайиб кетиши тезлашади. Бу усулдан тажрибали врачлар амалда кенг фойдаланиб келишади.

Демек, беморни даволашда уларнинг ишонувчанлық хусусиятларидан, конформлилік ҳұлқидан кенг фойдаланиш ҳам яхши натижада беради ва бундан иложи бор пайтларда кенг фойдаланиш керак. Бу борада табибининг тутған йүлини ҳамширалар тарғиб қылмоғи ва шундай қилиб даволашдаги умумий интилишни бир йұналишта қаратып үлкан натижаларға еришиш мүмкін. Бунда ҳамширалар яқындан ёрдам берішлари керак.

МИЖОЗ

Табиатда бир-бирига үхшаш одамни учратыши жуда қийин. Олжоғнинг буюклиги шундаки, биз ҳаммамиз бир-бириңизге жуда үхшаш бўлиш билан бирга бир-бириңиздан бутунлай фарқ қиласыз ҳам. Микронлар билан ўлчанадиган отона уруғидан миллиард хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилувчи инсонлар дунёга келади. Айнан мана шу фарқни қадим боболар ҳам турли йўллар билан тушунтиришга ҳарарат қилишган. Уларни ихчам бир тушунчаларга олиб келишга уринишган ва бугунги кунда бу йұналишда яхши, лўндана тушунчалар бор. Инсон мижози деб аталауда тушунчалар ҳақидағы маълумотлар Афлотун ва ибн Сино асарларыда келтирилген. Уларнинг мижоз түғрисидеги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Бугунги кунда руҳшунослар мижозни асосан түрт турга бўлишади. Булар биргаликда темперамент деб аталауди. Бу шахснинг ўзига хос хусусиятилари йиғиндиси бўлиб, у ўз

илдизини инсоннинг ирсий томирларидан олади. Аммо ҳар биримиз бу хусусиятларни ижтимоий ҳаётимиз давомида шакллантириб, ўзгартириб борамиз. Инсон ўз мижозини ўзгартиришга қанчалик ҳаракат қиласин, у барибир ўзининг ирсий томирларини, ўзига хослигини, туғма хусусиятларини йўқотмайди, у ижтимоий муҳитдаги тарбия, одоб, ахлоқ, кўнишка ва бошқаларни қабул қиласи-ю, аммо стресс, танг ҳолатларда унинг ўзгармаганлиги, яъни асл кўриниши намоён бўлади.

Бугунги кунда инсон хулқига тааллуқли маълумотлардан салгина хабардор бўлган кишилар бизга турлича маслаҳат беришга тайёр туришади. Аммо уларниң кўлчилиги «флегматик» — ўзига унча ишонмайдиган, «холерик» — серҳаракат, асабийроқ, «меланхолик» — тепса-тебранмас, «сангвиник» — ўзига ишонадиган, ҳаракатчан одам дейишдан нари ўтишмайди. Шундай экан, тўғри келган ҳамширага «меланхолик кишига бундай муомалада бўлиш керак», «сангвиник мижозли кишига бундай муомалада бўлиш керак», деб маслаҳат беравериш уччалик тўғри бўлмайди ва бу руҳшунослик фанидаги мижоз тушунчасини сийқалаштирган бўлади.

Биринчидан, темперамент ва унинг инсон қиёфасидаги тўрт хил кўриниши сиз билан биз ўйлагандан кўра жиддийроқдир.

Иккинчидан, юқорида айтганимиздек, инсон зоҳиран кўриниши билан бирон бир мижоз турига тўғри келса ҳам, ботинан бошқача бўлиши ва унинг беморлик пайтида асл қиёфаси кўриниши мумкин. Демак, бемор ва беморлик ҳақида гап кетганда мижоз тушунчasi ҳақида жуда эҳтиётлик билан сўз юритиш лозим. Айнан мана шу ҳолатни ҳамширалар бемор билан бўлган мулоқотда ёдларидан чиқармасликлари керак.

Агар кимки сизга бир қарашда инсон темпераментини аниқлаш мумкин деса, сиз унга дарҳол ўзингиз буни аниқлай олисизми, деб савол беринг. Ишонамизки, бундай енгил маслаҳат берувчиilar кўп ҳолларда буни ўzlари амалда бажара олмайдилар. Ҷемак, уларнинг маслаҳатларига кўп ишонавермай, бунга ўз фикр доирангизда қараганингиз маъқул.

Энди темперамент — мижознинг ўша тўрт кўринишига келсак, уларни қисқача қўйидагича изоҳлаш мумкин:

Сангвиник — иродаси кучли, ҳаракатчан, ўз кучига ишо-

үүчи, ўй-фикри, ҳаракатлари бир-бирига мутаносиб, атро-фидагилар билан тез чиқишиб кетадиган, бошқаларга шубҳа билан қарамайдиган кишилар.

Флегматик — иродаси ўртача, камҳаракат, ўз ирода кучига ўзи унча ишонмайды, секин ҳаракат қиласы, аммо бошлаган ишини охирiga етказады, ишни бошлашда қийналады. Бошқалар билан мулоқотта киришиши бироз қийин кечади. Дүстлари, таниш-билишлари кам, борлари билан ишончли алоқада бўлади.

Холерик — иродаси ўртача, ўта ҳаракатчан, ўз кучига ишонади ва унга ортиқча баҳо беради, қизиққон, бир нарсага етишишда шошқалоқлик қиласы, ўй-фикрларидан ҳаракати олдинда юради. Одамлар билан енгил мулоқотта киришади, дўстлари кўп бўлади, аммо яқин дўсти кам.

Меланхолик — иродаси ўртача, ҳаракатлари суст, ўз ирода кучига ишониши қийин, сермулоҳаза, босик, ўй-фикрга берилиб кўпинча ҳаракатдан қочади, дўстлари кам, бошқалар билан муомаласи қийин кечади. Бирон ишни изчиллик билан охирiga етказишга ҳаракат қиласы, аммо доимо иккиланади.

Мижоз ҳақида бошқача фикрлар ҳам мавжуд. Фан оламида инсонларни янада оддийроқ қилиб ўрганиш, яъни тўрт турга эмас, балки икки турга бўлиб ўрганишни швейцариялик руҳшунос олим К. Г. Юнг таклиф қилган. У биринчи турдаги одамларни руҳан тетик, очиқ кўнгил, бошқалар билан ҳисоблашадиган, ичиди сир сақламайдиган — экстраверт ва иккинчи турдаги одамларни фикри, ўй хаёли ўзи билан банд, ички дунёси қоронги — интраверт турга бўлади.

Бу тасниф кейинчалик ўзининг ихчамлиги ва муомалада анча қулайлиги билан фан ва одамлар орасида оммалашиб кетди.

Фан оламида инсон руҳияти, хулқи, мижозига асосланиб келтирилган таснифлар жуда кўп. Мутахассис бўлмаган, аммо одамлар билан тез-тез мулоқотда бўладиган кишилар учун бу таснифларнинг турини билишдан кўра, одамларни амалда ўрганиш осонроқ кечади. Аммо уларнинг фан учун зарурлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Демак, таснифларни эмас, балки инсонларнинг хулқини билиш ва амалда унга риоя қилиш тиббиёт соҳасидаги кишилар ва айниқса ҳамшираларга амалий ишларида ёрдам беради. Бунинг учун тасниф-

ларнинг айнан ҳамширалар учун қулайроқларини келтирамиз. Чунки одамлар билан күпроқ муомалада бўладиган мутахассислар, раҳбарлар ва бошқа турли касб эгаларига одамларнинг хулқи, мижози ва бошқа томонлари ҳақидаги маълумотлар нечоғли оддий, аммо шу билан бирга кенгроқ берилса, фойдадан холи бўлмайди.

Хулқ — характер, инсоннинг руҳий ва маънавий қиёфасини биргаликда намоён қиласиган, унинг хатти-ҳаракатида аниқ кўринадиган мукаммал сифатдир. Ҳар бир ҳамшира ўз хулқига эга бўлиб, бемор билан мулоқотда уни намоён этади. Бу ўринда bemor ҳам bemorligi сабабли ўз хулқининг кўпинча кўринмайдиган, бошқаларга нокулай томонларини намоён қилиши турган гап. Демак, ҳамшира нафақат ўзининг хулқи ва унинг хусусиятларини, балки bemor билан мулоқотда унинг умумий ва bemorlikdagi хулқининг кўринишларини ҳисобга олиб мулоқотга киришса фойдадан холи бўлмайди. Bemornинг bemorligini ҳисобга олган ҳолда мулоқотга киришиш ҳамширанинг bemorga назот бера бошлаганидан далолатдир. Bemorga билдирилган биринчи ҳамдардлик унинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда мулоқот ўрнатиш ҳисобланади.

«Келинг, холажон, ҳозир врачимиз кўриб қўяди», дейилган биргина илиқ сўз bemornинг таъбини юшшатади, руҳини кўтаради, унинг дарди енгиллашгандек бўлади.

Бу ўринда ҳар бир ҳамширанинг ҳаётий тажрибаси унинг биринчи муаллими ва биринчи ёрдамчисидир. Шундай ҳолда ҳамширанинг хулқи, унинг ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олиш, bemornинг хулқини билиш ва унинг bemorligini назардан қочирмаслик мулоқотнинг самарасини оширмай қолмайди.

Ҳамширадаги кузатувчанлик унинг bemorlar билан мулоқот ўрнатишини енгиллаштиради. Бу эса унинг меҳнат самарасини оширади. У ўз касбдошлари орасида ҳурмат қозона бошлайди. Шундай қилинганда ҳамширада ўзига яраша ички тасниф такомиллашиб боради. Бундай ҳамшира bemorlarни ўзи билган гурухларга бўлиб, улар билан мулоқотда бўлишликни ички бир ишонч билан бошлайверади ва бу борада кўпинча адашмайди. Яъни, баъзи салбий хулқли bemorlariga хизмат кўрсатиш қийинлигини улар олдиндан билишади. Демак, ҳамшира ўзи қийинлишини билган ҳолда уларга ёрдам кўрсатар экан, у ёнидаги тажрибали ҳамширалардан мас-

лаҳат олиб тургани маъқул. Шундагина ўша хулқи оғир беморларнинг дардига даво топиш, уларга руҳий ёрдам бериш биринчидан ҳамширанинг ўзи учун енгиллашса, иккинчидан ўша bemorga ҳам енгил бўлади. Бу эса ҳамширанинг касб маҳорати ортиб боришига олиб келади. Ва энг асосийси, ҳар қандай bemorga ҳар қандай шароитда ёрдам кўрсатиш шартлигини амалда ижро этишни енгиллаштиради.

ҲАММА ҲАМ ҲАМШИРА БЎЛА ОЛАДИМИ?

Болалик инсоннинг ижтимоий ҳаётга кириб келишдаги изланиш даври. Кўпчилигингиз қизалоқларингизнинг ўз қўғирчоқларига илк тиббий ёрдам кўрсатаётганини, унга укол қилаётганини, бошини ушлаб кўриб иссифини ўлчаётганини кўрган бўлсангиз керак. Бундай ҳолларга унга бошқа ҳолатларни қўшиб қизингизнинг келгусида тиббиёт ходими, врач ёки ҳамшира бўлишини тўғридан-тўғри башорат қилсангиз бўлади. Аммо ҳамма гап боланинг болаликда қилган ўйинларидан кейинчалик катта нарсалар, хулқида салбий ўзгаришлар келиб чиқишини ёддан чиқармасликда. Шундай экан, сизнинг фарзандингиз келажакка қандай тайёрланмоқда? У келгусида ким бўлади? Одамлар билан унинг муомаласи қандай бўлади? Мабодо халқقا хизмат соҳасида фаолият кўрсатадиган бўлса, у бошқаларнинг кўнглини оғритмайдими, одамлар билан тез тил топишиб кетадими, умуман халқقا хизмат кўрсата оладими?

Бугунги кунда халқقا хизмат кўрсатиш соҳаси кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Аммо бу соҳага кириб келганларнинг ҳаммаси ҳам ўз қалб амри билан ишга келганлар эмас, бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Жумладан, тиббиёт соҳаси ҳам халқقا хизмат кўрсатиш соҳасига киради ва соҳанинг кўпсоноли ходимларидан бўлмиш ҳамширалар ҳам бу соҳага ўз хоҳиш ва иродалари билан келавермайди. Демак, ҳамма ҳамшираларни ҳам тиббиёт соҳасида сифатли хизмат кўрсатадиган ходимлар, деб бўлмайди. Шундай экан, ёшларга касб танлашда ёрдам бериш ва уларни танлаган касбини севишга ўргатиш лозим. Бунга руҳшунослик фани ёрдам бериши мумкин. Руҳшунослик фани инсонларнинг хусусиятларини ўрганиди ва уларга шу соҳада ёрдам ҳам беради. Шундай экан, биз ўз хусусиятларимизни яхши биламиزمи? Келинг, руҳ-

шунослик фани усулларидан фойдаланиб бир тест синови ўтказамиз.

Тоза бир варақ қофозга «Тиббий хизмат кўрсатиш нима?», деган мавзуда иншо ёзиб кўринг. Ушбу иншоингизда уйдаги ёки касалхонадаги бир беморга тиббий хизмат кўрсатиш сирасорлари, унинг хусусиятлари ҳақида ёзишга ҳаракат қилинг. Ёдингизда бўлсинки, руҳшунослар шу ва шунга ўхшаш саволларни халққа хизмат кўрсатиш соҳасига ишга кирувчиларга беришади. Шундай жавоблар ўрганиб чиқилганда натижа шуни кўрсатдики, халққа хизмат кўрсатиш соҳасига ишга кирувчилар асосан уч турга бўлинар экан. Биринчиси — соҳага нейтрал қаровчилар, соҳани ҳамма соҳа сингари ёқтириш ёки ёқтираслик эмас, умуман оддий бир хизмат тури деб қаровчилар. Иккинчиси — хоҳишли, хизмат соҳасига майли бор кишилар, яъни бошқаларга хизмат кўрсатиш ўзларига ёқадиганлар ва ниҳоят учинчиси — хизмат кўрсатиш соҳасига салбий қарайдиганлар, яъни соҳага тасодифан кириб келганлар, соҳани, меҳнатнинг халққа хизмат кўрсатиш турини ёқтирамайдиганлар.

Қизиги шундаки, бошқаларга хизмат кўрсатиш, унга ёрдам қўлинни чўзиш ёки чўзмаслик ҳар кимнинг хулқида, бевосита уй ишлари, бошқа меҳнат фаолиятларида ҳам аниқ кўринади. Биз бунга одатда унчалик эътибор бермаймиз. Яъни оила-аъзоларига, тенгдошларига ёки бирон ҳамкасбига бирон хизмат буюрилганда, илтимос қилинганда, ёрдам сўралганда уларнинг бу ишга муносабатлари хизмат кўрсатиш соҳасига бўлгани каби намоён бўлади. Фақат буни илғаб олиш, ўз вақтида кузата олиш лозим. Бу унчалик синчковликни талаб қилмайди. Биз ён атрофимиздаги кишиларга ёрдам кўрсатмайдиган ёки бирор ёрдам сўралса йўқ демайдиганларини жуда яхши биламиз.

Юқорида айтган биринчи гуруҳ кишилари хизмат соҳасида ўз фаолиятларини нейтрал қабул қилганиклари учун сиз айтган илтимос, хизмат, сўралган ёрдамни яхши тинглайди, унинг бажарилишини эса табиий бир ҳол деб тушунади ва бажаради. Бу биринчи гуруҳ кишиларидир. Булар одатда ишни, илтимосни бажараётган пайтларида севиниш ёки аччиқданиш белгисини намоён қилмайдилар. Бу ишни улар бажарилиши лозим бўлган хизмат сифатида малол келмай бажарадилар.

Иккинчи гурух кишилари бошқа бирор киши томонидан қилинган илтимос, сўралган ёрдамни ўта хайриҳоҳлик билан бажарадилар ва бундан ўзлари завқланадилар. Буни кузатиш учун кўпинча синчковлик ҳам талаб қилинмайди.

Иккинчи гурух кишилари бошқа бирор киши томонидан қилинган илтимос, сўралган ёрдамни ўта хайриҳоҳлик билан бажарадилар ва бундан ўзлари завқ оладилар. Бу уларнинг илтимосингизни бажараётган пайтида сизга бўлган илиқ муомаласидан билиниб туради. Уларнинг хайриҳоҳлиги хизматни бажариш жараёнида мулоқотда бўлган киши билан илиқ муомалада бўлишга уринишларидан кўринади. Бундай кишиларнинг хулқ-автори ҳамма жойда ҳам бошқалар хизматига тайёрлиги билан ажралиб туради. Бу гуруҳдаги кишиларни хизмат соҳасига ижобий қаровчилар, деб атаймиз.

Учинчи гуруҳга киравчилар бошқаларга хизмат кўрсатишни бетараф ёки уни ўзларига ёқадиган меҳнат фаолияти, деб қабул қилимайдилар. Аксинча, ҳар қандай хизмат, илтимос, ҳатто ёрдамга муҳтожлик ҳам улар томонидан салбий қабул қилиниб, натижада ҳар иккала томон — илтимос қилган томон ҳам, ўша илтимос эвазига бурч доирасида бўлса ҳам хизмат кўрсатаётган томон ҳам ўзларини нокулай сезадилар. Биз бироз синчков бўлсак буни дарров илғаб оламиз.

Биринчи гуруҳга киравчи кишилар бошқа бирор киши томонидан қилинган илтимос, хоҳиш, сўралган ёрдамни диққат-эътибор билан, унинг бажарилишини эса табиий деб сезганларидан ҳис-ҳаяжон билдирамаса, иккинчиларнинг ҳис ҳаяжонлари, қувонч бўлмаса ҳам илиқлиги муомаласидан билиниб турса, учинчи гуруҳ вакиллари билан бўлган муомала, мулоқот яхши таъсурот қолдирмайди. Бундай мулоқотдан сўнг иккала томон орасида совуқлик пайдо бўлади. Кўпинча учинчи гуруҳ вакиллари хизматидан кўпчилик норози бўлади, ишда келишмовчиликлар юзага келади, ҳатто жанжал чиқишига сабаб бўлади. Буни биз айниқса ходимлар орасида кўп кузатамиз. Бу ҳол тиббиёт ходими ва бемор орасида кузатилганда bemornинг бузилиб турган кайфияти янада ёмонлашади, соғайиш ўрнига унинг асаблари таранглабиб дарди оғирлашиши мумкин.

Шундай экан, биз учинчи гуруҳ вакилларини тиббиёт соҳасида ишлашларини тасаввур ҳам қила олмаймиз. Бундайларнинг на дардни, на дардмандин даволаши амри маҳоллиги ҳаммага аён.

Юқорида келтирилган хусусиятларни ҳисобга олиб рұхшунослар кишилирға қасб танлашларида жиддий ёрдам берішлари мүмкін. Шунинг учун ҳозирғи кунда ривожланған давлатларда хизматнинг бу тури көнг тарқалған. У ерда психологиялар хизматидан көнг фойдаланилади. Бирор фирма үзидеги бүш жойға ходим таклиф қылар экан, бу ишни психологик хизмат фирмасига буюради. Психологик хизмат фирмаси вакиллари келиб үша иш жойини, атрофдаги хизматчилар фаолиятини көнг үрганиб чиқадилар сүнгра эса ишга киравчиларни үрганадилар ва маълум тест синовлари үтказиб тегишли кишини танлайдилар ва үша фирмада таклиф қыладилар. Күпинча натижә ижобий бўлади.

Бундай танловларда кўлланиладиган тест синовлари етарлича ишлаб чиқилған ва уларнинг фойдали коэффициентлари анча юқори. Бундай тест синов намуналари билан сизни кейинги мавзудларда таништирамиз. Ушбу турдаги тест синовларида одатда кўплаб анкеталар, сўровлар, экспериментлар ва бошқа таҳлил турлари үтказилади. Аммо уларнинг ҳаммасидан кутилған мақсад битта, саволларга, саволлар мазмунига үрганилаётган шахснинг жавоби, жавобга бўлган муносабатини аниқлаш. Бундай жавобларни бажариш пайтини кузатиш ҳам рұхшунослар эътиборида бўлади. Яъни, саволларни, тест синовларини бажариш жараёни синалаётган киши ҳақида кўплаб маълумот беради.

Жумладан, сўровнома-анкета тадқиқоти үрганувчи томонидан үрганилаётган гуруҳга мақсадидан келиб чиқиб кўйилған қатор саволлар бўлиб, улар ушбу гуруҳ ва алоҳида шахс ҳақида тўпланған илк маълумотлардир. Бундай саволлар тиббиёт билим юртига киравчиларга уларнинг тиббиёт билим юртига киришдан мақсадларини аниқлаш учун берилади.

Мана бир синов саволи ва унга берилған жавоблардан намуналар:

Тиббиёт билим юртига киришингиздан мақсад?

Ишлаш қизиқ.

Маоши юқори.

Билим юрти яшаш жойимизга яқин.

Катталар маслаҳат беришди.

Ингяш осон.

Уз соғлигимни ҳамиша назорат қилиш имконияти бор.

Дўстларим маслаҳат беришди.

Бошқаларга доимо ёрдамим тегади.

Бүш вақтим етарли бўлади.

Ҳар хил оадмлар билан мулоқотда бўламан.

Оилада зарур касб.

Тиббий ёрдам доимо керак.

Врач бўлмоқчиман.

Авлодимиизда врачлар кўп.

Саломатлигим яхши эмас.

Ушбу саволларнинг жавоблариға қараб тиббиёт билим юртига киравчиларни умумий талаб ва эҳтиёжларига кўра алоҳида гуруҳларга бўлиш мумкин. Шу усулда ўрганиб чиқилган гуруҳларда таълим-тарбия ишларини алоҳида йўналишда йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, тиббиёт билим юртига ушбу билим юрти уйига яқин бўлгани учун кирган ўқувчи билан келгусида врач бўлмоқчи бўлган талабани бирга ўқитиш бирор ижобий ютуқقا ёки ундан жамият ўзи кутган натижага олиб келмайди.

Бу жавоблар тиббиёт билим юртига кимлар кирганини кўрсатибгина қолмай, улар орқали алоҳида бир шахс тўғрисида фикр юритиш ҳам мумкин. Шундай саволлар орқали ўрганилган шахс эса унга алоҳида ёндошиш лозимлигини кўрсатади.

Руҳшунослик нуқтаи назаридан қаралганда сўровномалар билан ишлаш, тадқиқотлар олиб бориш шахснинг ички дунёсига кириб боришга ёрдам беради. Сўровнома саволлари қанчалик моҳирона қўйилган бўлса, улар шахснинг руҳиятини ўрганишни шунчалик осонлаштиради. Яхши ўрганилган шахс эса у билан ҳамкорликда ишлашни енгиллаштиради. Бу сўраклаётган ўқувчининг саволларга нечоғли очиқчасига жавоб беришига ҳам боғлиқ. Шу ўринда сўровномалар билан ишлашнинг яна бир томонини айтиб ўтиш ўринли. Одатда сўраклаётган ўқувчилар тўғри жавоб беришади. Аммо руҳшуносларга шу нарса ҳам маълумки, ижтимоий жиҳатдан сўраклаётган шахс корхона, тармоқ ва бошқаларга зарур, ёқадиган жавобни бериши ҳам мумкин. Юқоридаги мисолни оладиган бўлсак, тиббиёт билим юртига киравчиларнинг кўпчилиги врач бўлмоқчиман, деган жавобни бериши ҳам мумкин. Демак, буни албатта назарда тутиш лозим. Одатда бундай жавоблар ҳам анчагина фойзни ташкил қиласди. Шу-

нинг учун саволномалар билан ишлаётганда ноаниқлик ко-эффициентини аниқлайдиган қўшимча саволлар ҳам бериш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда руҳшунослар ўз тажрибалари га эга. Улар томонидан берилган ёлғон жавоблар осон аниқла-нади.

Шу ўринда, ўрганилаётган обьект гуруҳми ёки биргина шахсми эканлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Гуруҳлар ўрганилаётганда уларнинг бир-биридан хабардорлиги ҳам саволларнинг аниқлигига таъсир қўлмай қолмайди, албатта. Бу ўринда алоҳида шахсни ўрганиш бошқача бўлади.

Руҳшуносларнинг кузатишлари шуни кўрсатадики, гуруҳ, алоҳида шахс, алоҳида шахс ва гуруҳ, гуруҳдаги алоҳида шахс, булар ҳаммаси алоҳида-алоҳида ўрганиладиган обьектлар саналади. Агар уларни ўрганишда ушбу шартлар назарда тутилмаса, тўпланган натижаларнинг аниқлиги, уларнинг хусусиятларини ўрганиш анча қийинлашади.

ТИББИЁТ СОҲАСИ МЕҲНАТИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар бир одам ўзи ишламоқчи, ўқимоқчи бўлган соҳа, корхона ҳақида ва бўлғуси иш жойи тўгрисида атрофлича маълумотга эга бўлишни хоҳлайди. Бу ўринда соҳанинг ижтимоий йўналиши алоҳида аҳамиятга эга.

Тиббиёт соҳаси ва ҳамширалик аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ. Бугунги кунда ҳамшираликка ишга келаётган киши кечаги ҳавоий, умри тутаган гаплар билан эмас, мавжуд бўлган қулайлик ва имтиёзлар билан қизиқади. Демак, соҳа мутасаддилари ҳамшиralар тайёрлайдиган билим юртларига, умуман ҳамшираликка ишга келаётган ёшларга соҳанинг хусусиятлари ҳақида ижобий маълумот бера олишлари, унинг ижобий ва имтиёзли томонларини кўрсата олишлари жуда муҳимлигини унутмасликлари лозим.

Маълумки, ҳар қандай фаолиятда ҳам инсоннинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Шу ўринда айтиш керакки, ҳамширалик фаолиятида ҳам бир томондан шахснинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлса, иккинчи томондан улар бевосита фаолиятга ё ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Яъни, шахснинг баъзи хусусиятлари унинг ушбу соҳада ишлашига ёрдам берса, бошқа бир хусусиятлари унинг бу соҳа-

да ишлашига салбий таъсир қилади ва ҳатто унинг бу соҳадан кетишигача олиб келади.

Тиббиёт соҳасини оладиган бўлсак, бирор бошқаларнинг дардини ўз дардидек қабул қиласа, бошқа бирор бегонанинг дардига эътиборсиз бўлади. Бу икки шахснинг тиббиёт соҳасида ишлаши ва уларнинг қандай натижаларга эришишларини тасаввур қилиб кўриш қийин эмас. Бир ҳамшира фожеа юз берган жойда беморга ёрдамга шошилса, бошқаси жарроҳлик хонасида ўз хаёли билан банд бўлиши, оғир ётган беморнинг олдида хахолаб кулиши мумкин. Шундай экан, биз ҳамшира меҳнати психологиясини кенг тушуниб етишимиз, лозим бўлганда ҳамширанинг ички хусусиятларидан келиб чиқиб бўлғуси ҳамшираларни тайёрлашимиз керак.

Ҳамширалик бошқаларга оғир аҳволдалик пайтида ёрдам кўрсатиш соҳаси бўлгани учун, унинг шахсий хусусиятлари бу фаолиятга бевосита таъсир кўрсатишини унутмаслик керак.

Яъни, бу ўринда беморларга ёрдам бериш ҳамширанинг ички майлига, эҳтиёжига айланиши лозим. Шундай ҳамшираларга бемор ўз интизор кўзларини тикади, улардан нажот кутади. Кўрс, қўюл муомалали ва бошқа салбий хусусиятли ҳамширадан ҳар қандай бемор ҳам нажот кутмайди, кўп ҳолларда унга мурожаат қилишдан ўзини тортади, мабодо ёрдам сўраб мурожаат қилганда ҳам кўпчилик ҳолларда бундай мурожаат натижалари салбий, нохуш тугаши мумкин.

Мана шу жойда айтиш лозимки, хизмат кўрсатишдаги ҳамширанинг руҳий хусусиятлари ва бу хизматни қабул қилаётган беморнинг шахсий хусусиятлари ўз ўрнида мутаносиб келса улар орасида хизмат кўрсатиш ва хизматни қабул қилиш ижобий кечади. Бошқача сўз билан айтганда, улар орасидаги мулоқот, муомала ижобий натижага беради ва давомли бўлади. Демак, ҳамшира ва бемор ўртасидаги меҳнат ва мулоқот муомаласи руҳшунослик тили билан айтганда «одам-одамга, инсон-инсонга» формуласида кечади.

Шундай экан, тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳамшира меҳнатининг хусусиятлари, аниқроқ айтганда касбий хусусиятлари нимада ва уларни умумлаштириб бўладими, деган савол туғилади.

Ҳамма касблардаги каби бу саволга ижобий жавоб бериш лозим. Чунки ҳамшира меҳнатининг ўзига хос томонлари бор

ва уларни руҳшунослик, касб маҳорати жиҳатидан ва бошқа томонлар орқали умумлаштируса бўлади ва улар бирмунча ўрганилган ҳам.

Биринчидан — ҳамширалик фаолияти нооддий, бошқа тил билан айтганда кўпинча экстремал ҳолатда кечади. Яъни, ҳамшира фаолияти керакли билим, маҳорат, тажриба ва бошқа мулоқот ва муомалага алоқадар хусусиятларни талаб қиласди. Бундан ташқари, ҳамшира кўпчилик ҳолда бемор билан унинг жони оғриб, ўзига бошқалар томонидан нажот берилишини кутаётган пайтда фаолият кўрсатади. Демак, бу ҳол ҳамширада кишиларга нооддий пайтда муомала қилишни талаб қиласди. Бемор эса ўзига хос бўлмаган хусусиятда бўлиши, турли қилиқлар кўрсатиши мумкин. Демак, шу ҳолнини ўзигина ҳамширадан шахс ва унинг хулқини, шахс ва унинг ноодатий қилиқларини билишни талаб қиласди.

Иккинчидан — ҳамшира иш жойига қараб ўнлаб беморлар билан биқиқ бир шароитда муомалада бўлади ва бунинг устига руҳий салбий таъсирининг доимийлиги ортиб боради. Доимо жони оғриётган одамни кўриш ва улар билан муомалада булиш экстремал ҳолат бўлсада ҳамшираларни бундай кишига бефарқ қарашга, оғриққа эътибор бермасликка ҳам ўрнатиб қўйиши мумкин. Шунингдек, жони азобда қолган беморлар билан ишлаш баъзан уларни руҳан эзиб, уларни ҳаёт лаззатидан воз кечишга ёки гўё бутун олам бемор одамлардан иборат, деб ўйлашга ўрнатиб қўяди.

Учинчидан — ҳамшира руҳий, жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишига қарамасдан, у доимо беморлар, нажот истовчилар билан мулоқотда бўлгани учун уларнинг ҳаммасига ўз вақтида ва етарли ёрдам беролмаслик ҳамширани руҳан эзиб, ҳаётга норозилик билан қарашларига олиб келиши мумкин.

Биргина мисол. Тиббиёт соҳасида кўп йил ишлаб яхшиги на ном чиқарган бир ҳамшира тўсатдан ишдан бўшашиб учун ариза беради. Бундан ҳайрон бўлган раҳбар ариза ёзиш сабабини сўраганида у: «Мен ҳамма беморнинг дардига даво то полмас эканман, руҳан қийналиб кетдим», дейди.

Агар бу мисол маърузаларда келтирилса, тингловчиларнинг ярми ушбу ҳамширани оқласа, қолган ярми уни хаёл-нарастликда айблайди.

Ҳамшира фаолиятидаги шу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин ва улар турли хилдаги гортишув арга сабаб бўлади.

Ҳамшира меҳнатига тааллуқди яна бир хусусиятни келтирамиз. Бу ҳамширанинг бемор ҳаётига бўлган жавобгарлигидир. Тўғри, бу ҳиссиётни улар доимо ёдида сақлаб ёки оғзаки такрорлаб турмайди. Аммо бу ҳиссиёт ҳар бир ҳамширанинг онги тубида сақланса ва бу уни доимо бир томондан ҳушёрликка чорласа, иккинчи томондан яхшироқ меҳнат қилишга ундейди. Бу ўринда биз шахснинг ташвиш-безовталик ҳиссиётини аниқлайдиган тест намунасини берамиз.

Тестни бажариш йўриқномаси

Синов саволларига «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериш лозим. Жавоб беришга иккиланссангиз ёки жавоб беролмассангиз «бilmайман», деб ёзинг. Саволларга шошилмасдан, ҳиссиётга берилмасдан, босиқлик билан жавоб ёзинг. Жавобсиз саволлар қолмасин. Китобга белги қўймаслик учун жавобларни 1 дан 50 гача рақамлар ёзилган варагда бажаринг.

Шахснинг ташвиш-безовталигини аниқловчи тест.

1. Ишча жуда жиддийман.
2. Кечаси ухлашга қийналаман.
3. Одатдаги ҳолатнинг ўзгариши ёқмайди.
4. Уйқуда ёмон тушлар кўраман.
5. Бирор ишга диққатимни йигишим қийин.
6. Уйқум нотинч, безовта, узуқ-юлук.
7. Мен ҳам бошқалар қатори баҳтли бўлгим келади.
8. Ўзимга ишонмайман.
9. Соғлиғим ҳақида доим ташвишдаман.
10. Баъзан ўзимни бутунлай кераксиз одамдек сезаман.
11. Тез-тез сабабсиз йиглаб тураман.
12. Хавф-хатар, қийинчиликлар пайтида қўлларим қалтирашини сезаман.
13. Ҳаяжонланганимда терлаб кетаман ва бундан уяламан.
14. Қўпинча ўзимни номаълум бир ташвиш босаётганини сезаман.
15. Натижаси ноаниқ ҳолат жуда ҳаяжонга солади.
16. Ҳатто совуқда ҳам терлайман.
17. Баъзан безовталаниб бир жойда тинч ўтира олмайман.
18. Ҳаёт ҳамиша ташвишли туюлади.
19. Бошқаларга қараганда кўпроқ ҳиссиётга берилган одамдекман.
20. Тез саросимага тушаман.

21. Мавқеим мени жуда безовта қиласы.
22. Икки ҳолатдан: ютуқ ва мағлубиятдан күпинча үзимга мағлубиятни башорат қиласынан.
23. Маълумотлар ўта түлиқ бўлмаса бирор қарорга келолмайман.
24. Баъзан ютугимдан шундай ҳаяжонга тушаманки, ҳатто ухлай олмайман.
25. Хавф туғдирадиган сабаб бўлмагандага ҳам баъзан кўркув босади.
26. Ҳамма нарсани жуда жиддий қабул қиласынан.
27. Баъзан олдимдаги тўсиқларни бартараф қила олмайман, деб ўйлайман.
28. Баъзан үзимга-ўзим «мен ҳеч нарсага арзимайман», деб ўйлайман.
29. Ҳар доим үзимнинг имкониятларимга үзим иккиланиб қарайман.
30. Омадсизликлар мени жуда ташвишлантиради.
31. Кутиш мени асабийлаштиради.
32. Ҳаяжонланган пайтимда нима демоқчи бўлганимни унутиб кўяман.
33. Арзимас нарсаларга ҳам кайфиятим бузилади.
34. Тез ҳаяжонланаман.
35. Кўпинча қизариб кетишдан кўрқаман.
36. Бўлғуси қийинчиликлардан ҳам кўрқиб тураман.
37. Асабларим бутунлай бузилган, тобора ёмонлашиб бораяпти, деб кўп ўйлайман.
38. Оёқ-кўлларим ўйлаганимдан иликроқ туюлади.
39. Кайфиятим бирдай яхши.
40. Ҳар доим үзимни бахтли сезиб юраман.
41. Бирор нарсани узоқ вақт кутиш лозим бўлса, бу ҳолатни ташвишсиз ўтказаман.
42. Ҳаяжонланганимда бошим оғрийди.
43. Ҳеч қандай қийинчилик юрагим фаолиятига таъсир қилмайди.
44. Асабларим бошқаларникига нисбатан яхши.
45. Үзимга-ўзим ишонаман.
46. Дўстларимга қарагандага үзимни шижоатли, деб ҳисоблайман.
47. Унчалик уятчан эмасман.
48. Жуда босиқман, жаҳлимни чиқариш анча қийин.
49. Умуман қизармайман.

50. Ҳар қандай нохуш ҳодисадан кейин ҳам бемалол ухлайвераман.

Ташвиш-безовталик ҳолатингизни аниқлаш учун 1—37-саволлардаги «ҳа» деган жавоблар сонини олинг; 38—50-саволлардаги «йўқ» деган жавоблар сонини олинг; «бilmайман» деган жавоблар сонининг ярмини олинг ва учала рақамни кўшинг. Олинган натижани қуидаги жадвалга солиб ўз ташвиш-безовталик ҳолатингизни аниқланг.

Ташвиш-безовталик ҳолатингиз:

	Паст	Ўртадан паст	Ўрта	Ўртадан юқори	Юқори
Эркаклар учун	0—9	10—14	15—19	20—24	25 ва ундан юқори
Аёллар учун	0—15	16—19	20—24	25—29	30 ва ундан юқори

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, кимнинг ташвиш-безовталик ҳолати паст бўлса, бундай шахсдан сиз билан биз кутган яхши ҳамшира етишиб чиқмайди. Демак, ёшларни ҳамширалик касбига танлаётганда масаланинг бу томонига ҳам эътибор бериш керак. Чунки ҳамшира доимо одамлар, беморлар, ёрдамга муҳтоҷ кишилар билан муомалада бўлиши ва улар билан мулоқот ўрнатиши лозимлигини эътибордан четга чиқармаслиги керак. Демак, ҳамшира қайси бир жиҳати билан хушмуомала бўлиши шартга ўхшайди. Шундай экан, бўлгуси ҳамшираларга мулоқот сирларини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар бир ҳамшира иш фаолияти давомида турли хилдаги bemorлар билан мулоқотда бўлади.

Бундай вақтда ҳамшира ҳар бир bemornинг феъл-атворига, дардининг оғир-енгиллигига эътибор берган ҳолда муомала қилиши керак. Кўпчилик ҳолларда bemorлар дарди оғир ёки енгил бўлишига қарамай, ўта инжиқ ва тушкун кайфијатда бўладилар.

Бундай ҳолатларда ҳамшира bemor руҳиятини пухта таҳлил қила олгандагина даволаш муолажаларидан сўнг кутил-

ган натижага эришилади. Демак, ҳар бир ҳамшира чуқур билимга эга бўлишидан ташқари, бемор руҳиятини ҳис эта олиши, эҳтиёткорлик билан бемор кўнглига йўл топа олиши, тиббиёт даҳоси ибн Сино айтганидек, дардни эмас, дардманни даволашда ўз маҳоратини кўрсата олиши керак. Бу эса ўз ўрнида касбнинг айни талабларидан, унинг хусусиятини белгиловчи маслакларидан бири бўлади. Айтиш лозимки, ҳамшира меҳнати бошқа соҳалардагидек моддий бойлик яратмайди, у кўпроқ маънавий омиллар билан белгиланади. Умуман моддий ва ҳатто маънавий ўлчамлар ҳам бу жойда кўп кўл келавермайди. Ҳамшира ва унинг раҳбарияти учун энг яхши баҳо беморнинг соғайиб кетиши, унинг хуш кайфиятидир.

Демак, ҳамшира меҳнати фаолиятининг хусусиятларини белгиловчи омиллари а келсак, ўша тиббиёт масканидаги хуш кайфият, тотувликни ижобий меҳнат ҳолати десак ҳақиқатдан унчалик узоқлашиб кетмаймиз.

МЕН НИМА УЧУН ҲАМШИРА БЎЛМОҚЧИМАН?

Бу саволга жавоб топиш учун тиббиёт соҳасининг етук мутахассислари, руҳшунослар, ота-оналар, мактаб ва ижтимоий соҳа вакиллари биргаликда тадқиқотлар, изланишлар олиб бормоқдалар.

Ҳамширалар меҳнатига бўлган талабнинг ортиб бориши билан Соғлиқни сақлаш тизимининг асосий бўғинларидан бири бўлган ҳамшираларнинг ютуқ ва муаммолари кўзга аниқроқ ташланна боради. Ҳар қандай муаммони ҳал этиш учун ҳамшира моддий, манавий, руҳий рағбатлантирилиш билан бир қаторда, у пухта билимга эга бўлган ҳолда ўз устида тинимсиз ишлаши, бемор руҳиятини қалбан ҳис эта олиши, ҳар қандай шароитда ўз касбига содиқ бўлиши билан малақасини замон талаби даражасида мунтазам ошириб бориши шарт.

Ҳамшира бўлиб етишишга кўпроқ ижтимоий-иқтисодий, тасодифий ҳолатлар, ёшлиқдан шу соҳага меҳр кўйиш, ҳамширалар меҳнатига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши сабаб бўлади. Ҳамширалик касбига бўлган меҳрнинг пайдо бўлиши боғча, мактаб ёшидан бошланади. Бунда боғча тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари, ота-она, оиласвий ва болага таъсир этувчи муҳитнинг аҳамияти каттадир.

Етук, манан бой, билимли, хуш ахлоқ ҳамширалар тай-ёрлаб бериш тиббиёт билим юргларининг асосий вазифасидир.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида Ўзбекистон бўйича 290 000 га яқин ҳамшира хизмат қилади. Уларнинг кўпчилиги ёшлигидан ҳамшира бўлишни орзу қилганлардир. Аммо шу билан бир вақтнинг ўзида айтиш лозимки, ҳамшираларнинг умумий сони ичida ёшлигидан ҳамшира бўлишни орзу қилганлар ҳар ҳолда озчиликни ташкил қилади. Улар қанчалик моҳир ҳамширалар бўлмасин, касбдошлари орасида шундай моҳир ҳамширалар борки, бу ҳол ҳамшира бўлиш учун фақат орзунинг ўзи кифоя қилмаслигини кўрсатади. Ҳамширалик касби шахсадан бевосита маҳсус хусусиятларни ҳам талаб қилади. Ушбу хусусиятларни аниқлаган (ижтимоий соҳа вакиллари) руҳшунослар ва бошқа мутахассисларнинг фикрларига қараганда, илмий кузатиш натижаларини таҳлил қилганда ҳамшираларда қўйидаги хусусиятлар албатта бўлиши шартлиги аниқланган. Ушбу сифатларни аниқлашда руҳшунослар ҳамширалар ва бўлғуси ҳамшираларга қўйидаги саволлар билан мурожаат қилишган:

Кўйидаги сифатларнинг қайси бири сизда бор? Ушбу саводдан кейин қатор инсон сифатлари берилади!

Кўйидаги сифатларнинг қайсилари сизда кам тараққий қилган?

Кўйидаги сифатларнинг қайсилари сизда етишмайди?

Яна қандай сифатлар ўзингизда бўлишини хоҳлар эдингиз?

Ушбу илова қилинган саволларга инсоннинг куплаб маълум сифатларини келтирмадик.

Мутахассис ҳамшираларни таңлаб олиш учун ушбу саволлар етарли, деб айтольмаймиз. Аммо, улар ёрдамида ҳамшираларга керак бўлган инсоний хусусиятларнинг катта қисмини аниқлаб олса бўлади. Масалан, респондентлар — саволга жавоб берувчилар жавобидан энг кўп учраганларини ажратиб олиб уларнинг ўртача коэффициенти чиқарилади. Шу усул орқали ҳамшираларда бўлиши керак бўлган хусусиятларни белгиласа бўлади. Берилган саволларга жавоб тариқасида кўрсатилган инсоний хусусиятларнинг энг кўп учраганларини кўрсатиб ўтмоқчимиз: хушмуомалалик, очиқкўнгиллик, одоблилилк, бошқаларнинг дардига бефарқ қарамаслик, сўза-

моллик, сермулоқотлилик, хушчехралик, чидамлилик, ши-жоатлилик, хушкүнгиллилик эътиборлилик, тартиблилик, орасталик, иродалилик, озодалик, топқирлик (очиқүнгиллик, очиқ кайфиятлилик, хушфеъллик), босиқлик, дидлилик, саранжомлилик, моҳирлик, саботлилик, эпчилик, қизиқувчанлик, интилувчанлик, зеҳнилилик ва бошқа шунга ўхшаш инсоний хусусиятлар.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган инсоний хусусиятларнинг ҳаммаси ҳам бир кишида мужассам бўлавермайди. Аммо бир кишида бундан ҳам кўпроқ ижобий хусусиятлар жам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, инсон ўзида бу хусусиятларни секин-аста шакллантириши ва уларни эгаллашда юқори натижаларга эришиши мумкин.

Ушбу инсоний хусусиятлар орасида ҳамширага кўпроқ асқотадигани бошқаларнинг дардига бефарқ қарамаслик, зеҳинлилик, саранжом-саришталик, орасталик ва бошқалардир.

Бу ўринда бемор дардига бефарқ қарамаслик, хушмуомалик ҳамширанинг доимий фазилатига айланган бўлса, у ҳар қандай бемор билан ҳам тил топишиб, унинг дардига малҳам бўла олади. Бундай ҳамшира билан мулоқотда бўлган бемор бир оз бўлсада ўз дардини унутиб, жони ором топади.

Инсоний хусусиятлар тўғрисида гап кетганда ҳамшираларда паришонхотирлик бўлиши мумкинми? — деган савол туғилади. Ўта паришонхотир киши ҳамшира бўлолмайди, чунки бундай киши бемор ҳаётини хавф остига солиб қўйиши мумкин. Шундай экан, паришонхотирликни аниқловчи бир ҳазиломуз тестга жавоб беринг:

1. Касбдошингиз билан қизиққонликка бориб қолдингиз.

Ўша баҳс нимадан бошланганини айти оласизми?

- | | |
|-------------|---|
| A. албатта | 3 |
| Б. қийналиб | 2 |
| В. бальян | 4 |
| Г. кўнингча | 1 |

2. Ўзинчига қандай иш тўғри келади дея оласиз?

- | | |
|--------------------|---|
| A. ўз фирмам бўлса | 4 |
| Б. эркин касб | 3 |
| В. давлат иши | 1 |
| Г. чет эл фирмаси | 2 |

3. Эрталаб уйдан ўзингизни тұлуқ тартибга солиб чиқасизми?

- | | |
|-----------------------|----------|
| A. ҳар доим | 4 |
| Б. одатда | 3 |
| В. баъзан | 2 |
| Г. йўл-йўлакай | 1 |

4. Зарур учрашувлар санаси ва вақтини доимо хотирангизда сақлай оласизми?

- | | |
|--------------------------------------|----------|
| A. ҳаракат қиласман | 3 |
| Б. ким билан бўлишига қараб | 2 |
| В. ҳамиша ҳам ёдимда турмайди | 1 |
| Г. жуда кам туради | 4 |

5. Бошқаларга ёрдамингиз текканда қувонасизми?

- | | |
|------------------------------------|----------|
| A. ёрдамимни аямайман | 3 |
| Б. унча эмас | 1 |
| В. албатта | 4 |
| Г. илтимос жиддий бўлса, ҳа | 2 |

6. Дўстларингизнинг телефонларини биласизми?

- | | |
|-----------------------------------|----------|
| А. ёддан биламан | 3 |
| Б. ён дафтаримда сақлайман | 1 |
| В. ишхонада сақлайман | 2 |
| Г. уйда сақлайман | 4 |

7. Ўй ва корхона ишларини бирга бажара оласизми?

- | | |
|------------------------------------|----------|
| А. қийналиб | 4 |
| Б. шундай қиласман | 3 |
| В. амалда бундай қилмайман | 1 |
| Г. умуман бундай қиломайман | 2 |

8. Бошлиқдан тез бажарилиши керак бўлган топшириқ олсангизчи?

- | | |
|---|----------|
| А. кечгача ишлайман | 3 |
| Б. ишга эртароқ қеламан | 4 |
| В. ҳамкасларимдан ёрдам сўрайман | 2 |
| Г. ҳаяжонга тушаман | 1 |

8—18 балл олсангиз сиз ўз муаммоларингизни ҳал эта олмайсиз. Кўпинча иккинчи даражали ташвишлар билан ўралашиб қоласиз. Тушгача ишларингизнинг асосийларини ёдда сақлайсиз, аммо тушдан кейин ҳамма нарса аралаш-куралаш бўлиб, доимгидек сизнинг бесаранжом одатингиз такрорланади. Иш ҳақида ўйлашдан кўра ўзингизга ёкқан, ишга боғлиқ бўлмаган нарсалар ҳақида кўпроқ ўйлайсиз. Сизнинг бесаранжом ҳаётингизнинг сабабларидан бири ҳам шунда.

19—28 балл олсангиз — ўзингизни иш билан банд қилиб кўрсатиш сизда одат тусига кириб қолган. Ташқаридан қараганда сиз ўта банд, яхшигина ходимсиз. Майда-чуйдаларни ҳисобга олмагандан ўзингизга зарур нарсаларни кўпам унутавермайсиз. Эҳтиёт бўлинг, бундай феъл сизга қимматга тушиши мумкин.

29—32 балл олсангиз — сиз ўз ишларингизни пухта режалаштира оласиз. Ўта зарурларини ён дафтарингизга ҳам ёзасиз, кераклиги ўтгандан кейин уларнинг баъзиларини ўчириб ташлайсиз. Сиз бирор нарсани камдан-кам ёдингиздан чиқарасиз. Агар ёдингиздан кўтарилиган бўлса, ўзингизни кечира олмайсиз. Хотирангиз яхши. Бирон нарса ёдингиздан кўтарилиганда ўзингиздан унчалик хафа бўлманг, ахир сиз робот эмассизку.

Кўпчилик одамлар мuloқotga ўта зарурат сезадилар. Улар бошқалар билан мuloқot ўрнатишни ёқтирадилар, уларнинг мuloқot доиралари торайса ёки умуман узилиб қолса, ўзларини анча ноқулай сезадилар, мuloқotни тиклаш учун кечирим сўрашга ҳам тайёр бўлишади. Бундай одамлар бошқалардан ёрдамини аямайди, доим муомалада бўлиш йўлларини излади. Айтиш мумкинки, ана шундай кишилар ҳамшира бўлиб фаолият кўрсатса айни муддао бўлар эди. Хушмуомалик, сермулоқотлилик ҳамшираларга жуда зарур хусусиятлардан саналади. Шундай экан, сиз ўзингиз мuloқot хусусијати жиҳатидан қандай инсон эканлигинизни биласизми?

Шахсдаги мuloқotга мойиллик хусусиятини аниqlash тестини бажариш учун йўриқнома.

Саволга жавобингиз ижобий бўлса «ҳа», салбий бўлса «йўқ», деб ёзинг. Саволлар устида узоқ ўйланиб қолманг ва албатта бирор қарорга келишга ҳаракат қилинг. Шунга қарамасдан баъзи саволлар жавобсиз қолади. Қанчалик самимий жавоб берсангиз натижа шунчалик аниқ бўлади. Китобни ифлос қилмаслик учун жавобни алоҳида 1 дан 33 гача рақамлар ёзилган варақда бажарганингиз маъқул.

Тест саволлари:

1. Тантаналарни ёқтираман.
2. Дўстларимга ёқмасада ўз хоҳишлиримдан воз кеча олмайман.
3. Кимгалир бўлган хайриҳоҳлигимни кўрсатишни ёқтирамайман.

4. Менга дүстлик орттиришдан күра унга таъсир күрсатиш күпроқ ёқади.
5. Дүстларимга нисбатан бурчдан күра ҳуқуқим күпроқ-лигини сезаман.
6. Дүстларимнинг ютуқларини күрганимда нимагадир кайфиятим бузилади.
7. Ўзимдан-ўзим қониққанликни ҳис қилишим учун бирорларга ёрдам беришим керак.
8. Ишда, дүстларим билан бўлганда ташвишларим йўқолади.
9. Дўстларим жуда жонимга тегади.
10. Бирор жиддий иш қилаётганимда ёнимдаги одамлар жигимга тегади.
11. Вазият тифиз бўлганида ҳақиқатнинг менга ва дўстларимга зарар қилмайдиган қисмини айтишим мумкин.
12. Қийин аҳволда қолганимда ўзимдан күра яқин кишиларим тўғрисида күпроқ ўйлайман.
13. Дўстларимнинг ташвишлари ортганда улар тўғрисида ўйлайвериб касал бўлиб қоламан.
14. Менга қийин бўлсада бошқаларга ёрдам беришни ёқтираман.
15. Дўстим ноҳақ бўлганда ҳам унинг ҳурмати учун унинг фикрига кўшиламан.
16. Менга севги ҳақидаги ҳикоялардан күра саргузашт ҳикоялар күпроқ ёқади.
17. Кинодаги ваҳшийликларни кўрсам кўнглим айнийди.
18. Ёлғизликда ўзимни ноқулай сезаман.
19. Ҳаётда мулоқот асосий қувонч.
20. Дайди ит-мушукларга ичим ачийди.
21. Дўстларим кам бўлсада яқин бўлишларини хоҳлайман.
22. Одамлар орасида бўлишни ёқтираман.
23. Яқинларим билан бўлган можарони унтишим қийин.
24. Бошқаларга қараганде яқин дўстларим күпроқ.
25. Дўст орттиришдан күра реал натижага эришишни ёқтираман.
26. Одамлар ҳақида бошқаларнинг фикридан күра ўз ҳис туйғуларимга күпроқ ишонаман.
27. Ёқимли одамларнинг мулоқотидан күра фойдали одамларнинг бойлик ва имкониятлари күпроқ ёқади.
28. Яқин дўстлари йўқ кишиларга ачинаман.

29. Менга нисбатан одамлар кўпинча ноҳақ фикрда бўлишади.

30. Беминнат дўстлик ҳақидаги ҳикоялар кўпроқ ёқади.

31. Дўстим учун кўп нарсадан кечишим мумкин.

32. Ёшлигимда ҳам яқин дўстларим кўп эди.

33. Журналист бўлганимда дўстлик ҳақида кўп ёзган бўлардим.

Энди «ҳа» ва «йўқ» жавоблар сонини аниқланг ва иккаласини қўшинг. Натижани мана бу жадвалдан кўриб олинг.

Эркаклар учун 0—21
Аёллар учун 0—23 } Мулоқотга эҳтиёжингиз паст

Эркаклар учун 22—23
Аёллар учун 24—26 } Мулоқотга эҳтиёжингиз
 } ўртачадан пастроқ

Эркаклар учун 24—25
Аёллар учун 27—28 } Мулоқотга эҳтиёжингиз
 } ўртacha

Эркаклар учун 26—28
Аёллар учун 29—30 } Мулоқотга эҳтиёжингиз
 } ўртачадан юқорироқ

Эркаклар учун 29 ва ундан юқори } Мулоқотга эҳтиёжингиз юқори
Аёллар учун 31 ва ундан юқори } юқори

Демак, мулоқотнинг камайишини мулоқотга эҳтиёжи юқори бўлган одамлар қийин кечиришади. Мулоқотнинг камайиши кўпчиликка асосан салбий таъсир этади. Демак, ҳамширалар bemорларнинг касаллиги сабабли мулоқот лаёқати ёки имконияти камайганини жиддий эътиборга олишлари лозим. Шунда улар орасидаги муомала яхшиланиб, bemорнинг тезроқ тузалишига имкон юратилади.

Маълумки, узоқ вақт бошқалар билан мулоқотда бўлмаслик шахснинг руҳий ҳолатига жиддий таъсир қиласи ва унга ўзгаришлар киритади, унинг ички дунёсини маълум кўнижмалардан маҳрум қиласи, натижада шахс жамият талаб қилгани қоидаларни бузишгача бориб этади ёки жамият қоидаларни менсимай қўяди. Худди шу ҳолни ёш болалар орасида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ёш бола ўз тенгқурлари билан мулоқотда бўлмас экан, у ривожланишдан орқала қола бошилайди. Шу сабабли ҳамширалар, тиббиёт соҳасининг бошига ходимлари буни назарда тутишлари лозим. Юқорида

айтиб ўтганимиздек, шахснинг ҳатто вақтингчалик мuloқot доираси торайиши ҳам унинг руҳиятига жиддий таъсир қилади. Тиббиётдан мисол келтирадиган бўлсак, беморлар яқинлари тез-тез келиб ҳолидан хабар олмаслигини жуда оғир кечиришади. Бу ҳол илгари кенг доираларда мuloқotда, муомалада бўлиб юрган шахсларга айниқса қаттиқ сезилади.

Агар болалар ўқиш даврида ёки ривожланиш даврида ўз тенгқурлари билан кам мuloқotда бўлсалар, улар руҳий жиҳатдан ўсишда орқада қолишади, кейинчалик ҳам уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб кетишлари бошқаларга қараганда анча қийин кечади.

Шахснинг мuloқotга талаби ўз вақтида қондирилмас экан, бундай шахсада бошқаларга нисбатан меҳр, ҳамдардлик, дўстлик ва шунга ўхшаш ижобий хусусиятлар яхши ривожланмайди. Айнан мuloқotнинг фаолият жараёнида кишиларнинг кайфияти кўтарилади, безовталик камаяди, кўркув ҳисси бутунлай йўқолади. Мuloқot жараёни яна бир томони билан шахсга ижобий таъсир қилади, бу жараёнда шахс нафақат бошқаларни ўрганиб қолмай, айни пайтда ўзини ҳам ўрганиб боради. У ўзини бошқалар билан таққослайди, салбий ва ижобий томонларини яққол кўради, уларни йўқотишга ҳаракат қилади. Мuloқotнинг камлиги эса шахснинг шундай мuloқot жараёнини излашига олиб келади. Ўзидаги ортаётган безовталикни бошқалар билан бўладиган мuloқotда бартарап қилиш йўлларини излади.

Ўз ўрнида мuloқot доираси камайган беморларнинг безовталиги ошганлигини ҳамшира сезиши лозим ва имкон даражасида камчиликни йўқотса беморнинг тузалиши тезлашади, унинг руҳи кўтарилади, бу эса унинг жисмонан соғайиш жараёнини тезлаштиради. Шу ўринда шифохонага беморларни кўргани келган одамларни уларнинг олдига киритмасликни руҳшунослик нуқтаи назаридан ижобий деб бўлмайди. Беморни кўргани келган киши уларга руҳий озиқ беради.

Маълум бўлишича, ташвиш-безовталиги юқори одамлар орасида вижданан ишлайдиганлари жуда кўп бўлар экан. Аммо бу ҳолат уларнинг руҳиятига салбий таъсир қилмай қолмайди, албатта. Ташвиш-безовталиги юқори одамлар тиришкоғлиги билан ҳам ахралиб турадилар. Аммо бирор муаммо туғилса, уларнинг иштаҳалари бўғилади, тинчликлари йўқо-

либ, уйқулари қочади. Бу эса уларнинг умумий ҳолатини янада ёмонлаштиради. Уларда учрайдиган касалликларнинг асл сабаби ҳам айнан мана шу ички ташвиш-безовталик экан.

Илмий изланишларнинг натижаларига қараганда, юрак хасталиги билан оғриган беморларнинг 76 фоизини ташвиш-безовталиги юқори одамлар ташкил қилас экан. Меъда яраси бор беморларнинг 65 фоизида касаллик шу ташвиш-безовталик туфайли келиб чиқар экан. Демак, тиббиёт ходимлари руҳшуносларнинг изланишларини инобатга олиб, бундай беморларни даволашда уларнинг руҳий ҳолатига жиддий эътибор беришлари, ҳамширалар эса улар билан мулоқотни яхшилашлари лозим экан. Шундагина даволаш жараёни фаоллашиб, унинг самараси ошади.

Инсоннинг руҳий ҳолати оптималь ёки нооптималь бўлиши мумкин. Руҳий ҳолат оптималь бўлганда шахсий имкониятлар доираси кенгаяди. Руҳият нооптималь ҳолатда бўлганда эса бунинг акси бўлади. Одам ўзида бор имкониятлардан ҳам тўлиқ фойдалана олмайди. Кўпгина одамларда фаолият муҳити жиддий ўзгарганда ҳам улардаги имкониятлар ўзгармайди. Бундай шахслар одатда ўта иродали шахслар ҳисобланадилар. Иродаси сустроқ кишилар атроф-муҳит ўзгаришини оғир кечиришади, салгина ўзгариш уларни ўз қўникмаларидан маҳрум қиласди, кундалик ҳаётларини издан чиқариб юборади.

Экстремал ҳолатда ҳар қандай одам ҳам ҳис-ҳаяжонга берилади. Демак, бундай ҳолатлар унинг кайфияти, яъни руҳиятини ёмонлаштиради ва бу ҳол ўз ўрнида шахсни руҳий ҳолат ёмонлашганда келиб чиқадиган касалликларга олиб келади. Демак, ишдаги муҳитнинг ўзгариши шахенинг фаолияти ўзгаришига таъсир кўрсатмай қолмайди. Ўзига ишонган, ўзига бино қўйган, ўз кучини ортиқча баҳолайдиганлар бундай ўзгаришларга унча тайёр бўлмайдилар. Бундай ҳолларда уларда саранжом-саришталик, тартиблилил, босиқлик, ўзига ишонч йўқолиб, фикр тарқоқлиги ёки шунга ўхшаш баязи салбий кўринишлар ортади. Энди уларни ҳар қандай қўшимча ўзгаришлар одатдаги ҳолатдан чиқариб юбориши мумкин. Натижада улар турлича хатоликларга йўл қўя бошлайдилар. Бошқача қилиб айтганда, ўша босиқлик, айниқса ўзига бино қўйиш, ўзига ишониш уларда шахсий назорат камайишига сабаб бўлади.

Ташвиш-безовталиги юқори кишилар күпроқ ҳис-ҳаяжонга бериладилар ва кўп хатога йўл қўядилар. Бунга асосан ўзига ишонмаслик ва бажараётган ишидан салбий натижа кутиш сабаб бўлади. Мисоллар шуни кўрсатадики, бу икки салбий хусусиятга эга кишилар экстремал шароитларда ишлашга қийналадилар.

Маълумки, ҳамширалар ўз иш фаолиятларида тез-тез экстремал шароитда фаолият кўрсатадилар ва бу улар учун оддий ҳолат бўлиши керак, яъни улар кўпинча шундай экстремал ҳолатларда инсон ҳаёти учун кураш олиб борадилар. Демак, бундай шароитда фаолият кўрсатадиган ҳамширалар тепса тебранмас, ўзига бино қўйган ва айниқса ташвиш-безовтали, ҳис ҳаяжонга берилган кишилар бўлмаслиги лозим. Шундай экан, инсоннинг ўзи ҳақидаги фикри қандайлигиги билиб қўйган яхши. Ўз-ўзини билиш тестларидан бирини келтирамиз:

Тестни бажариш йўриқномаси

Саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг. Саволлар жавобсиз қолмасин. Иложи борича саволларни тез ва иккиланмай бажаринг.

1. Ҳаётдаги ютуқлар ҳисоб-китобдан кўра тасодифга кўпроқ боғлиқ.
2. Кўнглимга ёқсан ишимни йўқотсан мен учун ҳаётнинг қизиги қолмайди.
3. Менга бажараётган ишимнинг натижасидан кўра бажариш жараёни қизиқроқ.
4. Менимча одамлар яқинлари билан оралари бузилганлигидан кўра, ишдаги омадсизликларидан кўпроқ азоб чекишиди.
5. Менимча кўпчилик одамлар яқин мақсадларидан кўра кўпроқ узоқ хаёллар билан яшашади.
6. Ҳаётимда омадсизлигимдан кўра омадим кўпроқ.
7. Менга эпчиллардан кўра ҳис-ҳаяжонли кишилар кўпроқ ёқади.
8. Ҳар қандай оддий ишни ҳам такомиллаштиришни яхши кўраман.
9. Бўлғуси ютуқларни ўйлаб эҳтиёткорликни унугиб кўяман.

10. Ота-онам мени дангаса дейишади.
11. Омадсизлигимга ўзим эмас, муҳит сабаб.
12. Ота-онам мени қаттиқ назорат остида ўстиришган.
13. Менда қобилиятдан кўра чидам кўпроқ.
14. Уринишлардан қайтишимга иккиланиш эмас, дангасалигим сабаб бўлади.
15. Ўйлайманки, мен ўзига ишонган одамман.
16. Ютуққа эришиш учун имконият кам бўлса, таваккал қилишим мумкин.
17. Мен тиришқоқ эмасман.
18. Иш бажаргим келаётганда ғайратим ортади.
19. Журналист бўлганимда тасодифлар ҳақида эмас, ҳар хил ихтиrolар ҳақида кўпроқ ёзардим.
20. Режаларимни яқинларим кўпинча оқлашмайди.
21. Ҳаётга талабим дўстларимниги қараганда пастроқ.
22. Менимча, менда қобилиятдан кўра тиришқоқлик кўпроқ.

Тест натижаларини аниқлаш учун 2, 6, 7, 8, 14, 16, 18, 19, 21, 22-жавоблардаги «ҳа» жавоблар сонини санаб чиқинг. 1, 3, 4, 5, 9, 10, 11, 12, 13, 15, 17, 20-жавоблардаги «йўқ» жавоблар сонини санаб чиқинг. Иккала рақамни қўшинг ва қуйидаги формула орқали натижага эришишдаги тиришқоқликнингизни аниқланг.

Натижага эришишда ўз-ўзингизни баҳолашингиз 0—10 га teng бўлса, тиришқоқлик шахсий сифатингиз паст; 11—12 бўлса, ўртачадан пастроқ; 13—14 бўлса, ўртача; 15—16 бўлса, ўртачадан баландроқ; 17 дан юқори бўлса, натижага эришиш сифатингиз атрофдагиларнидан анча юқори.

Бирор ишни ҳамма яхшироқ, тезроқ, кам харажат билан сифатлироқ қилиб бажаришга ҳаракат қиласди. Инсон ўзи бажараётган ишидан ўзи завқланиб яшайди. Шу билан у ўзини-ӯзи биринчидан ўзи учун, иккинчидан бошқалар орасида бошқалар учун яратиб, шакллантириб боради. Бу жараён ҳар бир инсоннинг ўзини-ӯзи яратишидаги энг сермаҳсул ва жозибали жараёнидир. Шунинг учун инсоннинг фаолият жараёнини фақат моддий ёки маънавий натижага эришиш жараёни деб бўлмайди. Бу жараён инсон учун яратиш, ижод қилиш, бутун борлиги билан ўзини-ӯзи шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнидир.

Инсоннинг хусусиятларини санаб ўтар эканмиз, биз уларнинг айнан ҳамширалар учун қай даражада муҳимлигини

таъкидламадик. Чунки ҳамшира ҳам жамиятдаги турли хил шароитда, турли хил мұхиттә фаолият күрсатади. Демак, ҳар қандай ҳамшира ўз ички түйғуларидан келиб чиқиб бошқалар билан муомалада бўлмоғи керак. Биз бу ўринда турли тест синовлари орқали унинг ўзини-ўзи яхшироқ англашига бир қадар ёрдам бериб ўтдик, холос. Ҳар бир ҳамшира нафакат ўзини, ҳатто ушбу тестлар орқали бошқаларни ҳам ўрганиши, яхшироқ билиб олиши мумкин. Айтиш керакки, ҳар биримиз ички бир түйғу билан доимо билимга интилиб яшаймиз, бу айниқса бошқалар ҳақидаги билим бўлса, одатда қизиқишимиз кўпроқ бўлади. Чунки биз бошқаларни ўрганиш, билиш орқали ўзимизни кўпроқ тушуниб, билиб борамиз. Бу бизнинг доимий нурга, комилликка интилиш хусусиятимиздир.

МЕН ЎЗИМНИ ШУНДАЙ ОДАМ ДЕБ ЎЙЛАЙМАН

Ҳар бир ишнинг самарадорлиги шу ишни бажараётган шахснинг ўзлик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Шахснинг руҳий хусусиятларидан унинг қизиқишилари, эҳтиёжлари, уриниш сабаблари ва шахснинг ўзини-ўзи қандай баҳолаши унинг меҳнат фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Инсоннинг ўз-ўзини тушуниши, ўз-ўзини қандай баҳолаши, ўзига тез-тез «мен кимман», «мен қандай одамман», деган саволларни бериб туриши уни такомиллаштириб боради. Бу ижобий ҳол. Бу ўринда унинг ўз-ўзини тўғри баҳолаши кўпгина ютуқларнинг асоси ва боши бўлади. Айни ҳолда унинг ўз-ўзини кам ёки ортиқча баҳолаши эса унинг мағлубиятларига, омадсизликларига сабаб бўлади. Шундай экан, ҳар бир шахс, жумладан ҳар бир ҳамшира ўзини-ўзи тез-тез «мен кимман» деган савол билан «имтиҳон» қилиб турса, бу уни шахсий баркамолликка етакловчи поғона бўлади. Ҳар бир инсон «мен кимман» дейиши учун у ўзини билмоғи керак. Киши ўзини билмоғи учун унга бу муаммоларда ёрдам берувчи ҳар хил тестлар жуда кўп. Бу борада ҳамшира биринчи ўринда ўз характерини, хулқини ва хулқининг хусусиятларини билмоғи лозим. Шунинг учун шахснинг хулқини, характерини аниқлайдиган тест саволларини берамиз.

Характерни аниқловчи тестни бажарып күринг.

Ушбу тест орқали сиз ўз хулқингиз ҳақида ўзингиз ўйламаган, сизга маълум бўлмаган томонларингизни балки аниқларсиз. Аммо бунинг учун сиз «йўқ» деб жавоб берадиган жойда «ҳа» деб жавоб бермаслигингиз керак ёки аксинча, «ҳа» деб жавоб берадиган жойда «йўқ» деб жавоб берманг. Аммо шу билан бир вақтнинг ўзида айтиш керакки, сиз ўзингизнинг хулқингизни доимо ўзгартиришингиз мумкин. Демак, тест натижасига ўзингиз тўлиқ масъул бўлишингиз билан бир вақтнинг ўзида уларга нисбийроқ назар билан қараганингиз маъқул.

Тест натижасини билиш учун қуидаги саволларга жавоб беринг. Жавобларни қофозга ёзиб бориб уларнинг натижасини эса тест охиридаги ракам кўрсаткичдан топинг ва ўқиб олинг.

1. Сизнинг ҳаракатларингиз атрофдагиларга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?

- а) жуда кам;
- б) кам;
- в) тез-тез;
- г) кўп ўйлайман.

2. «Обрў» учун, бошқаларга ўрнак бўлиш ёки бошқа бирор сабабларга кўра ўзингиз ишонмаган нарсаларни гапирасизми?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

3. Қуида келтирилган бошқалардаги сифатларнинг қайси бирини қадрлайсиз?

- а) изчиллик;
- б) кенг фикрлилик;
- в) ўзни кўрсата олиш, таъсирчанлик.

4. Педантликка— ҳамма нарсани рисоладагидек аниқ, ёзилганидай бажаришга мойиллигингиз борми?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

5. Ўзингиз билан боғлиқ нохушликларни тез ёддан чиқарасизми?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

6. Ўзингиз қилган ишларни таҳлил қилишини яхши кўрасизми?

- а) ҳа;

- б) йўқ.

7. Сизга таниш кишилар орасида:

- а) ўзингизни суҳбат мавзусида ушлайсиз;
- б) ўзингиз билан ўзингиз бўласиз.

8. Оғир ишга қўл ураётуб ўша ишнинг қийинчилеклари ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиласизми?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

9. Қуйида келтирилган аниқловчилардан қайси бири сизга кўпроқ тўғри келади?

- а) орзуга берилганроқ;
- б) «Дўст деса жонини беради»;
- в) меҳнатда тиришқоқ;
- г) саранжом-саришталикни, аниқликни яхши кўради;
- д) кенг маънода «файласуф»;
- е) шошқалоқ.

10. Уёки бу муаммони муҳокама қилганда:

- а) бошқаларнинг фикрига тўғри келмаса ҳам ўзимнинг фикримни айтаман;
- б) ўзимнинг фикрим бўлса ҳам бундай ҳолатда жим ўтирган маъқул, дейман;
- в) ўз фикрим бўлса ҳам кўпчиликни қўллаб- қувватлайман.
- г) фикрлаб ҳам ўтирмасдан кўпчиликнинг фикрини қўллаб-қувватлайман.

11. Кутимагандаги раҳбарнинг чақириши сизда қандай ҳисстийгулар уйғотади?

- а) ғашим келади;
- б) ташвишланаман;
- в) безовтала наман;
- г) ҳеч қандай ҳис туғилмайди.

12. Музокара қизиб турган пайтида сизнинг рақибингиз шахсингизга тегиб кетса сиз қандай иш тутасиз?

- а) унга ўша оҳангда жавоб бераман;
- б) билмаганга оламан;
- в) намойишкорона хафа бўламан;
- г) танаффус қилишни таклиф қиласман.

13. Сизнинг бажарган ишингиз бекорга чиқарилса:

- а) ачинаман;
- б) уяламан;
- в) аччиғим чиқади.

14. Агар нокулай аҳволга тушиб қолсангиз кимни айблайсиз?

- а) ўзимни;

- б) тақдирни;
- в) бошқа объектив сабабларни.

15. Сизнингча, раҳбарлар, қўл остингиздаги одамлар, ҳамкасларингиз сизнинг қобилиятингизни паст баҳолайдими?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

16. Дўстларингиз ёки ҳамкасларингиз сизнинг устингиздан мазах қила бошлашса нима қиласиз?

- а) уларга аччиқ қиласан;
- б) мен ҳам ҳазиллаша бошлайман;
- в) аччиқланмасдан улар билан ўйинни давом эттираман;
- г) кулиб қўяманда эътиборга олмайман;
- д) ўзимни эътиборсиз кўрсатиб, ҳатто кулиб ҳам қўяман, аммо қалбан қарши тураман.

17. Шошиб турган пайтингизда излаган нарсангизни (портфел, телпак, шляпа ёки бошқа бирор нарсангизни) жойидан тополмасангиз нима қиласиз?

- а) жимгина излашни давом эттираман;
- б) излашда давом этаман, шу билан бир вақтда уйдагиларни тартибсизликда айблайман;
- в) керакли нарсамни топа олмасамда кетавераман.

18. Ўз мувозанатингиздан сизни нима чиқара олиши мумкин?

- а) қабулхонадаги узун навбат кутиш;
- б) шаҳар автобусидаги тиқилинчлик;
- в) бир жойга бир масала бўйича бир неча маротаба қатнаш.

19. Мунозара тамом бўлгандан кейин хаёлан ўзингизнинг далилларингизни келтириб мунозарани давом эттирасизми?

- а) ҳа;
- б) йўқ.

20. Зудлик билан бажариладиган ишга ўзингизга қандай ёрдамчи танлаган бўлар эдингиз?

- а) интизомли, аммо ташаббуссиз кишини;
- б) билағон, аммо ўжар мунозаракашни;
- в) қобилиятили, аммо дангасароқ кишини.

Баллар баҳоси қийматини мана бу жадвалдан топинг.

Жавоб:	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
а	0	0	1	2	0	2	2	0	0	2	0	0	2	2	0	0	2	1	0	0
б	1	1	1	0	2	0	0	2	1	0	1	2	1	0	2	1	0	0	2	1
в	2	-	0	-	-	-	-	-	3	0	2	1	0	0	-	2	1	2	-	2
г	3	-	-	-	-	-	-	-	2	0	0	3	-	-	-	0	-	-	-	-
д	-	-	-	-	-	-	-	-	2	-	-	-	-	-	-	0	-	-	-	-
е	-	-	-	-	-	-	-	-	0	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Очқицдан топилган жавоблар изоҳи.

15 баллдан паст бўлган баҳолар изоҳи.

Эсиз, характерингиз бўш, асабийлашганроқсиз, беўйроқсиз ва шу билан бир вақтнинг ўзида омадсизликда кимни бўлсада айблашта тайёрсиз, фақат ўзингизни эмас. Бирон ишда, дўстликда сизга таяниб бўлмайди. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришингиз керакка ўхшайди.

15 дан 25 гача балл олган бўлсангиз: ахлоқингиз анча мустаҳкам, ҳаётга тўғри кўз билан қарайсиз, аммо ҳамма ҳаракатларингиз ва ҳамма қилган ишларингизни бир хилда баҳолаб бўлмайди. Адашган ва уриниб-суринган вақтингиз ҳам бўлиб туради. Жамоада сизни яхши қабул қилишади. Аммо ҳали ўзингиз устингизда анча ишлар қилишингиз керак. Бунинг иложи бор, ўзингизга ишонинг.

26 дан 38 гача балл тўпланган ҳолда, сиз тиришқоқ ва масъулиятни яхши сезадиган кишилар қаторига кирасиз. Ўзингизнинг фикрингизни қадрлайсиз ва бошқаларнинг фикрига ҳам қулоқ соласиз. Муҳитдаги ҳолатни яхши баҳолай оласиз ва атроф-муҳитга қараб вазиятга тўғри ечим топасиз. Бу хулқингизнинг кучли томонини кўрсатади. Фақат ўзингизга-ўзингиз маҳдиё бўлиб қолманг, ахир кучли дегани бу фақат жисмонан кучли дегани эмас, яъни бу раҳмсизлик ва бағритошлик эмаску.

38 дан юқори балл: сизга бирон нарса дейиш қийин. Биласизми, шундай идеал хулқли кишиларнинг борлигига

ишонгинг келмайди. Агар бор бўлса, уларга нимани ҳам маслаҳат бериш мумкин. Балки бу баллар сизнинг ўзингизни ўзингиз нотўғри, нообъектив баҳолашингиздан келиб чиққандир. Ўйлаб кўринг, кеч эмас.

ШИЖОАТЛИ ИНСОНМИСИЗ?

Шижаот инсон фаолиятининг ёрқин кўринишларидан биридир. Шижаотда инсоннинг иродаси, ўзлиги, унинг хулқи ва хусусиятлари ёрқин намоён булади. Шундай экан, тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳамшираларнинг иш фаолиятида уларга тез-тез шижаотли ҳаракат қилишга тўғри келади. Кўрқоқ, кўп иккиланадиган киши оддий уколни ҳам тўғри қилаолмайди, игна санчишга ботинолмайди. Демак, ҳамширага шижаот хусусият сифатида ҳар куни ва ҳар доим керак.

Ҳаётда ҳаммамизга баъзан ёки тез-тез шижаот кўрсатишга тўғри келади. Шижаот билан қабул қилинган қарор натижасида бир инсоннинг ҳаёти сақланиб қолиши, бирор дардан ёки бошқа бирор мусибатдан холос бўлиши мумкин. Айтиш лозимки, билим, ирода, тажриба орқали кўрсатилган шижаот ўз ўрнида ўзини оқладайди. Тажрибасизлик, билимсизлик, шошма-шошарлик, ўзбилармонлик ёки бошқа қусурлар билан кўрсатилган шижаот эса кўпинча шижаот эмас, жоҳиллик белгиси бўлиши мумкин. Тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳамширанинг билимдонлик билан кўрсатган шижаоти бир беморнинг ҳаётини сақлаб қолса, билимсизлик, шошма-шошарлик билан кўрсатилган шижаот эса бир инсонни ҳаётдан кўз юмишига олиб келиши мумкин. Шундай экан, шижаотнинг ҳам ўз йўли, ўз йўриғи борлигини унутмаслик керак. Шу ўринда шижаотни ҳам шижаот қилишга қодир ва шижаот қилишга ҳақли кишигина қилиши кераклигини унутмаслик лозим. Кўрқоқнинг шижаоти қочиш бўлгани яхши ва буни атрофдагилар билиши керак. Акс ҳолда ундан најот кутиб тузоқقا тушиш мумкин.

Ўзингизнинг шижаот хусусиятингиз қандай эканини билмоқчи бўлсангиз, мана бу тестни бажариб кўринг.

Йўриқнома:

Ҳар бир саволга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг. Кейин тест шкала жадвал калитидан ўзингиз олган балларни санаб тўғри келган очқич орқали ўзингизнинг шиҳоатлилигингиzinи билиб олинг.

«Шиҳоатли одаммисиз» номли тест саволлари.

1. Иш жойингизда янгича қоида ва тартиб ўрнатилса унга тез ўрганиб кета оласизми?
2. Янги жамоага тез кўнишиб кета оласизми?
3. Раҳбариятнинг фикри бошқачалигини билиб қолсангиз ўз фикрингизни айта оласизми?
4. Бошқа жойдан сизга юқори маошли иш тақлиф қилишса иккиланмасдан ўтиб кета оласизми?
5. Айбингизни рад қилиб, шунга яраша бирон баҳона қидира оласизми?
6. Бирон нарсани рад қилганда бунинг ҳақиқий сабабини айтасизми ёки силлиқ сабаблар қидирасизми?
7. Жиддий мунозарадан кейин ўз фикрингизни ўзгартира оласизми?
8. Бирор кишининг иши билан танишиб чиққанда бу ишни сиз ундан кўра яхшироқ бажара олсангиз унга ўз фикрингизни айта оласизми?
9. Сизга бирор нарсани кўрсатишганда у сизга жуда ёқсаю, аммо ҳозирча сизга унча зарур бўлмаса, шу нарсани сотиб оласизми?
10. Ўз қарорингизни сизга ёққан кишининг фирига қараб ўзгартира оласизми?
11. Таътил, дам олиш кунларингизни аввалдан режалашиб тирасизми?
12. Берган ваъдаларингизни доим бажарасизми?

Жавоблар калити

№	Xa	Йүк	№	Xa	Йүк
1	3	0	7	3	0
2	4	0	8	2	0
3	3	0	9	0	2
4	2	0	10	0	3
5	0	4	11	1	0
6	2	0	12	3	0

Тестнинг очқыч калити

0—9 баллгача баҳо олган одамларда шижаатлилик қуидагича:

Шижаатингиз жуда паст. Доимо «нима бўлар экан», деб ўйланиб, иккиланиб яшайсиз. Агар муаммони бошқа бироннинг елкасига ағдара олсангиз ўзингизни енгил сезасиз. Бирор қарорга келгунча кўплаб маслаҳат қилишни ёқтирасиз ва ниҳоят кўпинча ярим-ёрти қарорга келасиз. Мажлисларда сўзга чиқмайсиз, аммо мажлис ташқарисида сайрашни яхши кўрасиз. Буни эҳтиёткорлик деманг, бу қўрқоқликнинг ўзгинаси. Сиз билан бирга яшаш ва ишлаш қийин. Сизда билим ва амалий тажриба кўп бўлиши мумкин, аммо сизнинг шижаатсизлигинги сизни ижобий одамлар сафига кўшмайди. Сизга бирон масалада суюниш қийин. Зарур пайтда панд бериб қўясиз, буни атрофдагилар билади ва сизга суюнмайди, сиздан нажот кутмайди. Аммо ҳали кеч эмас. Сиз аввало бирор қарорга келинг, қарор қилингандан кейин уни албатта бажаринг. Яхши ишни бошлашнинг кечи йўқ.

10—18 балл олган одамларда шижаат хусусияти.

Сиз ҳар бир қарорни эҳтиёткорлик билан қабул қиласиз, аммо керак бўлганда қийинчиликлардан бош тортмайсиз. Шу билан бирга вақт ва бошқа имкониятлар бўлганда иккиланасиз. Айни шундай пайтларда, масалани сиз ҳал қилишингиз лозим бўлганда уни бажара олишингизга қарамай юқоридагилар билан маслаҳатлашасиз. Сиз ўз билим ва тажрибангизга суюнсангиз бўлади. Қарор қабул қилиш ва масъулиятни ўз гарданингизга олишдан бош тортманг. Ишончингиз етишмаган пайтда юқоридагилар билан эмас, қўл остингиздаги одамлар билан маслаҳатлашаверинг, уларнинг фикрини инобатга олинг, бу сизнинг обрўйингизни кўтаради. Шундай қилган пайтингизда сизнинг билим ва тажрибангизнинг тўғри ёки нотўғрилиги тезда аниқланади ва сизнинг ўзингизга бўлган ишончингиз ортади. Бу эса сизнинг ўз шижаат хусусиятингизни кучайтириб боради.

19—28 балл олган одамларда шижаат хусусияти.

Сиз шижаатли одамсиз. Тўғри келган тўсиқни енгиш, муаммони тез ва ўринли ҳал қилишда сизнинг билим ва тажрибангиз ва ўзингизга ишонч хусусиятингиз ёрдам беради. Аммо айрим камчиликлар, омадсизликлар ҳам бўлиб туради. Ўзингизга ишониш билан бир пайтда бошқаларга ҳам ишонч кўзи билан қаранг, уларнинг маслаҳатларини тўғри қабул қилишни ўрганинг. Қабул қилинган қарорни охиригача ҳимоя қилинг. Аммо қарорнинг хатолари аниқ бўлганда эски қарорни ҳимоя қилиб ўтирумайсиз. Бу яхши. Шу билан бир вақтнинг ўзида ҳар доим объектив бўлишга ҳаракат қилинг. Ўзингиз яхши билмаган соҳа ёки масала бўйича маслаҳат сўрашни ўзингизга ор билманг. Бу биринчидан сизни нотўғри ечимларга олиб келишдан сақлайди. Зарур жойда қилинган тўғри маслаҳат ҳеч кимга зарар келтирмайди. Аммо шу билан бир вақтда маслаҳатбозликка ҳам ўтиб кетманг. Бу сизнинг шижаат хусусиятингиз сусайишига олиб келади.

29 ва ундан юқори балл олган одамларда шижаат хусусияти:

Иккиланиш сизга таниш тушунча эмас. Ҳамма соҳада ўзингизни билимдон санайсиз. Яккабошлиқ тушунчалиси сизни якка ҳолда қарор қабул қилишга олиб келади. Бу йўналишдаги ҳар қандай огоҳлантириш, танбеҳ сизнинг ғашингизга тегади ва буни сиз атрофдагилардан яширмайсиз ҳам. Сизни иродали,

шижоатли одам дейишса, бу сизга ёқади. Аммо бу үринда лозим бўлган ирода ва шижоат, билим, тажриба, мулоҳаза талаб қилинишини хаёлингизга ҳам келтирмайсиз. Атрофдагилар сизни шижоатли одам дейишса сиз буни фақат ижобий қабул қилиб, уларнинг тўғри маслаҳатларини ҳам инкор қиласиз. Ҳатоларингиздан қаттиқ асабийлашасиз, аммо бу хатолар бошқаларнинг айби туфайли содир бўлди, деб ўзингизни шунга кўндирасиз, яъни айбни фақат бошқалардан қидирасиз. Ўзингизнинг хато қилмаслигингизга ишонишингиз энг катта камчилигингиз эканлигини билмайсиз ёки билсангиз ҳам тан олмайсиз. Сизнинг бундай хулқингиз, бундай иш услубингиз ён атрофингиздагиларга нокулайликлар туғдиради, уларнинг ташаббускорлигини сўндиради. Бу ҳол уларда ўзларига ишончсизлик уйғотса, сизда такаббурлик хусусиятини кучайтиради. Буларнинг ҳаммаси йиғилиб сиз ишлётган жамоада нокулайлик туғдиради, жамоанинг руҳий ҳолатини бузади. Сиз ишлаган жойда тажанглик ошиб боради. Ўз шахсингиз, ўз хусусиятларингиз, иш услубингиз ва айниқса ўзингизга бўлган «мехр» ҳақида жиддий ўйлаб кўринг. Бу меҳрнинг тагида манманлик ётмаяптимикан? Ушбу тестни ечишга уринипсизми, демак ҳали кеч эмас. Бундай имкониятни қўлдан бой берманг. Кейин кеч бўлиши мумкин.

Шижоатлилик инсоннинг яхши хусусиятларидан бири. У ҳаётда, уйда, ишда, керакли қарор қабул қилингизда жуда зарур хусусиятдир. Ҳамширалар фАОлиятида эса, зарур пайтида қабул қилинган қарор, кўрсатилган шижоатлилик бир инсоннинг ҳаётини хавфдан сақлаб қолиши мумкин. Шижоатлилик кўп ҳолларда жавобгарлик ҳиссиёти билан чамбарчас боғлиқ. Унинг кўп томонлари билим, тажриба билан боғлиқ бўлиб қолмай, балки ахлоқ ва одоб билан, кишининг умумий маънавий бойлиги билан ҳам боғланади. Шундай экан, ҳар бир одамдаги шижоатлилик одоб ва ахлоқ доирасидан чиқмаслиги зарур.

ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Агар сизга диққат-эътибор камайса, одамлар сизнинг хоҳишлигини ҳисобга олишмаса, таклифларингизни қабул

қилишмаса сиз хафа бўласизми? Инсон бир қадар атроф-муҳит маҳсулидир, деган қадимдан қолган ақида бор. Шунинг учун бошқалар сизга қандай муносабатда бўлишса, сиз ҳам уларга шундай муносабатда бўласиз. Инсонларнинг бир-бирини тўғри тушуниши жуда қийин масала. Кўпинча бизни кўриб кўрмаганга, эшитиб эшитмаганга олишади. Бунинг энг асосий сабабларидан бири шахснинг ўз муаммоларидир. Биз ён атрофимизга боқар эканмиз, биринчи ўринда ўзимизни кўрамиз ва ўзимизнинг эҳтиёжларимизга нажот қидирамиз. Шундай пайтда бизга бирор киши ўз дардини айтса уни эшитмаймиз, тушуниш эса иккинчи даражали масалага айланиб қолади. Чунки бирорнинг дардини, муаммосини тушуниш учун биз ўз диққат-эътиборимизни унга қаратишимиз, ўзимизда бўлган ташвишлардан бир оз четга чиқишимиз лозим бўлади. Бу ҳол қай даражада бўлишидан қатъи назар шахснинг ички ҳолатини безовта қилгани учун енгил кечмайди. Бу ўринда руҳшунослар аниқлаган бир маълумотга эътиборингизни қаратамиз.

Биз ҳаётий маълумотларнинг ҳаммасини юз фоиз деб ол-сак, уларни ўз саксон фоизини кўриш аъзоси орқали олар эканмиз. 16 фоиз маълумотни қулогимиз, яъни эшитиш аъзомиз орқали, ва ниҳоят, 4 фоиз маълумотни эса бошқа аъзоларимиз орқали олар эканмиз.

Бу ўринда руҳшунослар аниқлаган яна бир маълумотга эътиборингизни қаратамиз. Сиз бирорга бирор-бир фикрингизни етказмоқчи бўлсангиз ва бу фикрни юз фоиз деб ол-сак, сиз ўта сўзамол, билимдон киши бўлганингизда ҳам ўша фикрингизнинг фақат 90 фоизини сўз билан ифода қиласиз. Натижада 80 фоиз фикр ифода қилинар, айтилган фикрнинг 70 фоизи суҳбатдошингизга етиб борар экан. Суҳбатдошингиз эса айтилган фикрнинг 60 фоизини эшитиб 40—45 фоизига тушуниб етар экан. Унинг хотирасида эса 24 фоиз маълумот сакланиб қолар экан. Мана шу маълумотлардан кейин суҳбат давомида суҳбатдошингизнинг диққат-эътиборини ўзингизга қаратишингиз, уни ўз фикрингиз доирасида ушлаб туришингиз нақадар зарур эканлигини тушуниб етган бўлсангиз керак. Демак, суҳбат давомида суҳбатдошингизнинг сизнинг гапингизга қанчалик диққат-эътибор билан кулоқ

солаётгани жуда муҳим. Шундай экан, биз кузатаётган ҳамшира ва унинг мuloқотда бўладиган бемор билан суҳбати ўта муҳим ва илмий жиҳатдан пухта ўрганилиши керак бўлган мавзудир. Агар ҳамшира бемор билан бўладиган суҳбат чоғида ўз ўй-фикри билан банд бўлса, бунинг устига бемор ўз дарди билан бўлиб фикрини тўлиқ ифода эта олмаса фикрларини оддий одамлардек 90 фоиз эмас, балки ундан ҳам кам фоизда ифода қиласи. Бу эса ҳамширага беморни тушунишини қийинлаштиради.

“Ҳамшира-бемор” иккилиги орасидаги мuloқотни яхшилаш, уларнинг бир-бири билан мuloқотдаги тушуниш коэффициентини ошириш учун ҳамшираларга мuloқот малакасини ошириш бўйича ўқишлар ташкил қилиш ўта зарур масала ҳисобланади. Ҳамширалар тайёрланадиган масканларда руҳшунослар уларга мuloқот сирлари ва мuloқот маҳорати мавзуларида сабоқ беришлари лозим.

Ҳамшираларга мuloқот сирларини ўргатадиган алоҳида дастурлар ишлаб чиқилмаган. Аммо мuloқотнинг умумий қонуниятларини, унинг ҳамма соҳа вакиллари учун умумий бўлган томонларини ҳамширалар ҳам билишлари ва ўрганишлари лозим.

Ҳамшира ҳар қандай ҳолатда ҳам беморни тўғри тушунса, беморнинг дарди билан бирга унинг хулқи, мижози ва унинг бошқа томонларини яхши ўрганиб олса уларнинг бир-бирлари билан мuloқот ўрнатиши осон кечади. Аммо айниқса ҳамшира томонидан ҳамдардлик, беморни тушуниш ҳисси сезилмаса, бемор билан мuloқот ўрнатиши жараёни оғир кечади. Уларнинг ижобий натижага эришишлари қийинлашади. Бундан биринчи навбатда бемор азият чекса, иккинчи томондан ўз вазифасини тўлиқ ўтай олмаганлиги учун ҳамшира ҳам қийналади.

Шуни айтиш керакки, хизмат соҳасидаги мuloқот жараёни ўзига хос ҳусусиятларга эга. У ҳар доим ҳам силлиқ кечавермайди. Хизмат соҳасидаги мuloқотнинг ўзига яраша сир-асрорлари борки, уларни доимо назарда тутиш лозим. У кўп ҳолларда бошлиқ-ижрочи тизимида ўзининг жараённи оғирлаштирувчи томонлари билан ҳам фарқ қиласи. Масалан, бемор ва ҳамшири орасидаги мuloқотни оладиган бўлсак, беморнинг

талағи аслида оддий бұлсада ҳамширага ортиқча туюлиши мүмкін. Бемор назаридә ҳар қандай совуқроқ муюмала ҳамширалар томонидан bemорға нисбатан зытиборсиз қарагандек туюлиши мүмкін. Бу үринде бир томондан bemорнинг ҳаракати инжик-лиқдек күринса, иккінчи томондан ҳамширанинг ҳаракати зытиборсизлик деб тушунилади. Бу иккі ҳол үз үрнида улар орасидаги мuloқotni ofirлаштируvchi омил бўлиб хизмат қилади.

Руҳшунослар мuloқotni ofirлаштируvchi ёки еngillаштируvchi ўнлаб омилларни келтиришади. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, оиладаги мuloқotda бўладиган камчиликдан иш жойида учрайдиган камчилик тубдан фарқ қилади. Шулардан ижтимоий, руҳий, мuloқotга ижобий ёки салбий таъсир қилувчи сабаблар борки, уларнинг баъзилари одатда доимиyдир. Масалан, мuloқotга киruvchi кишини аввалдан маълум маънода у фалончи, деб қабул қилиши, ҳамширанинг ҳар қандай bemорни “бу навбатдаги bemор-да” дейиши ва bemорнинг эса ҳамшираларнинг ҳаммаси шу, зытиборсиз, бировнинг дардига ҳамдард кишилар эмас, деб қабул қилишлари шулар жумласидан. Бу үринде нотўғри тасаввур, ёлғон сезги ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар ҳам бор.

Шахс билан биринчи бор учрашаётганингизда унга нисбатан үз тажрибангизга таяниб субъектив эталон ишлаб чиқасиз ва бу сизнинг биринчи хатоингиз бўлади. Ахир, ҳамма ҳам ўзининг шахсий хусусиятлари билан сизнинг дидингизга мос келавермайдику. Сиз үз тажрибангизга асосланиб субъектив эталон асосида мuloқotга киришмоқчисиз. Сиз билан суҳбатга киришаётган киши эса шахс сифатида сиз ҳали учратмаган хусусиятларга эга. Демак, биринчи мuloқotning ofir кечиши шундан бўлиши ҳам мүмкін.

Айнан мана шу субъектив эталон билим, тажриба, маълумот етишмаслиги, янги суҳбатдош билан оптималь мuloқot ўрнатишга тўсиқ бўлади. Мuloқot ўрнатилган тақдирда ҳам бундан иккала томон ҳам қониқмайди. Бошида қониқарсиз вазиятда ўрнатилган мuloқot кўп ҳолларда ижобий натижада бермайди ва айниқса бундай мuloқot енгил кечмайди. Мuloқotdan чиқиб кетиш эса янада ofir бўлади. Бу мисолда биринчи мuloқotта киришишда биз үз тажрибамизга таянамиз, дедик. Айнан мана шу ҳолни изоҳлар эканмиз, айтиш керакки,

биз бунда күпинча мuloқotта кирмоқчи бўлган кишини ўзимизга ўхшатиш тажрибасидан борамиз. Биз ўша шахсдан ўзимизда бўлган хусусиятларни қидирамиз ва уларни тополмаган пайтимизда тажрибамиз бойроқ бўлса ранггинлик қиласиз, аммо тажрибамиз камлик қилганда мuloқotда нўноқликка йўл қўяшимиз. Мuloқotдаги натижасизликлар, камчиликлар, тажрибасизликлар айнан мана шундан келиб чиқади. Ҳамширалар бу борада ўз тажрибаларини ишга солиб ҳар қандай нотаниш киши билан мuloқotта киришар экан, улар биринчи ўринда шахснинг bemорлигини ҳисобга оладилар ва бу уларга кўпинча қўл келади. Ҳамшира bemордан bemор психологиясини кутади ва bemор ҳам ҳамширадан ҳамширалик ruҳиятини кутади. Бу уларга ўзаро мuloқot ўрнатишларига ёрдам беради. Аммо айнан мана шу жойда биз хатога йўл қўйишимиз мумкин.

Ҳамширалар кўпинча bemорлардан ўзларига таниш бўлган ҳолни кутади, яъни ҳар қандай bemор инжиқ, дардга чидамсиз, нолувчи киши сифатида қабул қилинади ва агар бунинг акси бўлса, bemор нолишини ёқтираса, ўз дардига чидам билан қараса, дардни ўтиб кетадиган бир ҳол деб тушунса ҳамширанинг муомаласи номутаносиб бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Бу ҳол кўпинча сурункали касаллиги бўлмаган, фожеали воқеа туфайли касалхонага тушган bemорларда учрайди. Демак, бундай ҳолларда ҳамшира хатога йўл қўяди. Агар у хатога йўл қўйганини сезса, дарҳол ўз мuloқot йўналишини bemор ruҳиятига мос ҳолга келтириши зарур. Акс ҳолда уларнинг muloқotлари бузилади. Bemornинг ҳақиқий аҳволи ноадекват қабул қилиниб, қийинчилик билан ўрнатилган muloқot изидан чиқиб кетиши мумкин. Демак, бу ҳолдан иккала томон ҳам fойда кўрмайди. Айниқса bemор бу ноаниқликдан қаттиқ азият чекиши мумкин.

Ҳамширалар томонидан намоён қилинадиган дикқат-эътибор, ҳамдардлик хусусиятлари уларда касб даражасида олиб борилиши лозим. Bemorga бўлган ҳамдардлик, дикқат-эътибор ҳамшира учун биринчи касбий, рамзий қилиб айтганда даволаш қуролидир. Айнан мана шу ўринда тиббиёт даҳоси Абу Али ибн Сино айтган “дардни эмас, дардманни даволаш” юзага келади. Бу ўринда ўша сиз билан бизга таниш бўлган “Сўз” даволаш қуроли сифатида, “Мехр” билан мослашади. Демак, ҳамширанинг биринчи ва энг асосий қуроли илиқ,

беморнинг юрагига, дилига етиб борадиган меҳри сўзиdir.

Ҳамшираларни касбий муомала сирлари билан таништирад эканмиз, бу борада биринчи ўринда уларнинг инсонийлик ҳисларини тарбиялаш лозимлиги кўзга ташланади. Ҳамширалик касбida инсонийлик, ҳамдардлик, ёрдамга муҳтоj кишига диққат-эътибор, меҳр, илиқ сўз ва шу руҳдаги ҳар қандай ҳаракат bemорлар томонидан ижобий баҳоланади. Айнан мана шу ҳаракатлар bemорнинг дардини енгиллатади ва bemор ҳам ўз ўрнида ҳамширадан шуни кутади. Бажарилган ҳар қандай биринчи муолажа bemorga ҳамшира томонидан бўлган муносабатни билдиради.

Ҳамширалар томонидан bemорларга бўлган муомалани уч турга бўлиш мумкин. *Биринчisi*, ўз ҳамширалик хизматига чин дилдан берилиб фаолият кўрсатадиганлар муомаласи. Яъни, ҳар бир bemorning дардига малҳам бўлишга тайёр, bemorning дардини ўз дардидек қабул қилувчilar муомаласи.

Иккинчиси, ўз касбига совуққонлик билан қарайдиган, бошқаларнинг дарди билан иши йўқ ҳамширалар муомаласи. Бундайлар bemорлар билан на совук, на илиқ муносабатда бўладилар. Уларнинг борлиги ёки йўқлиги bemорлар учун бефарқ бўлади.

Учинчи турдаги ҳамширалар муомаласи ўз фаолият бурчидан ҳазар қилувчilar муомаласидир.

Bеморларнинг дардига нафақат бефарқ, балки уларга салбий кўз билан қарайдиганлар муомаласи тиббиёт соҳасида кам бўлсада барча соҳадаги каби учраб туради. Бундай муомаладаги ҳамширалар ўз соҳасида узоқ фаолият кўрсата олмайдилар. Бундай муомалали ҳамширалар bemорларда тиббиёт соҳасида ишловчilar ҳақида салбий фикр пайдо бўлишига сабабчи бўладилар. Улар bemорларга ҳамдардлик қилаётган ҳамкасларини тўғри тушунмайдилар, уларни ҳиссиётчанликда айблашгача бориб этишлари, ҳатто баъзи ҳолларда куюнчак ҳамшираларга “хей, намунча бундай куйиб-ёнасиз”, дейишлари мумкин.

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, ҳамшираларнинг bemорларга хизмат доирасида ёрдам кўрсатишлари уларнинг фаолият бурчиidir. Amмо ушбу хизматни, ижро этилаётган бурчни қай даражада меҳр-муҳаббат, ҳамдардлик билан бажо келтириш энди ҳамширанинг тарбияси, ички қизиқиши, одамийлиги, шахсга бўлган муносабати, ахлоқ доираси ва бо-

шқа шахсий томонлари билан белгиланади. Шахснинг келгусига бўлган умиди ва ўз касбига бўлган садоқати катта ўрин тутади.

Ҳамширанинг тарбияси қанчалик юқори бўлса, у беморларга шунчалик ҳамдардлик кўрсатади ва улар орасида обрў-эътиборга эга бўлади, меҳр топади. Бў ўринда қадимий ақида — сен одамларга қанчалик меҳр-оқибат кўрсатсанг улардан шунчалик ва ундан ҳам ортиқроқ меҳр оласан, дейилиши ўринли эканлигининг яна бир бор гувоҳи бўламиз. Бу борада албатта шахснинг ўзига эътибори, қадр-қимматни қандай тушуниши алоҳида эътиборга эга бўлади.

Баъзан шундай ҳам бўладики, бир ҳамшира икки беморга икки хил муомала қиласди. Бири билан ўта мулойим муносабатда бўлса, бошқа бир беморга қўрс, хизмат бурчи оғирлик қилаётгандек муомалада бўлади. Бу борада шахслараро муомала, мuloқotга таъсир қилувчи бошқа кучларнинг ўрни алоҳида кўзга ташланади. Айни ҳолда бу ҳамширанинг ички талаблари ўрганиб чиқилиши, шахслараро мuloқotга таъсир қилаётган сабаблар аниқланиши лозим. Бундай ҳоллар кўп бўлмасада учраб тураг әкан, уларнинг сабаблари дарҳол ўрганилиб, бемор ва ҳамшира орасида пайдо бўлган бундай ҳол бартараф қилиниши керак. Акс ҳолда иккала томон, айниқса бемор бундан қаттиқ азият чекади.

Биринчи ҳолда беморнинг бойлиги, обрў-эътибори ёки бошқа бирор сабаб ҳамширани ўзига тортган бўлиши мумкин. Демак, ҳамширада бойликка, обрў-эътиборли кишиларга ёки бошқа бирор нарсага қизиқиш кучли. Иккинчи ҳолда эса бунинг акси, яъни ҳурматга сазовор, обрў-эътиборли бўлишига қарамасдан кўриниши оддий бўлганлиги ҳамширанинг ғашни келтирган ёки бошқа бирон томони билан унга ёқмаган бўлиши мумкин.

Фараз қилайлик, бир хонада икки бемор ётипти, ҳамшира палатага кириб сўрашишлардан кейин бирига дори-дармон бериб индамасдан укол қиласди. Иккинчисига укол қилишдан олдин ундан алоҳида ҳол-аҳвол сўрайди, ҳамдардлик билдиради, иштаҳаси ва бошқаларни сўрайди. Бунда ҳамширанинг икки хил муомаласи яққол сезилади.

Биринчи беморга бўлган эътиборсизлик бемор кўнглига озор стказади. Бемор ўз ҳақ-хуқуқи, қадр-қимматини ҳимоя қилиб

бўлим бошлиғи ёки юқори лавозимдаги гиббиёт ходимиға арз қилиши мумкин. Бундай ҳолда бемор ва ҳамшира ўргасида ижобий муомала, мулоқот ўрнатилиши амри маҳол.

Биз bemорни ёрдамга муҳтож шахс деб атадик. Шахс кўп ҳолларда bemорлиги учун ўзининг ижобий томонларини кўрсата олмайди. Кўпинча шахенинг айнан салбий томонлари намоён бўлади ва бундан биринчи ўринда bemорнинг ўзи азият чекади. Бундай ҳолларда ҳамшираларга бериладиган асосий маслаҳат иложи борича bemорларга илиқ муомалада булиш ва bemорларнинг салбий муомалаларидан чўчимаслик, уларнинг ижобий томонларини кўра билиш; ҳамшира учун ички назоратни кучайтириш, bemорнинг ёрдамга муҳтожлигини унутмаслик, унга меҳр-оқибат кўрсатишдир. Ҳамшира бу ўринда юз берган баъзи вақтинчалик нохушликларни орқага сура олиши, bemор билан фақат илиқ муомалада булиши лозим.

Акс ҳолда ҳамширанинг ишида унум бўлмайди, ўз меҳнатидан кўнгли тўлмайди ва натижада раҳбарият томонидан танбех эшита бошлайди ва охир-оқибат у ўз касбини ўзгартиришгача бориб етиши мумкин. Бу энди унинг бутун ҳаётига таъсир кўрсатади.

Ҳамшираларнини меҳнати кўпинча экстремал, танг ҳолатда кечади. Демак, уларга тез-тез руҳий енгиллик, руҳий ҳордиқ чиқаришга имкон беришни ўйлаб кўриш раҳбарларга, тиббиёт корхоналарининг ташкилотчи вакилларига боғлиқ. Шундай экан, шифохона раҳбарияти жамоадаги руҳий ҳолатнинг ҳар бир ҳамширага, ҳар бир ходимга бевосита таъсирини унутмаслиги, шунинг учун жамоадаги руҳий ҳолатни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириб бориш чораларини кўриши зарур.

Шахслараро мулоқот тартибга солинмайдиган, таъсир кўрсатиб бўлмайдиган жараён эмас. Юқорида айтганимиздек, шахслараро мулоқотга биринчи ўринда жамоанинг умумий руҳий ҳолати катта таъсир кўрсатади. Ходимларнинг қизиқиши, ҳамшираларнинг ўзаро жисслиги, бир-бирига ёрдамга тайёрлиги, ахлоқ нормаларига амал килиниши иш унумдорлигини оширади. Демак, ҳамширалар орасида тарбияни бўшастирмаслик, доимий равища малакани ошириб туриш, дам олиш тадбирларини ташкил қилиш, ходимларни вақти-вақтида тақдирлаб туриш яхши натижа беради. Жамоада ўзи устида ишлайдиганлар қанчалик кўп бўлса, у ердаги муҳит шунчалик соғлом

бўлади. Ўз устида ишлайдиган ходим ҳар қандай ножӯя ҳар-
катдан ўзини тия олади, бемор билан мулоқотда қўполликка
йўл қўймайди, бемор олдидаги бурчини доимо ҳис қиласи.

Кўпинча раҳбарлар ўз жамоасидаги ўқув-тарбиявий иш-
ларни фақат касб юзасидан маълумот бериш, деб тушунишади.
Ваҳоланки, касбий маълумот беришдан кўра ахлоқий ва уму-
минсоний қадриятларни ошириб бориш кўп ҳолларда касбий
билимларни мустаҳкамловчи омил бўлиб хизмат қиласи.

Ҳамшира доимо одамлар билан ишлар экан, улар орасида
ахлоқий мавзуларда суҳбат ва мунозаралар уюштириб туриш
лозим.

Шифокорлар малакасини ошириш билан бирга маънавий
ва маърифий соатлар уюштирилганда уларда ахлоқий мавзу-
ларнинг ўрни алоҳида бўлиши лозим. Мана шундай соатларда
устидан бир неча бор шикоят тушган, қўполликда, бемеҳр-
ликда айблланган ҳамширага Р. Н. Гунтекиннинг “Чолиқуши”
асаридаги Фариданинг ҳамширалиқдаги фидойилигини мисол
келтириб ўтса бўлади. Бу йўл билан шахснинг ўз хатосини
тушуниб етишига асос солинади. Руҳшуносликнинг асосий
қоидаларидан бири ҳам инсонга ўз камчиликларини кўришга
ёрдам беришдан иборат.

Тўғри, бундай суҳбатни қўққисдан, бирор замин яратмас-
дан тўғридан-тўғри уюштириб бўлмайди. Бунга жамоа тайёр
бўлиши лозим. Аммо бундай эркин мавзуда ўтказилган тарби-
явий соатлар беиз қолмайди. Улар жамоанинг соғломлашиши-
га, жамоа орасида меҳр-оқибат пайдо бўлишига замин яратади.

САРАНЖОМ-САРИШТА ОДАММИСИЗ?

Ҳар доим ҳам одамлар саранжом-саришта, ҳар бир ишни ўз
вақтида бажарадиган, ҳар бир ишга вақт топа олидиган, бер-
ган ваъдасининг устидан чиқадиган, айтилган вақтда белги-
ланган жойда ҳозир бўладиган инсонларни ҳурмат қилишган,
қадрлашган. Чунки бундай одамлар билан бирга ишлаш, муо-
мала қилиш, бирор-бир муаммони ҳал қилиш доимо осон кеч-
ган.

Тиббиёт соҳасида ишлайдиган ҳар бир ходим, жумладан
ҳамшира ҳам саранжом-саришта бўлиши лозим. Бу тиббиёт со-

ҳасининг асосий талабларидан биридир. Тозаликка риоя қилинмаса, дори-дармонлар вақтида берилмаса ва шунга ўхшаш бошқа юмушлар ўз вақтида бажарилмаса беморнинг соғлиғига фойда ўрнига зарар етиши хавфи ортади. Шундай экан, ҳамшираны саранжом-саришта бўлишга ўргатиш соҳа учун алоҳида талаб даражасида бўлиши лозим.

Саранжом-саришталикка ўргангандан одамнинг меҳнат унумдорлиги бошқаларни киға қараганда доимо юқори бўлади. Саранжом-саришта бўлиш эса инсондан иродада талаб қиласди. Иродали одамда кейинчалик бу хислат одат тусига кириб қолади ва унинг хусусиятларидан бирига айланади. Демак, ҳамширалар иш фаолиятини бошлаганларида улардан саранжомлиликни талаб қилиш лозим. Шунда уларда бу одат тусига айланаб боради. Баъзан ҳамшира уйида саранжом бўлмасада иш жойида унга қўйилган қаттиқ талаб натижасида озодалик унинг руҳига сингиб кетади, натижада у ишда ўта тартибли, саранжом ходимга айланаб қолади. Бу хислат кейинчалик унинг оиласига ҳам кўчади. Шундай экан, ёш ҳамшираларни саранжом-саришталикка ўргатиш тиббиёт масканларида алоҳида эътиборга лойиқ масала ҳисобланади.

Сиз мен саранжом-сариштаманми? деган саволга жавобни қўйидаги тестни бажариб жавоб топишингиз мумкин.

Йўриқнома

Саволларни ўқиб чиқиб улардан биргина вариантини танланг. Кейин тест калитидан унинг сон кўрсаткичини топинг. Натижалар йиғиндисини тест жавоби кўрсаткичидан топинг ва холоса билан танишинг.

1. Сиз саранжом-саришта одаммисиз?

1. Ҳаётдан асосий мақсадингиз борми?

- А.** Мақсадим бор.
- Б.** Ҳаёт ўзгарувчан, мақсал қўйиш мумкин эмас.
- В.** Мақсадим бор ва ҳаётимни шу мақсадга қаратганман.
- Г.** Мақсадим бор, аммо фаолиятим унга етишга уччалик қаратилмаган.

2. Ҳафталик ишларинги изолалаштирасизми, ҳафтанома ишлатасизми?

А. Ҳа.

Б. Йўқ.

В. Ҳа ҳам, йўқ ҳам дея олмайман, чунки асосий ҳафталик ишларни калламда режалаштираман, кундалик ишларни қоғозда ёки калламда режалаштираман.

Г. Ҳафтанома орқали режалаштириб кўрдим ва бу ҳеч нарса бермаслигига амин бўлдим.

3. Ҳафта учун мўлжалланган ишларингиз бажарилмай қолса ўзингизни-ўзингиз койиисизми? Кундалик ишлар учунчи?

А. Ўзимнинг дангасалигим ёки ишёқмаслигимни сезсанги на койииман.

Б. Объектив ёки субъектив сабабларга қарамасдан ўзимни ўзим койииман.

В. Ҳозир ҳамма бир-бирини койииди, нимага энди мен ўзимни-ўзим койишим керак.

Г. Тамойилим шундай нимани бажарган бўлсам яхши, қолганини келгуси сафар бажараман.

4. Ён дафтарингизни қандай юритасиз: ҳамкасларингиз танишиларингиз, қариндошларингиз, яқинларингиз ва бошқаларнинг телефон рақамлари тартибли ёзилганми?

А. Ён дафтаримнинг хўжайнини ўзим, қандай хоҳласам шундай ёзаман, зарур маълумотни изласам топаман.

Б. Ён дафтаримни тез-тез алмаштириб тураман. Ҳар сафар тартиб билан бошлайманда, кейинчалик бетартиб ёзувга ўтиб кетаман.

В. Ёзувлар кайфиятимга боғлиқ бўлади, керакли фамилиялар бўлса бўлдида, қайси саҳифада қандай ёзилганининг нима фарқи бор.

Г. Умумий тартиб-қоидаларни қўллайман, керак бўлганда мансаби, манзили ва бошқа белгиларини ҳам ёзаман.

5. Атрофингизда сиз ишлатадиган нарсалар кўп, улардан қай тартибда фойдаланасиз?

А. Ҳамма нарса ўзи хоҳлаган жойида ётади.

Б. Ҳар нарсанинг ўз жойи бор, деган тамойилда иш тутаман.

В. Ҳар замон ҳар замонда тартиб ўрнатаман ва кейинчалик тўғри келган жойга қўйиб кетавераман ва яна тартиб ўрнатаман.

Г. Саришталик-саранжомликка бу нарсанинг алоқаси йўқ-деб ҳисоблайман.

6. Куннинг охирида қаерда, қачон ва қайси сабабларга кўра вақтингизни бекорга йўқотганингизни айта сласизми?

А. Йўқотган вақтимни айта оламан.

Б. Вақт йўқотган жойимни айтишим мумкин.

В. Йўқотилган вақт пул бўлганида уни санасам бўлар эди.

Г. Қаерда, қачон ва қайси сабабларга кўра йўқотган вақтимни айта оламан.

Д. Қачон, қаерда қайси сабабларга кўра вақтимни йўқотиш эмас, ўша жойнинг ўзида вақтимни йўқотмаслик чораларини ҳам кўраман.

7. Мажлисда “сафсатибозлик” бошланганда сизнинг ҳаракатингиз?

А. Масаланинг моҳиятига ўтишни таклиф қиласман.

Б. Ҳар қандай мажлиснинг фойдали ва фойдасиз қисми бўлади. Фойдалиси бошланганда фойдасини кутаман, фойдасизи бошланганда фойдалисини кутаман. Бу ўринда ҳеч нарса қилиб бўлмайди.

В. Ўз хаёлларим билан банд бўламан.

Г. Мажлисда ўзимнинг қолган ишларим билан банд бўламан.

8. Сизнинг маъруза қилишингиз мўлжалланмоқда. Унинг факат маъно томонига қарайсизми ёки вақтини ҳам эътиборга оласизми?

А. Маърузанинг мазмунига қарашиб керак. Вақтини тахминан белгиласа бўлади. Мазмуни яхши маърузага доимо қўшимча вақт беришади.

Б. Мазмунига ҳам, вақтига ҳам алоҳида эътибор бераман, ҳатто қўшимча вариантини ҳам вақтига қараб тайёрлаб қўяман.

9. Мўлжал қилган ишингиз учун ҳар дақиқани ҳисобга оласизми?

А. Уринаман, аммо шахсий хусусиятларимга кўра доимо ҳам мақсаддига эришавермайман.

Б. Бунга уринмайман, вақтга нисбатан очкўзлик бу ўринизиз ҳолдир.

В. Вақтни барибир қувиб етиб бўлмайди, бунга уринишиш шарт эмас.

Г. Иложи борича түлиқ фойдаланишга ҳаракат қиласман.

10. Топшириқ, буйруқ, илтимосларни бажариш учун қандай белгилар тартибидан фойдаланасиз?

А. Топшириқ ва илтимосларнинг вақт ва муҳлатларини ҳафтганомага ёзиб бораман.

Б. Ўта зарурларини ҳафтганомамга ёзаман, майдаларини ёдда сақлайман, ёдимдан чиқарсам буни катта камчилик деб ўйла-майман.

В. Топшириқ, буйруқ ва илтимосларни ёдда сақлашга ҳара-кат қиласман. Бу хотирани машқ қилдиради. Аммо, айтишим керакки, кўпинча хотирам панд беради.

Г. Бу ўринда акс тартиб қоидам бор. Топшириқ, буйруқ ва илтимос қилганларнинг ўзлари хотираларида сақласин, керак бўлса чақиришади.

11. Белгиланган вақт тартибига доимо риоя қиласизми?

А. Белгиланган вақтдан 5—7 дақиқа илгари келаман.

Б. Мажлис, йигинларга доимо ўз вақтида етиб бораман.

В. Одатда кечикиб бораман.

Г. Ўз вақтида боришга ҳаракат қилсанда доимо кечикиб бораман.

Д. Кечга қолмаслик ҳақида илмий-оммабоп китоб чиқканда балким кечга қолмасликни ўрганиб олармидим.

12. Буйруқ, топшириқ ва илтимосларнинг ўз вақтида бажа-рилишига қандай назар билан қарайсиз?

А. Ўз вақтида бажариш бу саранжом-саришталиктининг юқори чўққиси. Аммо менда ҳамма нарсани ҳам ўз вақтида бажаришнинг имкони бўлавермайди.

Б. Ўз вақтида бажариш бу акс натижа ҳам бериши мумкин бўлган ҳолдир, шунинг учун сал вақтни чўзиброқ бажарган маъқул.

В. Топшириқ, буйруқларни ўз вақтида бажариш ҳақида кўпам ўйлайвермайман, уларни ўз вақтида бажарган маъқул.

Г. Топшириқни ўз вақтида бажариш бу янги топшириқ олишга йўл очади. Одатда чақонлик ва ташаббускорлик доимо жазоланади.

13. Айтайлык, сиз бирор нарсаны бажарышга вадда бердингиз. Шароит ўзгариб кетди, вадданы бажарыш қийинлаши. Ўзингизни қандай тутасиз?

А. Вазият ўзгаргани учун вадданы бажарышнинг иложи йўқлиги ҳақида ўша одамга айтаман.

Б. Шароит ўзгарганлиги учун вадданы бажарыш қийинлигини айтишга ҳаракат қиласман, шу билан бирга умидни узмасликка чакираман.

В. Вадданы бажарышга ҳаракат қиласман. Бажарсам яхши, бажармасам ҳам осмон узилиб тушмас, яъни мен камдан-кам ҳолда берган ваддамни бажармаганман.

Г. Ҳеч нарсани айтиб ўтирумайман, берган ваддамни нима бўлганда ҳам бажараман.

Жавоблар калити

Савол № 2	Жавобларнинг варианти ва уларнинг баллари				
	A	B	V	Г	Д
1.	4	0	6	2	—
2.	6	0	3	0	—
3.	4	6	0	0	—
4.	0	0	0	6	—
5.	0	6	0	0	—
6.	2	1	0	4	6
7.	3	0	0	6	—
8.	2	6	—	—	—
9.	3	0	0	6	—
10.	6	3	1	0	—
11.	6	6	0	0	0
12.	3	0	6	0	—
13.	2	0	0	6	—

63 баллгача тұплаганлар.

Хаёт тарзингиз, атрофингиз баъзи нарсаларда сизни саранжом-саришталикка ўргатипти. Сизнинг ҳаракатларингизда саранжом-саришталик кузатилади, баъзан эса кузатилмайди. Бу сизда тартиб-қоида йүқлигидан дарап беради. Саранжомлилик-нинг объектиб тартиб-қоидалари бор. Ўз ҳаракат усулингизни таҳлил қилиб чиқинг, вақт сарфлашингизга алоҳида эътибор беринг. Меҳнат услубингизни алоҳида таҳлил қилиб чиқинг. Таҳлил натижаси сизни ҳайратта солади, ўз имкониятингизда фойдаланилмаган томонлар күплигини кўрасиз, ҳали вақт бор. Буни қўлдан бой берманг.

63 балдан 71 балгача очко тұплаганлар.

Сиз меҳнатда тартиб-қоидани унинг узвий қисми деб биласиз. Зарур пайтда тартиб-қоидага чақириувчилардан сизнинг устунлигингиз кўриниб турипти. Сиз агроФингизга янада жиддийроқ разм солинг. Саранжом-саришталилигингизни янада орттиришингиз мумкин.

72 дан 78 балгача очко тұплаганлар.

Сиз батартиб одамсиз. Маслаҳатимиз: ўзингиз устингизда ишлашни тұхтатманг, янада кўпроқ натижаларга, ютуқларга эришиш имконияти ҳали сизда мавжуд. Тартиблиликда алоҳида бир қоидага амал қылган кишиларда имкониятлар кўп бўлади. Бунда сизга маваффақият тилаймиз.

Шуни айтиш керакки, бир кунда, қисқа вақт ичидә тартибли, саранжом бўлиб қолиш қийин, албатта. Бунинг учун ўз устида кўп ишлаш, ўзни шунга тайёрлаш лозим. Кейинчалик бу ички бир хислатта айланиб қолади. Бунга эса вақт керак. Тартиб-қоидага ўрганган одам уни кейинчалик тарқ эта олмайди. Бу биз ўрганган одат кўникмаларнинг энг зарури ва энг фойдалиси. Саранжом-саришталикка киши ўзини доимо ўргатиб бориши зарур. У фактада келтиради. Аммо инсон ўзи яратган тартиб-қоидаларнинг қулига айланиб қолмаслиги лозим. Акс ҳолда ижодий фаолиятингиз сўна бошлайди. Ижодий иш унга бир қадар эркин ёндошишни талаб қиласди.

БОШҚАЛАРГА ТАЪСИР ЎТКАЗА ОЛАСИЗМИ?

Ҳаётда кўпчилгимиз кўрган, учратган бир манзарани эсга олайлик. Одатда бир неча киши йифилган жойда ҳамма бир кишига берилиб қулоқ солиб турганини кўриш мумкин. Бу сўзамол киши кўпам маънодор ёки чукур мазмунли гапларни айтиб турмаган бўлса ҳам ҳамма негадир уни берилиб тинглаб туради. Бунинг сири нимада, деб ўзингизга савол берганмисиз? Йўқ, албатта. Гап шундаки, баъзи одамлар ўз гапига бошқаларни қаратиш санъати, ўзига ишонтириш қобилияти кучлилиги билан фарқ қиласи. Фараъ қилингчи, шундай одам табиб ёки ҳамшира бўлса, беморларга қанчалик кўп фойдаси теккан бўлар эди. Чунки бундай одамнинг гапига беморлар ишонар эди. Ишонч эса ўз ўрнида беморнинг ички кучини йигиб, соғайишига хизмат қилдиради.

Тиббиётда руҳшуносликдан хабари бор табиблар бундай усулни аҳён-аҳён муваффақият билан қўллашади.

Узоқ вақт дардига даво тополмай ётган беморга тиббиёт, руҳшунослик «даҳолари» дан бирининг номини айтишади. Бу ном тез-тез тилга олинади ва ниҳоят «даҳо» топиб келинади. Шунда «даҳо» шундай бир дорини айтадики, бу дори ҳам тезда топилавермайди. Ниҳоят, дори ҳам топилади. Бу аспириндан то дардга даво бўлувчи бошқа бирон доригача бўлиши мумкин. Аслида эса бундай давонинг сири беморнинг ички табиий яшашга бўлган кураш имкониятларининг ишга туширилиши бўлиб чиқади. Яъни, инсоннинг руҳи шу дардга қарши уйғотилади. Руҳшуносликда бу «плацебо» эфекти деб юритилади.

Бу ўз ўрнида бошқаларга таъсир қилишнинг бир усули, холос. Тиббиётда буни кенг қўллаган врачлар яхшигина натижага эришишлари мумкин. Қарабисизки, бошқаларга таъсир қилишнинг энг асосий ва осон йўлларидан бири — инсон руҳиги сўз орқали таъсир олиб борилмоқда. Демак, ҳамшира беморларга таъсир ўтказиша сўздан асосий қурол сифатида фойдаланмоғи лозим. Сўз унинг дорилар билан бирга ишлатадиган қуролидир.

Одатда ҳамма кимгадир эргашиб, кимдандир ўrnak олиб яшайди. Шу билан бир вақтнинг ўзида “сизнинг қилиқларингиз фалончиникига ўхшайди”, десангиз негадир унга ёқмайди.

Биз ҳаммамиз ҳеч кимга ўхшамаслик тарафдоримиз. Мен фагат ўзимга ўхшайман, деган жавоб ҳаммамида ҳар доим тайёр. Аммо амалда моҳият ўзгариб қолмайди ва доимо биз бирорларга, бирорлар бизга ўхшайди. Чунки бу жамиятнинг ўхшашлик қонуни. Биз доимо бир- биримизга ўхшаймиз ва бу ўхшашликдан унумли фойдаланиш керак.

Рұхшуносларнинг кузатишларига қараганда тақлидчилик одамлар орасыда көнг тарқалған. Биримиз бирорнинг яхши сўзлашига тақлид қылсак, бошқа бироримиз унинг яхши кийинишига тақлид қыламиз. Демак, бу ўринда айнан мана шу тақлидчиликдан ҳам тиббиётда фойдаланиб бўлмасмикан, деган савол туғилиши мумкин. Албатта, бўлади. Бу ўринда ҳамшира беморга шундай таъсир кўрсатсинки, бемор айтилган сўзга ҳатто кўр-кўрона тақлид қилишгача бориб етсин. Бу ўринда эса сўзловчининг ўз сўзига ишонтириш кучи, бошқаларни ўзига эргаштириш қобилияти ўта юқори бўлмоғи керак.

Сўз билан таъсир кўрсатувчи киши нафакат тўғри ва ишонарли гапириши, айни вақтда унда сұхбатдошни тинглаш қобилияти ҳам бўлмоғи лозим.

Бу рисолада сўз билан таъсир қилишнинг энг юқори намунаси бўлмиш гипноз ҳақида сўз юритилмайди. У алоҳида мавзу. Сұхбатдошни тинглаш ўз ўринда әшитиш, тинглаш, ва хотираада сақлаб қолиш, тушуниш ва умумий хулоса чиқаришлардан иборат.

Рұхшуносларнинг таҳдилларига қараганда, сұхбатдошларнинг хотирасыда сұхбат мавзусининг атиги 25 фоизигина қолар экан. Бу ўринда сұхбат ва сұхбатдошни тинглашга ҳалақит берадиган сабаблардан асосийлари куйидагилар экан:

Олдинга чопиши — сұхбатдошни тўлиқ тинглаб, уни тушуниб улгурмай янги савол бериш, мавзуга унчалик тааллуқли бўлмаган йўналишга кириб кетиш, сұхбатдошни чалғитиш ва ҳоказо.

Чидамсизлик — сұхбатдошга танқидий назар билан қараш, берилган саволларга жавобни тинглаб улгурмай бошқа саволлар бериш ва энг асосийси жавобни тинглаб улгурмай ўзича хулоса чиқариш.

Шошмашошарлик — бир саволга жавобни эшитиб бўлмай бошқа савол бериш, яна биринчи саволга қайтиш, мавзунинг умумий моҳиятини тушуниб улгурмай тўриб хулоса чиқариш.

Эшитиш дангасалиги — берилган саволга жавобни эшитишга өриниш, ҳамма нарса аввалдан аёндай хулоса чиқариш, билимлар етишмаган жойда билимдонлик қилиш, ва ниҳоят ортиқча ҳиссиётчанлик — берилган жавобларни ўта ҳиссиётчанлик билан тинглаш ва мавзу муҳокамаси даврида ҳиссиётга берилиш, бекорга оҳ-воҳ қилиш, суҳбатдошни ўз оҳ-воҳлари билан асосий мавзудан чалғитиш.

Мана шу юқорида келтирилган рамзий манзараларни энди табиб ва бемор, ҳамшира ва бемор орасидаги мулоқотда кўз ўнгингизга келтириб кўринг. Бундай манзара юзага келар экан, ушбу мулоқотда на табиб, на ҳамшира беморга ўз таъсирини ўтказа олади. Демак, бундай мулоқот пайтида беморга берилган ҳар қандай маслаҳат унинг онгига етиб бормайди.

Куйидаги тест орқали ўзингиздаги таъсир ўтказа олиш қобилиятини текшириб кўринг.

Йуриқнома

Саволларга “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб беринг. Жавобларингизни алоҳида вараққа ёзиб боринг. Тест калитидан йигилган балларингизни аниқланг ва тестнинг очқич калитидан ўзингиз ҳақингизда ўқиб натижага билан танишинг.

1. Ўзингизни актёр ёки сиёsatчи ролида тасаввур қила оласизми?

2. Башанг кийинадиган олифта одамлар сизнинг гашингизни келтирадими?

3. Бошқалар билан интим мавзуларда суҳбатлаша оласизми?

4. Ўз обруйингизга путур етказадиган салгина гап-сўз эшитсангиз тезгина чора кўришга киришасизми?

5. Сиз фаолият кўрсатаётган соҳада бошқа бирор ютуққа эриша бошласа кайфиятингиз бузиладими?

6. Ўзингизнинг қобилияtingизни кўрсатиш учун ҳар қандай ишга қўл ура оласизми?

7. Юқори натижага эришиш учун ҳар қандай нарсадан возкеча оласизми?

8. Дўстларингиз доирасининг ўзгармаслигини хоҳлайсизми?

9. Турмуш тарзингизнинг доимий ўзгармас бўлишини хоҳлайсизми?

10. Ўйингиздаги муҳитни, жиҳозларни тез-тез ўзгартириб турасизми?

11. Эски муаммоларга янгича ечим қидириб турасизми?
12. Ўзига бино қўйган манманроқ одамларнинг жигига тегиб туришни ёқтирасизми?
13. Бошлиғингиз ёки бошқа бирор обрўли киши билан фалон киши ноҳақ, деб баҳслашиб турасизми?

Саволлар	Жавоблар	
	ҳа	йўқ
1	5	0
2	0	5
3	5	0
4	5	0
5	5	0
6	5	0
7	5	0
8	0	5
9	0	5
10	5	0
11	5	0
12	5	0
13	5	0

35—65 балл олган шахснинг бошқаларга таъсир ўтказиш хусусияти.

Сизда бошқаларга таъсир ўтказиш қобилияти кучли. Бошқаларнинг руҳига таъсир ўтказиб уларнинг хулқини ўзгартиришингиз мумкин. Ўрганиш, бошқариш қобилияtingиз кучли, бундан унумли фойдаланишингиз мумкин. Агар шундай имкониятлар туғилса, сизга бу жуда ёқади ва ундан одатда сиз

фойдаланасиз. Сизнингча одам ўз қобигига үралашиб қолмаслиги, бошқалар билан доимо муомала ва мулоқотда бўлиши керак. Сизнингча ҳамма кимнидир нимагадир ўргатиши, бошқалар учун яшаши керак. Бундай йўл тутмаганларни сиз аямаслик керак, деб ўйлайсиз ва сиз шундай йўл тутасиз. Сиз атрофдагиларни ўзингизнинг ҳақлигингизга ишонтиришга ўрганиб қолгансиз. Бу кўп ҳолларда ҳам ижобий натижা беравермайди. Шунинг учун сиз сал эҳтиёткорлик билан иш тутсангиз яхши бўлади. Акс ҳолда бошқаларга тажовузкорлик қилмоқда, деган маломатга қоласиз. Бу гапнинг замирида ҳақиқат бироз бўлса ҳам борлигини унутманг. Ҳаммага ақи ўргатувчига айланиб қолманг, бундай одамлар ҳаммага ҳам ёқавермаслигини унутманг. Маҳмадоналик, маслаҳатбозлик на бошқаларга ва айниқса сизга фойда келтирмайди.

30 баллдан кам баҳо олган шахсларда бошқаларга таъсир ўтказиш қобилияти.

Эссиз, кўп ҳолларда сиз ҳақ бўласиз, аммо ўз ҳақлигинизни бошқаларга кўрсата олмайсиз, уларни ишонтириш қобилияtingиз камлик қиласди. Сизнингча бутун атроф бир бутун қоидага бўйсуниши керак, ахлоқ-эътиқод қоидалари жамиятда ҳар доим устун бўлишини хоҳдайсиз ва ушбу қоидалар орқали ҳар кимнинг ҳаракатини олдиндан билиб олиш мумкин бўлсин, деб ўйлайсиз. Бирон нарсани ўзингизни мажбур қилиб бажаришни хоҳламайсиз ва бундай ишларни ёқтирумайсиз. Кўпинча ўта босиқлик қиласиз ва белгиланган мақсадларга эришмайсиз. Бундай ҳолларда бошқаларни айбор қилиб, уларни тербиясиз санайсиз, мени тушунмайди, деб жамиятдан нолийсиз. Эссиз, имкониятларингиз кўп, улардан унумли фойдаланмайсиз. Имкониятларни кўлдан бой берманг. Жамиятни ҳар томонлама ўзгартириб бўлмайди. Бор имкониятлар кўзга ташланганда улардан унумли фойдаланинг. Орзуга ҳаракат билангина эришиб бўлади, нолишлар натижага олиб келмайди, олиб келса ҳам салбий натижага олиб келади. Сиз салбий натижани кутиб ўтирунг.

Айтиш лозимки, бошқаларга таъсир ўтказиш баъзи ҳолларда жуда осон кечиши мумкин. Бундай ҳол одатда таъсиrlанувчи объект бунга тайёр турган ҳоллардагина рўй беради. Айтай-

лик бир кишининг бирор жойи оғриброқ трипти, ҳали у врачга борганича йўқ. Шундай пайтда бошқа бир киши “менда ҳам худди шундай бўлган эди, деб ундан қилинг, бундай қилинг - менга ўхшаб кутуласиз- қўясиз, деса, астойдил ишониб қолиши мумкин. Аммо бу уринда у киши дарднинг олдини олишни унуган ва бир кишига ишонааб вақтни қўлдан бой берган бўлиши ҳам мумкин. Одатда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ёки бошқа бир мисол, ҳамма яхши кайфиятда бўлган жойга бориб қолсангиз сиз ҳам ўз муаммоларингизни унугиб, уларга қўшилиб кетишингиз мумкин ва шундай бўлади ҳам.

ҚИЁФАМИЗДА НЕЧТА ОДАМ ЯШАЙДИ?

Одамзод ўзи бино бўлиптики, бир-бирига қараб яшайди. Айнан мана шу ҳолатни унинг ҳам ютуғи, ҳам фожеаси дейиш мумкин. Одатда бизга бошқа бирор кишидан нимадар керак бўлса, ўша инсонга мослашиброқ яқинлашамиз, унинг яхши ёмон томонларини, унга ёқадиган нарсаларни ўрганамиз. Бу нафақат бизга фойда беради, қолаверса ўша инсонга ҳам бу ёқади. Яъни, ўзимизга керак нарсага эришиш учун ҳар бири-миз ҳаёт саҳнасида актёрлик қиласиз, зарур бўлган ролга кирамиз, ўз хулқимиз, қиёфамизни ҳам ўзгартирамиз. Ахир тўйга тўй кийимида, мұҳим қабулга шунга мос кийимда бориш керакда. Бундан ташқари, кундалик шундай роллар борки, уни биз кўпинча ҳатто эътиборга ҳам олмай қойилмақом қилиб бажарамиз. Мана, уйда оиланинг каттаси сифатида бошқаларга маслаҳат бериб ўтирган киши кўчага чиқади ё шаҳар кезаётган оддий фуқаро ролига киради. Автобусга тушиб оддий бир йўловчи ролини бажара бошлайди. Ахир магазинга кириб менинг фалон жойим оғрияпти демайсизку, сиз бу жойда ё томошабин, ёки харидорсиз. Айнан мана шу ролга тўғри кела-диган ҳаракатда бўласиз.

Демак, инсон жамиятда яшар экан, у ўзининг жамиятдаги ижтимоий ролини доимо бехато бажаради. Бу рол талаблари бузилган ҳолда буни ё ўзимиз дарҳол сезамиз ёки атрофдагилар бизга бу ҳақда зудлик билан хабар қиласилар.

Бирор муассасада раҳбар ишни бошқариш жараёнида бошқаларга вазифа топширади. Агар у ишни бошқариш жараёнида ўз вазифасини тўғри бажармаса ёки унга бошқачароқ ёндошиб, ўз қўли остидаги одамларга ишни буюриш ўрнига улардан илтимос қила бошласа, бу ҳолатни кимdir тўғри тушуниши, аммо кимdir нотўғри тушуниб, буюрилган ишни бажармаслиги мумкин. Демак, ижтиомий рол ҳам жамиятда қандай йўлга қўйилган бўлса, ҳар биримиз томонидан у шу йўналишда бажарилиши, амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда жамиятнинг ижтиомий тизими бузила бошлади. Ахир, ҳамшира беморга дори ичириш ёки укол қилиш учун унга ялинмайдику.

Шифохона врачи ўз билимига таяниб bemorga уни undай қилинг, буни бундай қилинг, деган буйруқ беради. Бу ўринда bemордан илтимос қилишга ўрин қолмайди. Яъни, врач bemордан илтимос қилмайди, bemор эса врачдан илтимос қилиши мумкин. Бу ўринда bemорга даво белгилашнинг ўзи врач томонидан bemорга ўтказилаётган ruҳий таъсир ҳисобланади. Бу ruҳий таъсирни давом эттиришни ҳамшира ўз зиммасига олади. Демак, ҳамшира ҳам bemорга ruҳий таъсир ўтказади. Амалда ҳамшира табибнинг bemорга nисбатан ruҳий таъсир воситаси, таъсир ўтказишнинг ижрочисига айланади.

Одамларнинг жамиятдаги ижтиомий роли ва унинг ижроси ўта ранг-баранг. Ruҳшунослар инсоннинг ижтиомий роли ҳақида кўплаб изланишлар ўтказишади ва ўтказганлар ҳам. Бу борада америкалик психотерапевт Э. Бёрннинг кузатишлари анча эътиборга лойик.

Бёрннинг ёзишича, бизнинг ruҳимизда уч қиёфа яшайди. Бири — ота-оналик, яъни тарбиячи ruҳий қиёфаси; иккинчиси — етук инсонийлик ruҳий қиёфаси ва, ниҳоят, учинчиси — болалик ruҳий қиёфаси.

Агар кимда ота-оналик ruҳий қиёфаси кучли бўлса, у ён-атрофдагиларга маслаҳат беришни, ҳаммани нимагадир ўргатишини ёқтиради. Ҳатто зарур бўлмаган жойда ҳам бошқаларга тарбия бериб, ақл ўргатиб атрофдагиларнинг жонига тегиши мумкин. Бу қиёфа кишиларнинг шахсига, уларнинг соғлигига nисбатан олинганда улар орасидан табиблар, тибиёт ходимла-

ри күн. Аммо айтиш керакки, бундай шахслар тиббиёт соҳасида ишласалар уларнинг ҳаёт тажрибалари ва иш услублари соҳага анча мос келганида уларнинг обрў-эътиборлари ошиб боради. Аммо, бундай руҳий қиёфадаги ҳамширалар ҳаммага ақл ўргатаверишдан ўзларини бир оз сақлашлари керак. Айтиш керакки, ҳамширада бу руҳий қиёфа тажриба, билим ва табибининг маслаҳатларига таянмаган ҳолларда салбий таъсир қила бошлайди, унинг обрўси тўкилишига олиб келиши мумкин.

Ота-оналик, тарбиячиллик руҳий қиёфаси собиқ раҳбарларда, собиқ тарбиячиларда, ўқитувчиларда нохуш кўринишларга бориб етиши мумкин. Бундай ҳол уларнинг атрофидагиларга шу даражада ёқмай қолиши мумкинки, атрофдагилар бундай шахслардан ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолишади. Бундай руҳий қиёфадаги кишилар ўзлари bemор бўлиб табибининг ёрдамига келганига қарамасдан ҳатто табибларга ҳам ниманидир ўргата бошлайдилар ва бу уларнинг шахслараро мулоқот ўрнатишларига, шахслараро муомаласига салбий таъсир қилиши турган гап. Демак, бундай руҳий қиёфадаги одамга дуч келганда врач ва ҳамшира унга ўта нозиклик билан муомала қилиши лозим.

Иккинчи қиёфа — етуклик, етук инсонийлик руҳий қиёфаси ҳар бир шахснинг ўз мавқеига нисбатан айни реал ҳолдир. Етулик руҳий қиёфасидаги кишилар нафақат ўзларини, балки ён атрофдагиларни ҳам тўғри баҳолашади. Демак, бундай шахслар билан муомала ва мулоқотда бўлиш енгил. Ҳамшира ва bemор ушбу руҳий қиёфадаги кишилар бўлганида улар бирбирининг қалбига енгил йўл топишади ва улар орасидаги мулоқот енгил кечади. Айтиш лозимки, кўпчилик ҳолларда ҳамшира ва bemор орасидаги мулоқот кўпинча ҳамшира томонидан ота-оналик руҳий қиёфасида ва bemор томонидан эса болалик руҳий қиёфасида амалга оша бошлайди.

Бу жойда болалик руҳий қиёфаси айнан bemорда кузатиладиган болалар хулқидаги қиёфа бўлиб, у ҳис-ҳаяжонга бери-лувчанлик, эркатойлик, болаликка хос қилиқларга бой, қизиқувчанлик хислатлари билан ажralиб туради. Шундай экан, ҳамшира bemорликда бўладиган болалик руҳий қиёфасини,

хулқни унутмаслиги, муомала қилишда шуни эътиборга олиши лозим.

Синчиклаб кузатсак, биз ён атрофимизда асосан мана шу уч руҳий қиёфани кўрамиз. Шу уч қиёфанинг бири бироримизда кучли бўлса, бошқа бироримизда иккинчиси кучли бўлади. Аммо доимо бу уч руҳий қиёфа одамларда кузатилади. Бир вақт бизнинг фаолиятимизда унинг бири кучлилик қиласа, бошқа бир пайт унинг бошқа бири кучлилик қиласи. Аммо буни кўлинча ўзимиз сезмаймиз ва ушбу ролга кириб кетамиз.

Уларнинг бири билан мулоқотимиз енгил кечса, бошқасига ўша руҳий қиёфамиз ёқмаслиги мумкин. Бу деган сўз, мулоқот ўрнатишда биз ўз руҳий қиёфамизни тўғри ўша шахсга нисбатан танлай олмаганиligимиздир. Бу ўринда болалик руҳий қиёфаси беморлигимиизда кўпроқ намоён бўлишини унутмаслигимииз керак ва буни ҳамширалар ҳам доимо ёдларida сақлашлари лозим. Бу уларнинг меҳнат фаолиятини унумдор қиласи ва ишларига ёрдам беради.

Демак, шахсда қайси руҳий қиёфа кучлилигини билиш у билан мулоқот ўрнатишга ёрдам беради. Бу руҳий қиёфани бошқаларда тез англаб олиш ва мулоқотда ундан фаол фойдаланиш ҳаётий муаммоларни енгишда катта натижаларга олиб келади. Ҳамширалар беморларда томонидан болалик руҳий қиёфаси кўпроқ учрашига дуч келишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг меҳнатига оддий кўз билан қарамаслик керак. Айни ҳолда бу руҳшуносликнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб берилган маслаҳатдир.

ЮЗИДАН НУР (ЗАҲАР) ТОМАДИ

Машҳур руҳшунос олим Д. Корнеги: «табассум қилинг, кулиб туринг, юзингиздан кулгу аrimasин», деган ажойиб маслаҳатни беради. Бу маслаҳат айниқса халқа хизмат қилувчиларга асосий ақида бўлмоғи керак. Хитойликларда яна бир қадимий ҳикмат, бор: “юзида табассуми бўлмаган киши дўкон очмаслиги керак”.

Биз юзида кулгуси, табассуми бўлмаган киши ҳамшира бўлмаслиги керак, десак хато қилмаймиз. Аммо кўпинча ку-

либ турган ҳамширага эмас, балки тунд юзли, қовоғи солиқ ҳамшираларга ҳам дуч келиб турамиз, уларни кўриб аҳволимиз янада оғирлашади.

Фараз қилайлик, қўлида йўғон игнали шприц билан сиз ётган хонага тунд юзли ҳамшира кириб келди, бундан этимиз жунжикиб, дардимиз баттар кучайиб кетади.

Агар ўша игна-ю, ўша шприц билан юзида ажаб бир иқлиқлик, табассуми бўлган, жуссасига ярашган кийимдаги ҳамшира кириб келса-чи? Кайфиятимиз кўтарилиб, унинг ширин сўзидан дардимиз ентиллашиб, ҳатто оғриқни ҳам ёддан чиқаргандай бўламиз.

Бундайларни қўли енгил, деб мақташади. Бундай ҳамширалар тиббиётимизнинг кўрки, фаҳри, улар Ибн Сино давридан тиббиётимиз шуҳратини оламга кўз-кўз қилиб келишади.

Шундай экан, тиббиёт соҳасига ёшларни танлашда алоҳида тартиб-қоидага амал қилиш лозим, деб ўйлаймиз.

Маълумки, кўпгина давлатларда бирор соҳага ишга қабул қилинувчилар руҳшунослар маслаҳатидан ўтказилади. Бу биринчидан бирмунча харажат талаб қилса, иккинчидан бизда руҳшунос мутахассислар етишмайди. Аммо тиббиёт соҳаси мутахассислари буни амалда бажарсалар бўлади. Соҳага мос одам танланса фойдалан холи бўлмаслигини унутмаслик керак.

Бугунги кунда ёшларни тест синовлари ёрдамида ўқув юртларига қабул қилиш ижобий натижалар бермоқда. Аммо унинг салбий томонлари ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Чунки бирор соҳада ишлаш учун фақат билимнинг ўзи кифоя қилмайди.

Демак, тест саволлари орасида тегишли фанларга тааллуқли саволлар билан бир қаторда шахснинг шу соҳага тўғри келадиган хусусиятларини ҳам аниқловчи саволлар бўлиши лозим. Шундай қилинганда соҳага ҳар томонлама мос келадиган кишилар танлаб олинган бўлади.

Ўйлаймизки, келгусида ёшларни касбга танлашда алоҳида ишлар амалга оширилали ва бу ўз ижобий натижасини беради. Ҳозирги кунда фаолият қўксатаге танлашнинг, уларнинг малакасини оширишнинг ҳам чорасини кўрмоқ лозим.

Инсоннинг қош-қовоғига қараб унинг кайфиятини ҳамма ҳам билиб олиши мумкин. Аммо бу билимни илмий даражага күтариш руҳшуносларга бир қадар боғлиқдигини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз.

Шундай экан, бемор болалар билан ишлайдиган ҳамшира болалар психологиясини, кексалар билан ишлайдиган ҳамширалар эса кексалар психологиясини яхшигина ўзлаштириб олишлари керак. Шундагина ёш болалар билан ишлайдиган ҳамшира усиз ҳам уколдан қўрқиб турган bemор боланинг олдига тунд кўринишда кириб келмайди.

Ҳамшира оиласдаги ташвишларини bemорга сездирмаслиги, ишга лоқайд қарамаслиги лозим. Аммо бъази ҳамширалар оғир аҳволдаги bemор олдидан чиқсан кайфиятда соғаяётган bemор олдига кираверишади. Ваҳоланки, ҳамширалар иш жойида худди актёрдек қиёфага кириш лозимлигини унугиб қўйишади. Ҳар бир ҳамшира ўз олдига қўйилган асосий талабларни ҳар қандай шароитда ҳам унутмаслиги лозим.

МУЛОҚОТ. КАСБИЙ МУЛОҚОТ МАНЗАРАЛАРИ

Юқорида биз қайси мавзуни олмайлик, воқеа барибир ҳамширанинг бирор bemор билан бўладиган мулоқотига бориб гақалганини кўрдик. Шундай экан, масаланинг энг асосий мақсади bemор ва ҳамшира орасида бўладиган, улар орасида ўрнатиладиган мулоқот ва унинг мақсади нимада эканлигига бориб тақалади.

Мулоқот қайси йўналишда бўлмасин, иккала томон иштирокида бўлиб ва у қайсиdir бир томоннинг ташабbusи билан бошланади. Шу билан бирга у албатта шахслараро бўлади. Бъазан эса киши ўзи билан ўзи ҳам мулоқотда бўлиши мумкин. Бу ўринда шахс ўзи билан ўзи шахс сифатида суҳбатлашади, мулоқотга киришади.

Мулоқот албатта бирор мақсадга қаратилган бўлади. Мулоқотнинг оддий кўринишларидан бирига мисол келтирамиз. Айтайлик, bemорнинг боши оғрияпти, у ҳамширадан бирор дори сўрайди. Мулоқотдан мақсад шахснинг оғриётган боши

ҳақидаги маълумотни бирорга етказиш, ҳамширадан нажот кутиш.

Бошқа бир мисол. Ҳамшира беморга укол қилмоқда. Бу жойда мулоқот сўзсиз олиб борилиши мумкин. Аммо сўзларнинг мулоқотдан тушиб қолиши мулоқот жараёнини оғирлаштиради. Агар бу сўзсиз жараён илиқ сўзлар билан “безатилса”, бундай мулоқот беморга енгиллик беради.

Иккала ҳолатда ҳам мулоқотни бошловчи ўзи мулоқотга тортмоқчи бўлган шахснинг юз кўзи, ташқи қиёфасини, бир сўз билан айтганда, унинг авзойини ўрганмасдан мулоқотни бошламайди.

Демак, юқорида келтирилган иккала ҳолатда ҳам мулоқотнинг асл мақсади битта нарсага, bemorning соғайишига қаратилган. Уларнинг бири—беъмор, яъни истеъмолчи бўлса, бир—ҳамшира, бажарувчидир. Улардан хизмат кўрсатувчи, ҳамширада жавобгарлик, масъуллик кўпроқ. Истеъмолчи бу ўринда ҳозирги замон тили билан айтганда юқори даражадаги сервисни кутмоқда. Ҳамшира ўз бурчини умумий вазиятдан келиб чиқиб бажарди, дейлик. Бу ўринда бажарилаётган иш мулоқотнинг бир томони бўлмиш! bemor томонидан шахсий, аммо шу билан бирга ушбу бажарилаётган иш ҳамшира томонидан ижтимоий бурч сифатида бажарилади. Бемор бошқа ҳамшира, бошқа тибиёт масканига бориши мумкин, аммо bemor ҳамшира олдига хизмат кўрсатишни сўраб келганидан кейин ушбу хизматни кўрсатмаслиги, ушбу мулоқотга киришмаслиги мумкин эмас. Бу энди жамиятнинг талабларидан бири.

Шунинг учун bemor ва ҳамшира мулоқотидаги бу икки йўналиш улар орасидаги мулоқотга алоҳида хусусият беради. Уларнинг ҳар бирига бошқа-бошқа мажбурият ва бурч юклайди.

Бемор томонидан бошланган мулоқот норасмий. Аммо ҳамширанинг ушбу мулоқотга киришици шарт ва расмийлигини унутмаслигимиз керак. Шу жойда айтиш керакки, расмий ва норасмий мулоқот мулоқотнинг умумий йўналишига турли хил таъсир кўрсатади. Расмий ва норасмий тарафда турган мулоқот иштирокчиларининг бурч ва мажбуриятлари бошқача бўлади. Бу ҳолатлар мулоқотнинг кечишига, мулоқот иштирокчиларидан

рининг шахсларо бурч ва фаолиятларига ҳам турли хилда таъсир ўтказади.

Руҳшунослик нуқтаи назаридан бу жараённи таҳдил қиласиган бўлсак, биз норасмий мuloқотда ўзимизни эркинроқ сезамиз. Аммо расмий мuloқотда бундай қилолмаймиз. Яъни, расмий мuloқотнинг ўзига яраша талааблари бор

Бемор ва ҳамшира мuloқотга киришмасдан ўз бурчларини бажаришлари мумкинми. Бир қараганда мумкин эмасдек кўринади. Аммо тиббиётнинг хусусиятларидан бири шундаки, бу саволга ижобий жавоб берилиши керак. Яъни, bemor ҳушсиз ҳолда бўлганда. Аммо бу ҳолда ҳамшира ўз бурчини бажарар экан bemorга нисбатан у ўзининг бурч ва мажбуриятларини тўлиқ ҳис қиласи. Бу ўринда bemor ҳақида бирор нарса дейиш қийин. Аммо ҳар қандай муомала bemor ҳушида бўлганда ҳам мuloқotsiz, унинг иштироки ва таъсирисиз ўтиши мумкин эмас. Шунинг учун bemor ва ҳамшира орасидаги мuloқotsiz ҳаракатлар улар орасига совуқчилик туширади, bemorda тиббиёт ходимида нисбатан салбий фикр уйғотади. Шунинг учун ҳам мутафаккирлар мuloқotни буюк бойлик, қимматбаҳо мулк сифатида қадрлашади ва таърифлашади. Инсонни мuloқotдан маҳрум қилиш бу жамиятнинг олий жазоларидан биридир.

Ҳар бир соҳадаги мuloқot ўз қонуниятларига, ўз хусусиятларига эга. Шу ўринда айтиладиган энг муҳим хулосалардан бири бу инсон мuloқotдан маҳрум қилинганда унинг ички дунёси бузила бошлашини уқдириб ўтишдир. Руҳшуносларнинг кузатишига қараганда инсонни мuloқotдан маҳрум қилган даврдан бошлаб унинг ички дунёси салбий таъсир ола бошлар экан. Шундай экан, ҳамширалар узоқ вақт мuloқotдан маҳрум бўлган bemorлар билан муомалани жуда эҳтиёткорлик билан бошлашлари ва бу жараёнда бўлаётган ўзгаришларни жуда сезигрлик билан илғаб туришлари керак. Шахснинг мuloқot жараёнига қайтиши оғир кечиши мумкин.

Ҳар бир соҳада мuloқot ўз қонуниятларига, ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун ҳам турли хил соҳа ходимлари ўzlari-ning соҳасига хос хусусиятларини ўзлаштириб олишади,

баъзан ундан қийин чиқишиди. Чунки соҳадаги кўплаб мулоқот нормалари этalonга аўланиб қолади ва соҳа ходимларининг фаолиятида уларнинг ҳаракатларида одат тусига қириб кетади. Буларга бир томондан енгиллик берса, соҳа ташқарисида бўлган мулоқотларда нокулийликлар туғдириши мумкин.

Тиббиётда бундай қоидалар анчагина. Яъни беморнинг кайфиятига, жисми жонига салбий таъсир қўлмаслик, унинг билан бўлган мулоқотда қўполлик қўлмаслик ва бошқа шунга ўхшашиб талаблар қўйилади. Умуман олганда тиббиётда фаолиятнинг ўзи мулоқотга бевосита ўта боғлиқ. Шундай экан, тиббиёт ходимлари, шу жумладан ҳамшираларни соҳа мулоқот хусусиятларига алоҳида ўргатиш лозим.

Маълумки, ҳамшираларни тайёрлаш тизимида турли хил тажриба ортириш соатлари, амалий машгулотлар бор. Аммо бу машгулотлар орасида ачинарлиси шуки, беморлар билан мулоқот қилишга ўргатиш соатлари кўзда тутилмаган. Уларнинг мулоқот маҳоратини оширишга эътибор берилмайди. Мулоқот сирларини ўргатувчи амалий машгулотлар кўзда тутилмайди. Ҳамширалар билан мулоқот машгулотлари ўтказилиб, улар алоҳида таҳлил қилинса, кўпгина ёшлар учун фойдалан холи бўлмас эди. Бундай ҳолда баъзилар гапиришни, суҳбатлашиши билмайманми, дейиши мумкин. Бундай деган киши катта хатога йўл қўяди. Бўлгуси ҳамшира ва унинг бемор билан бўлиб ўтган мулоқотини видеокассетага ёзиб, кейин ўзига кўрсангиз у ўз қўзларига ва қулоқларига ишонмайди. Бундай ҳолда у ўз тажрибасизлигини аниқ кўради ва сўзларда йўл қўйган хатоларини сезади. Бундай машгулотлар ниҳоятда катта фойда беради. Руҳшунослар мулоқот тажрибасини ошириш борасида бундан бошқа ҳам машгулотлар уюштиришлари мумкин. Тўғри, ҳар қандай касбий мулоқотнинг ўзига яраша сир-асрорлари бор. Тиббиёт соҳаси ҳам бундан холи эмас. Бемор билан яхши мулоқот ўрнатиш учун фақатгина даволаш, эмлаш усууларини билиш кифоя қилмайди. Ҳамшира беморнинг қалбига йўл топа олиши керак. Бунинг учун у касбга тааллуқли мулоқот сирлари билан таниш бўлмоғи лозим.

Биринчидан — касбий мулоқот жараёнида ҳамшира кенг маънода беморни кўриши, эшитиши, тушуна билиши керак.

Иккинчидан — беморнинг ташқи қиёфасидан нима демоқ-чи эканлигини, ҳаракатлардан олинган новербал маълумоттарни ҳамшира ўқий ва уқий олиши керак.

Учинчидан — бемор ва ҳамшира мулоқотида ҳамшира ўзими тута олиши алоҳида ўрин тутади. Ўзини туга олишга эсанчагина сабр-бардош керак.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ, САЛОМДАН ХАЙРГАЧА

Маълумки, ҳар бир инсон атрофига қараб, бошқалар билан биргалигини ҳис қилиб яшайди. Биз замон ва дунёнинг умумий ҳаракат маромини бошқалар ҳаётида бўлаётган ўзгаришларни ўзимизнинг ҳаётимизга мослаштириб, ўзимизнинг ҳаётимизни уларга таққослаб ҳаёт кечирамиз. Кун давомида ён атрофдагилар билан мулоқот ўрнатиш орқали ўзимизнинг ташвиш ва эҳтиёжларимизни қондирнимиз. Бу ўринда бир мулоқотимиз самаралироқ чиқса, бошқасидан қониқмаймиз ва ундан яхшироғини излаймиз ёки ўша мулоқотни ўша одам билан бошқатдан қиласиз. Аммо, самаралироқ мулоқотнинг нимага бундай натижা берганини, самарасизи эса нимага бизни қониқтирмагани сабабини кўп ҳолларда ўйлаймиз. Агар буни чуқурроқ ўйлаб кўрганимизда эди, келгусида кўпгина хатоларнинг олди олинган бўлар эди.

Биз нотаниш киши билан биринчи бор учрашар эканмиз у билан алоқа ўрнатишида нималарга эътибор берамиз? Аввало бунда бизга ҳаётий тажрибамиз ёрдам беради. Ўша ҳаётий тажрибамиз, илгари олинган бошқалар ҳақидаги билим бойлигимиз айнан мана шу биринчи кўриб турган одамимиздан ҳозир қандай маълумот олганимизга қараб, у билан қандай муомалада бўлишмиизга ёрдам беради. Бу ўринда ҳозирги бўлгуси суҳбатдошимиз ҳақида олган маълумотларимизнинг бизда бўлган илгариғи маълумотлар билан таққосланиши ва уларнинг хуласа қисми бизга кўргазма сифатида чиқиши, бу энди тафаккуримизга, ақл идрокимизга боғлиқ. Бунда биз биринчи ўринда ушбу нотаниш кишининг ташқи қиёфаси, кийим кечаги, юз тузилиши, ўзини тутиши, қўли, юзи, умумий кўриниши ва бошқа бизга зарур бўлган маълумот берувчи аъзоларига қарай-

миз. Бу ўринда айтиш мумкинки, ўзимизга таниш кишиларнинг ташқи қиёфасига кўп ҳам эътибор бермайсиз. Танишингизнинг бирор янги кийим кийганини кўп ҳолларди сезмай ҳам қолишингиз мумкин. Аммо нотаниш кишини биринчи бор учратганда унинг қандай кийим ва қандай қиёфада эканлигини ёдда сақлаб қоласиз. Биринчи мулоқот жараёнида ушбу нотаниш кишининг қандай гапиришидан, ўзини қандай туттагнигача ёдимизда қолади.

Ташқи қиёфадан олинган маълумотларга қараб ушбу нотаниш киши билан мулоқотни бошлар экансиз, унинг биринчи сўзларидан бошлаб сиз ўз муносабат тактикангизни такомиллаштириб, унга керакли ўзгаришларни киритиб борасиз.

Айтайлик, тиббиёт масканига башанг, тўкис кийинган киши кириб келди. Сиз бу инсоннинг юз-кўз, ташқи қиёфасига қараб унинг bemorligini aniklai oltasligingiz mumkin. Кириб келган киши сиз билан саломлашиб бош варачни сўраси ҳали ҳам унинг bemorligini aniklai oltasligingiz mumkin. Аммо бош врачнинг йўқлигини айтганингиздан кейин сиздан жарроҳларингиз ишляяптими деса ҳали ҳам унинг ўз bemorligi учун келганлигини билmasligingiz mumkin. Аммо шу ўринда сиз бу нотаниш кишининг юзида қандайдир дардан азият чекаётганини сезсангиз дарҳол унинг ўзига жарроҳ кераклигини сезасиз.

Мана, нотаниш кишиларнинг биринчи учрашуви ва улар орасидаги мулоқот ўрнатишнинг босқичлари. Бу босқичлар иккала томонни ҳам ҳар бир янги сўз орқали бир бирига тўлиқроқ тушунишга ёрдам беради.

Энди ҳаёт тажрибасига келсақ, бу кишининг ташқи қиёфасига қараб биринчи ўринда сиз уни бош врачнинг таниши деган холосага келишингиз мумкин эди. Бу ҳам бўлса у бош врачни сўрганидан кейин. Унгача сиз учун бу одам ҳам тиббиёт масканига келаётган навбатдаги bemor bўlib қолаверади. Энг бўлмаганда уни бирор bemorni kўргани келган киши сифатида қабул қиласиз. Аммо, сиз тиббиёт масканига алоқадор бўлганингиз учун бу одамнинг ҳар бир ҳаракатига барибир тиббиёт билан боғлиқ ҳолда холоса чиқарасиз. Лекин ташқи

қиёфадаги ҳамма белгилар биринчи учрашув ҳақида тұғри ху-
лоса бермаслиги мүмкін. Шунинг учун биринчи учрашувда-
ноқ башқа киши ҳақида түлиқ хулоса чиқармаслик керак. Бу
жолат ҳақида русларнинг бир мақолини келтириш мүмкін. Унда
шундай дейилади: кийимига қараб кутиб олинади, ақылға қараб
эса кузатылади. Умуман олганда мuloқotни биз ҳаммамиз уз-
луксиз бир жараён деб қабул қиласыз. Аммо синчиклаб қарал-
ғанда бу ундай әмас.

Мuloқot бир қанча босқичларға бүлинади. Биринчиси, алоқа
ұрнатыб күриш, әшитиш, саломлашиш, умуман бирор маълу-
мот олиш. Иккінчиси — мұхитдан хабардор бүлиш — атроф,
одамлар, вақт ва башқа мuloқotтағы таъсир құлувчи омиллар.
Учинчиси — масалани мұхокама қилиш, тарафларнинг тала-
би, фикри, мақсади, муомаланинг ечими. Тұртингчиси — мuloқotдан чиқыш. Бу үринде тарафларнинг қохиши, мuloқotта
қўйилган мақсад ўта мұхимдир.

Касбий мuloқotтинг ушбу унсурлари, босқичлари бир қара-
ғанда унчалик сезилмайдында, мұхим әмасдай қўриниши
мүмкін. Ҳатто тарафлар буни сезмаслиги ва бунга эътибор ҳам
бермаслиги мүмкін. Аммо амалда бу доимо бор ва таъсирсиз
қолмайдын омиллардир.

Яъни, амалда бу жолат ўта жиддий.

Амалий мuloқotда ушбу мuloқot унсурларини умуман сез-
маслигингиз мүмкін. Лекин уларни инкор қила олмайсиз.

Эрталаб ҳамшира иш фаолиятини бошлар экан, ҳужжат-
ларни ўрганиб чиқып ҳали таниш бўлмаган бемор “Абдуллаев”
билан учрашиши керак. Бу үринде айтиш керакки, кўпинча
ҳамшираларда бемор билан сұхбатлашиш шартми, деган савол
туғилади. Айтиш лозимки — шарт. Ҳамшира ҳужжатлар орқали
бемор “Абдуллаев” ҳақида унинг касаллиги, ёши, унга қандай
дорилар берилиши ва қандай уколлар қилинишини билади.
Аммо, “Абдуллаев” қандай одамлигини билмайди. Ҳамшира-
нинг ҳақиқий “Абдуллаев” билан мuloқоти, биринчи учрашу-
ви, қоғозлар орқали бўлиши, шифохонанинг қабулхонасида
биринчи бор кечиши ёки башқа бир шароитда бевосита учра-
шувдан бошланиши мүмкін. Ҳамшира ҳақиқий “Абдуллаев”-

ни күриб аввал олган маълумотларга қараганда ўнлаб баробар кўпроқ маълумот олади ва амалда айнан мана шу тўлдирилган маълуотлар ёрдамида мулоқотга киришади. Ҳамшира бемор “Абдуллаевни” кўрар экан, унинг илгари қофозлардан олган маълумотлари тўлали, яъни “Абдуллаев” ким, унинг қанлай касаллиги бор, қандай одам, bemorлик аҳволи қандай, хулқи, важноҳати, ташки қиёфаси ва ҳоказо. Мулоқот бошланар экан, ҳамширада “Абдуллаев” ҳақида маълумот яна ҳам ортади. Биринчи мулоқот барибир иккала томон учун ҳам ҳали бир-бирини ўрганиш жараёни билан ажralиб туради. Шунинг учун ҳар иккала томон ҳам мулоқотдан чиқиш пайтида бир-бирига нисбатан келгуси мулоқот заминини яратга бошлайди. Бу ҳол эса мулоқот иштирокчиларида мулоқотдан чиқиш муаммосини яратади. Келгуси мулоқотларнинг қанлай давом этиши мана шу биринчи мулоқотдан рамзий қилиб айтганда “томир” олади. Келгуси мулоқотларга мана шу биринчи мулоқотда замин яратилади.

Мулоқотдаги биринчи таассурот ўта муҳимлигини руҳшунослар кўп таъкидлашади. Ҳақиқатда ҳам шундай. Аммо мулоқотнинг барча босқичларини унумаслик керак. Бу ўринда айниқса мулоқотдан чиқиш босқичи муҳим. Чунки, ёдингизда бўлсин, сұхбатнинг умумий мавзуси сұхбатдошингизнинг хотирасида қанча вақт сақланиб қолиши албатта мулоқотдан қандай чиқиб кетганингиз билан боғлиқ ҳолда унинг хотирасида анча вақт жонланиб ҳам турали. Унинг хотирасида сизнинг умумий рамзингизнинг бир қанча вақт ўчмаслигини ҳам унуманг. Шунинг учун ҳамшира мулоқотдан чиқиш пайтини жуда эҳтиёткорлик билан танланни лозим. Бу ҳол мулоқотга биринчи бор кириш муҳитидай ҳамширанинг фойдасига ҳал қилинганда унинг обру-эътиборини салмоқли равища ортириши керак. Шунга уринган ҳамширалар ўз фаолиятида яхши натижаларга эришадилар. Демак, мулоқотдан чиқишида ҳам миллий одатларимизга кўра қабул қилинган “омон бўлинг”, “соғайиб кетинг” ва шунга ўхшашиб илиқ сўзлар билан хайрлашган, шунга ўхшашиб ибораларни ишлатган маъқул.

Ҳар биримизга кун давомида бўлган мулоқот жараёнларини таҳдил қилиш, улардан ижобий томонларини олиш ва сал-

БИЙ, йўл қўйилган хатоларимизни хулқимиздан чиқариб ташлаш яхши натижалар берган бўлар эди. Демак, ўзимизни-ўзимиз назорат қилишга одатлансанк иш унумдорлигимиз ортиб, ҳаётимиз енгиллашиб бораверишини унутмаслигимиз керак. Ҳамширалар ҳар куни беморлар билан ишлашларини, беморлар эса бошқаларнинг илиқ сўзига муҳтожлигини унутмасликлари лозим. Бу ўринда эса беморларнинг турли хил кишилар бўлиши, ҳамшираларнинг ўз ўрнида улар билан тил топа олишлари бу касбий маҳоратга боғлиқ.

МУЛОҚОТ МАНЗАРАЛАРИ

Дунёда энг муҳташам бойликлардан бири бўлмиш мулоқот инсон ҳаётида турли хил манзара беради. Кучада биздан “фалон идоранинг қаёрдалигини айттолмайсизми”, деган саволга ёки ихшонамизга келиб бошлиқни сўраган кишига, агар бу киши бошлиқни эмас қоровулимизни сўраса унга қандай муомала қилишимизни ҳаммамиз биламиз. Лекин бу ҳолларга шу қадар ўрганиб қолганимизки, ҳагто эътибор ҳам бермаймиз. Ўйлаймизки, гўёки шундай бўлган, бўлади ва ҳозир ҳам шундай. Аммо бир ўйлаб кўрайлик, биз нима учун бошлиқни сўраса бир хил муомалада бўламиизда, қоровулни сўраса бошқача муомала қиласиз. Сабаби ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Биринчи мисолда ўз ахлоқингиз ва билиш-билмаслигингизга қараб йўловчига йўл кўрсатасиз. Иккинчи мисолда савол берган кишига зимдан разм солиб, бу одам нима учун бошлиқни сўрапяти, деган, ўзингизга-ўзингиз берган ички савол билан жавоб қайтарасиз. Учинчи мисолда, агар сиз корхонангизнинг бирор масъул ходими бўлсангиз, кимдир сизнинг вақтингизни олиб қандайдир қоровулни сиздан сўраб юрганидан ғашингиз келиб жавоб беришингиз мумкин ва ҳаётда шундай ҳам бўлади.

Ушбу мисолларни келтиргандан кейин тиббиётда энг кўпсонли ходимлар бўлмиш ҳамшираларга келсангиз, уларнинг меҳнат фаолияти ҳам биз ўйлагандай ўта осон эмас эканлигига амин бўласиз. Яхши ҳамшира бўлиш учун, яхшигина сўзамол, меҳ-

натсевар, бошқаларнинг буйруқ ва илтимосини очиқ юз ва очиқ кўнгил билан бажарадиган хушфъеъл, билимдон ва чақ қон инсон бўлиш кераклигини унутмаслигимиз керак.

Жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаларидан бири бўлмиш тиббиётга кўпчилик нимагадир ҳурмат назари билан қарамайли. Руҳшунослар, ижтимоётни ва бошқа соҳаларни ўрганувчи олимлар бунинг сабабини излашади. Аммо аниқ жавоб ҳали топилганича йўқ. Бунга сабабни албатта собиқ иттилоғнинг тенглаштирилган самарасиз тиббий соҳасидан қидиришнинг ўзи боши берк кўчага кириш билан баробар. Ҳозирги кунда эса тиббиёт олемида ўз даврининг дарди сифатида яна бир муаммонин юзага келаётганини кўплаб ҳамширалар ачиниб-ачиниб айтиб беришади. Бу ҳам бўлса мулокот давомида ҳамшираларнинг ўзларининг саломатлигига шубҳа билан қарашлари. Шубҳа қилинган жойда эса самимий мулокотнинг бўлмаслиги ҳаммага аён. Бу ўринда энг ачинарли томони шундаки, бемор бирон нарсадан шубҳа қилас әкан, унинг соғайиши қийин. Юқорида биз келтирган “плацебо” эфекти, яъни беморнинг ўта ишонувчанлигига асосланган даволаш беморнинг ишончлизити бор жойда муваффақияти қўлланилиши, яъни, бу усулининг ижобий самара бериши жуда қийин.

Демак, ҳамширалар беморлар билан бўладиган суҳбатларда, bemor мен билан нақадар самимий, деган саволни доимо ўзига бериши шарт. Бемор нафақат даволовчи табибга, қолаверса унга бешсита муолажа қилаётган ҳамширага қалбан ишониши унинг даволаниш жараёнини тезлаштиради, дардини осонлаштиради. Бемор, табиб ва ҳамшира уччаласи орасида ниҳоятда яқин қасбий муомала ўртага келгандагина уларнинг умумий иши — дардманий даволаш тез кетади деган хулюсага келиш осон ва амалда шундай бўлгандагина дарл тез чекинади.

Демак, беморнинг табибга ва ҳамширага ишончи юқори бўлганидагина “дардманий даволаш” жараёни намоён бўлади.

РОЛДАГИ МУЛОҚОТ

Биз ҳаётимизни мулокотсиз тасавур қила олмаймиз. Бу хақда юқорида ҳам мулоҳаза юритдик. Яъни, инсон доимо би-

рор ролда бўлади. Жумладан, унинг ролдалиги мuloқот жараёнида аниқ-равшан кўриниб туради. Ҳамшира беморлар билан мuloқотда бўлганида у доимо тиббиёт соҳаси вакили сифатида мuloқотда бўлади. Бу унинг касбий мuloқотининг асосий белгисидир. Айнан шунинг учун кўпчилик тиббиёт ходимларининг шикоятлари ҳам ўнгай бўлади. Яъни, уларга кишилар ғулар-бўлмас жойларда, ҳатто тўй-маъракаларда ҳам ўз дардларини айтиб шикоят қилишади. Бу уларга кўпинча ноқулайликлар туғдиради. Шу жумладан бемор ҳам ким бўлмасин ҳамшира билан бўлган суҳбатда унга нисбатан тиббиёт соҳаси ходими сифатида, дардни тушунувчи, дори-дармоннинг номини айтиб юборувчи, укол қилувчи ва хизмат соҳаси кишиси сифатида муомалада бўлади. Бунга кўпчилик ҳамширалар ҳаётлари давомида ўрганиб кетишади. Аммо, уларнинг баъзилари ўз шахсий хусусиятларига қараб баъзи ҳолларда касбий тус олган мuloқотдан ўзини олиб қочади.

Ҳамшира ва бемор мuloқотида, умуман олганда, ҳукуқ ва бурч тушунчалик ўта аниқланмагандек тушунилади. Лекин аслини олганда ундаи эмас. Энг асосийси, ҳамширалар учун ҳукуқ ва бурч тушунчалик йўриқномаларда кўрсатиб ўтилган бўлиши билан бир қаторда ҳали ҳамон уларнинг ўта ноаниқлиги ҳаммага маълум. Тўғри, ҳамширалар кўп ўринларда қонун доирасида ҳаракат қилишлари ва уларнинг бурчлари ҳақида ўқитилади. Аммо улар кўп ҳолларда қонун доираларида кўрсатилган ҳукуқ муаммоларидан қонун доираларида кўрсатилмаган ахлоқ ҳукуки доираларидағи муаммоларга кўпроқ учрайдилар.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳамшираларнинг ролдаги хулқини кўпинча бош врачлар “бемор доимо ҳақ” деган ибора билан чеклаб ташлайди. Ҳамширалар бусиз ҳам ўзларини ўта ҳукуқсиз сезган бир вақтнинг ўзида уларни бундай чеклашлар кўпинча уларни ташаббусиз, эргашувчи шахсларга айлантириб кўяди. Бундай руҳ ҳукумрон бўлган тиббиёт масканларида янгилик, ташаббуснинг туғилиши амри маҳолга айланиб қолади ва бундай тиббий масканда умумий руҳий босиқлик, ниманидир кутиш кайфияти устунлик қиласи.

“Бемор ҳамиша ҳақ” деган ибора сиз билан бизга bemor сифатида жуда ёқиши мумкин. Аммо ўйлаб қаралганда: ағар bemor доимо, ҳамиша ҳақ бўлса, демак ҳамшира, мантиқан доимо, ноҳақку. Бир томон аввалдан ҳақ, иккинчи томон аввалдан ноҳақ бўлар экан, бундай жойда teng, ҳақиқатга интилувчан мулоқот бўлиши мумкин эмас. Бу руҳда тарбия қилинган, шу руҳда фаолият кўрсатаётган ҳамширалар ва айниқса ушбу тиббиёт масканида бўладиган bemor ва ҳамширалар орасидаги мулоқотнинг руҳан эркин кечмаслигини назардан қочирмаслик керак. Шунинг учун айтиш лозимки, “бемор доимо ҳақ” деган шиор остида ўз ҳамширалари билан муомала қиладиган врачлар ва айниқса бош врачлар катта хатога йўл қўйишади.

“Бемор доимо ҳақ” шиори bemorларни ҳар қандай бурчдан озод қиласди. Ҳар қандай бурчдан озод bemor эса ўз ижтимоий ролидан чиқиб кетиши турган гап. Демак, бундай bemor саҳнага чиқиб ўз ролидан чиқиб хоҳлаган диалогини декламация қилаётган артистни эслатмайдими. Faраз қилайлик, саҳнада икки артист рол ўйнаяпти. Улар диалоги пьесанинг бир эпизодида. Артистлардан бири пьеса матнига сўzsиз бўйсунади, бошқаси эса хоҳлаган гапини гапиради. Тўгри, буни ҳаётда фараз ҳам қилолмаймиз. Шундай экан, нима учун тиббиёт масканларида биз бу ҳолга салкам ўрин берамиз. Бу билан bemor ва ҳамшира ўртасидаги мулоқотни яхшилаймиз, деган раҳбарлар катта хато қилишади. Руҳшунослар бундай ҳоллардан яхши натижа чиқмаслигини қанча уқдирмасинлар, бу ҳолни ҳаётда кўп учратаверамиз. Ҳуқуқлар меъёри икки томонга ҳам ўз йўналишида teng бўлмас экан, бундай жойда соф ижобий натижа га эришувчи мулоқотни фараз қилиб бўлмайди. Аслида «бемор ҳамиша ҳақ» шиори остида тиббиёт маскани раҳбарининг ўз қўли остидаги ходимларга зуғум ўтказиш йўли, воситаси эканлиги сабаб бўлиши мумкин ва кўп ҳолларда айнан шундай ҳам бўлади.

Демак, ҳамшираларни ҳам ўз ҳуқуқ ва бурчлари доираларида, bemorларни ҳам ўз ҳуқуқ ва бурчлари доираларида мулоқот ва муомала чегарасида бир-биридан ҳимоя қилмоқ зарур.

Шундагина улар нормал ижтимоий ролдаги мuloқотда бұлишади. Акс қолда беморлар учун ҳамшираларга нисбатан доимо, “бilmagan iшингизга уринманг, билмаган ишингиз билан шуғулланманг” дейишиларига имкон яратамиз.

Хар қандай шароитда ҳамширада ҳам, беморда ҳам үз ижтимоий роли доирасыда беморға ва ҳамширага нисбатан мuloқот масофаси сақлангани маъқул.

Агар улар орасыда мана шу ижтимоий рол масофаси йўқолар экан, нормал мuloқot бўлиши ва зарур мақсадга иккала томон ҳам эришуви мумкин эмас. Бундан эса бемор катта азият чекса, ҳамшира иш жойидан ажралиши мумкин. Аммо шу билан бирға айтиш лозимки, бу ижтимоий ролларнинг сифатли йўналиши иккала томонга ҳам жуда боғлиқ. Яъни, ҳамширанинг роли беморға ва унинг бурч ва хукуқига, беморнинг ижтимоий роли ҳамширанинг бурч ва хукуқига чамбарчас боғлиқ. Бемор ҳамширадан маълум ҳаракат ва муомалани кутади ва бу ўринда ҳамшира ҳам бемордан тегишли ҳаракат ва муомалани кутиши аниқ.

Фараз қилинг, эркак ҳамшира аёл беморни кўришининг иложи бўлмаса ёки аёл ҳамшира эркак беморға зарур муолажани қилишдан бош тортса, бу ўринда нормал мuloқotни тасаввур қилиш қийин.

Маълумки, баъзи вазиятларда ҳатто матбуотда ҳам тиббиётни эркаклар ва аёллар хизматига бўлишни таклиф қилгандар бўлди. Бу ўринда ортиқча мuloқaza юритишнинг зарурати йўқлигини айтиб ўтиш етарли бўлар. Демак, бундай ҳоллар яхшиликка олиб келмайди. Ижтимоий ҳаётимизда баъзи шундай соҳалар борки, бу соҳа кишилари үз ижтимоий роллари жараённада ахлоқ доирасыда ҳаракат қилиб үз фаолиятларини жинсига қараб эмас, шахсий бурч доирасыда бажараверади. Яъни, бундай ҳолларда ижтимоий ролдаги биринчи томон иккинчи томондан адекват ҳаракатни кутиши ва ўзи ҳам кутган ҳаракат ва муомаласини олиши керак. Бу айниқса тиббиёт соҳасига жуда тааллукли. Ахир биз магазинга келиб менга, эркак бўлсак, эркак сотувчи хизмат қилсин демаймизку.

Айтиш лозимки, бемор ва ҳамшира иккилигидаги мuloқot жамият томонидан бошқариладиган узоқ йиллар давомида маъ-

лум нормалар орқали йўлга кўйилган мулоқотдир. Бу ўринда И. Харди тили билан айтилганда “Қотиб қолган” ҳамшира беморга совуқ муомала қиласди, “Ёдлаб олинган ролни ижро қилувчи ҳамшира” ўз бурчини машинадай бажаради ва бундан bemor ҳаловат кўрмайди. “Асабий” ҳамшира эса bemorга бирор муолажа қилаётган пайтида ўзининг ҳам ва bemornинг ҳам асабини таранг аҳволга келтириши мумкин. “Эркакларга ўшаган ҳамшира” эса ўз бурчини бажариш билан бирга совуқ муомалада қўполроқ бажариши мумкин. Фақат жонқуяр ҳамширанинг қўлган муолажасидан bemor хузур топади, унга ширин муомала қиласди. Бу ўринда “мутахассис ҳамшира” эса ўз ишини пухта бажаради. Аммо бу пухта бажарилган амалий иш жонқуяр ҳамшира кўрсатган меҳрибонлик билан бажарилганда, bemor бундан алоҳида муомала лаззатини топган бўлар эди. Демак, ҳар бир турдаги мулоқот қилувчи ҳамширанинг ўз ижобий ва салбий томони бор. Ушбу шартлар ва мулоқот жараённи талаблари мулоқот давомида инобатга олинса иккала томонга ҳам фойдали бўлади.

Шундай экан, bemor ва ҳамшира тиббиёт доирасида мулоқотга киришар экан, уларнинг рол чегаралари аниқ ва бу аниқлик доимо иккала томонга ҳам адекват ҳаракат қилишга ёрдам беради, улар орасида бўладиган мулоқотнинг кечишини осонлаштиради. Шунинг билан бир қаторда бу чегарадан қайси томон чиқа бошлар экан, у нафақат ўзи учун ноқулайликлар тугдирали. Авваламбор мулоқот ҳамкори учун ноқулайликлар тугдирали. Бу чегарадан чиқишлар энди ахлоқ ва одоб доиравида, ахлоқ ва одоб нормаларида бошқарилишини кўзда тутсак, вазият енгиллашмасдан янада огиращганини кўрамиз. Демак, “бемор ҳамиша ҳақ” ибораси тиббиёт доирасидаги мулоқот мавқеида ўз чегараси билан чекланган бўлиши шарт.

Тиббиёт соҳасидаги ролдаги мулоқот ўз ўрнида маълум stereotiplar, қотган ва ҳаммага маълум нормалар билан муҳрланиб кетган. Уларнинг ўз чегаралари ва қолипланган нормалари, бажарилиши шарт томонлари бор. Бу нормалар ўз ўрнида кўп ҳолларда мулоқотни енгиллаштиради. Демак, бирор томон мулоқотда бошқа томондан бирор ҳаракат ва жумлани талаб

қылар экан, бошқа томон уни бажариши шарт, акс ҳолда улар орасида тушунмовчиликлар келиб чиқади. Ёки ҳамшира ва бемор мuloқот ва муомаласи, ҳамшира — bemor muomala muloқoti юзага келмайди.

Умуман олганда, ҳар қандай ҳамшира бироз вақт ишлагандан кейин ҳамшира — bemor иккилигидаги маълум нормаларга, стандарт ибораларга кўнишиб кетади. Баъзи ҳолларда бирор бир bemornинг ноадекват, кутилмаган ҳаракатидан унчалик хафа бўлмасдан хушмуомалалик билан вазиятдан чиқиб ҳам кетади. Аммо бу унга анча ташвиш туғдириши ҳам мумкинлигини унутмаслик керак. Аммо, баъзи bemorларни мана шундай ноадекват ҳаракатдан тўхтатиш қийин бўлади. Бу эса баъзида ахлоқ норма даражаларидан чиқиб улар орасида жиддий вазиятни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда ё ҳамшира ёки bemor ахлоқ нормаларидан чиқиб кетадиган ҳаракатни ўзи бажаришга тўғри келиши билан бир вақтнинг ўзида бошқалардан шуни талаб қилиш даражасигача бориб етиши мумкин. Бу ўз ўрнида улар орасидаги мuloқotnинг кечиши ва муомаланинг ўрнатилишига салбий таъсир қилмай қолмайди.

Бундай ҳолатлар одатда bemorлар томонидан талабларнинг кўпайиши ёки ҳамширадан санитарка бошқа киши бажарадиган, ҳамширанинг хизматлари доирасига кирмайдиган галаблар қўйиши пайтлари юзага келиши мумкин.

Айтиш лозимки, ҳамшираларнинг тажрибаси ошиши билан йилдан-йилга бундай ҳолатлар кам учрайдиган бўлади. Яъни, улар ролдаги мuloқот нормаларини яхши бажарадиган бўлиб боришилари билан бир вақтнинг ўзида бошқаларнинг ролдан чиқишини, тезгина ролга кирита олиш маҳоратини эгаллаб борадилар. Бундай ролдан чиқишилар учраган тақдирда ҳам тажрибали ҳамширалар вазиятдан тез ва енгил чиқадилар. Бу эса ҳамшираларнинг ижтимоий, тиббиёт ҳамшираси ролини бажариш маҳоратидир.

БЕМОРЛИК – АСЛ ҚИЁФА ЭМАС

Соғлом пайтимизда ҳеч биримиз касаллик ҳақида, унинг қандай кечиши ҳақида, касал бўлганда нималарга алоҳида эъти-

бор бериш кераклиги ҳақида ўйламаймиз. Аммо шу билан бирга биз ҳаммамиз мен ҳеч қачон касал бўлмайман ҳам дея олмаймиз. Касалхонада беморнинг руҳиятини эҳгиёт қилишни тиббиёт ходимлари ва айниқса ҳамма ҳамширалар доимо тушуниб етавермайдилар. Шу ўринда айтиш керакки, касаллик бизда қандай пайдо бўлганини кўпинча билмаймиз, кўпчилик касалликларнинг қандай пайдо бўлишини ҳатто мутахассислар ҳам билмайдилар. Шундай экан, қайси бир сабабларга кўра касал бўлар эканмиз, руҳимизда ўша заҳоти ўзгаришлар содир бўлади, руҳимиз, хулқимиз, ҳатто ташқи қиёфамиз ҳам ўзгари. Буни кўпинча ўзимиз сезамиз. Агар ўзимиз сезмасак атрофдагилар сезади. Одамлар оғриққа ҳар хил муносабатда бўлишади. Бу ўринда оғриққа ва ўз соғлиғига ҳар хил муносабатда бўлишни алоҳида таҳлил қилиб ўтирумаймиз. Чунки ўз соғлиғига беписандлик билан қаровчи кишилар нотўри иш қилишларини айтиш етарлидир. Шуни айтиб ўтиш керакки, дардни даволашдан кўра, унинг олдини олган осонроқ.

Айтиш мумкинки, бу ҳол биримизни ўта асабийлаштиурса, чидамсизликка олиб келса, бошқа бироримизни оғиртабиат қилиб қўйиш билан бирга дардга ўта чидамли эканлигимизни ҳам кўрсатади.

Оғриққа чидамлилик табиатан инсон табиатига сингдирилган бўлиши мумкин. Мия қобиғининг оғриқни сезиш нуқтаси бузилган ҳолларда инсон умуман оғриқни сезмай ҳам қолиши мумкин. Бу албатта кам учрайдиган ҳолатdir. Аммо биз ҳаммамиз оғриқни яхши сезамиз, бу табиатнинг бизга берган ҳимоя сезгисидир. Айтиш лозимки, ёш болалар, шу жумладан эркаклар оғриққа анча чидамсиз бўлишади. Аммо ўсмиirlар бу ўринда баъзан ёлғон қаҳрамонлик кўрсатаман деб тиббиёт ходимларини чалғитишади ва шу билан ўз соғлиқларига жиддий зарар етказишлари мумкин. Бу ҳолат ҳамшира ва тиббиёт ходимларининг назарларидан четда қолмаслиги керак.

Дардга чидамлилик ва чидамсизлик бу кўп ҳолларда шахснинг индивидуал хусусиятларидан бири саналади. Йородали, шиддатли, хулқи жиҳа гидан босиқ кишилар дардга чидамлилик кўрсатишади. Феъли жиҳатидан енгилтабиатроқ кишилар

одатда дардга чидамсизлик кўрсатишиди. Мижози меланхоликлар дардга босиқлик кўрсатишганлари билан ушбу дард ҳақида кўп ўйлашади, ўзларини ўзлари ич-ичидан еб тамом қилишлари мумкин. Салгина дард ҳам уларни жиддий ташвишга солиши, оғир хulosаларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда врач ва ҳамшира bemor билан алоҳида суҳбат қуриши лозим, яъни меланхоликларга уларнинг дарди оғир эмаслигини доимо айтиб, тушунтириб, уларни ички эзилишлардан фориг қилиб туришлари шарт.

Флегматиклар ҳам ўз дардлари ҳақида секин-аста салбий фикрга келишлари мумкин. Аммо уларнинг ички кечинмалари меланхоликларникига қараганда енгилроқ бўлади. Флегматиклар — камгап, каммулоқот кишилар янада камгапроқ, янада сермулоҳазалироқ кишиларга айланишиди.

Мижози холерик бўлганлар ўз дардларини сезганларида ортиқча ҳис-туйгуларга берилишиди, серҳаракат, оҳ-воҳлаган кишиларга айланишиди. Атрофдагиларни кўпроқ безовта қилишиди, ўз дардлари ҳақида бошқаларга узоқ гапиришни ёқтиришиди. Бу ўринда сангвиниклар ҳаётдаги бошқа воқеаларга ҳам тўғри қарагандай ўз дардларига ҳам тўғри қарашади. Дардларига босиқ, реал баҳо чиқариб бошқаларни унчалик безовта қилишмайди. Шу билан бирга уларда сермулоҳазалилик кучлилик қилиб, баъзан бир оз бепарволик ҳам учраши мумкин.

Лекин буларнинг ҳаммаси руҳшунослиknинг умумий кузатишиларидир. Шахс доимо қайтарилмас бир мўъжиза бўлиб қолаверади. Феъли, хулқи, мижозига қарамасдан шахс bemорлик пайтида умуман ўзига ўхшамаган хулқни намоён қилиши мумкин. Шунинг учун айтиш керакки, bemорлик хар бир шахсда индивидуал кечиб, кутилмаган қиёфада бўлиши ҳам мумкин. Руҳшунослар тили билан айтадиган бўлсак, bemорлик асл қиёфа эмас.

Шундай экан, умумий хulosса бу жойда бир хил, яъни bemорликни ҳар бир шахс ўта индивидуал бошдан кечиради. Кишининг мижози, тарбияси, яшаб ўсган муҳити касалликни қандай кечиришга алоҳида замин ясаган бўлиши ва шу сабабларга кўра холерик мижозли одам bemорликни босиқлик би-

лан ўтказиши, сангвиник эса дардга чидамсизлик кўрсатими и мумкин.

Булар ҳаммаси шахснинг беморликни кечириш намунаси сифатида шуни кўрсатадики, беморлик инсон шахсияти учун асл қиёфа эмас. У ўткинчи бир ҳол ва ўз кечиши билан инсон руҳиятида турли хилда намоён бўлиши мумкин. Шу билан бир вақтнинг ўзида шахс бир вақтда бирор дардга чидамлилик кўрсатса, бошқа бир вақтда салгина дардга ҳам чидамсизлик кўрсатиши мумкин. Бунга кўпинча муҳит, шахсни ўраб турган шароит катта таъсир кўрсатади.

Бу ҳолатларнинг ҳаммаси ҳамширалар соғлом инсоннинг шахсий хусусиятларини билишлари шарт эмас, деган хulosага олиб келмаслиги керак. Бемор хулқ жиҳатидан касаллигига қанчалик ўзгаргани билан у ўз мижозига содик қолади. У соғайиши билан ўз асл қиёфасига қайта боради. Шунинг учун ҳамширалар bemornинг асл қиёфаси қандай ва ҳозирги bemорлик пайтида у ўз феълини қандай тутаётганлигини ўта сезгирлик билан кузатиб бориб, шунга яраша муомалада бўлишлари керак.

КАСБ МАҲОРАТИ, УНИНГ СИРЛАРИ НИМАДА?

Жаҳондаги ҳамма халқларда ўз касбининг моҳир усталари га ҳурмат бир хил, яъни, бундай одамлар эл ардоғидаги кишилар саналади. Шу билан бир вақтнинг ўзида айтиш лозимики, кишининг дилига ёқадиган иш ушбу шахс учун баҳт, ҳаётда ўз ўрнини топишнинг энг қулай ворситаси, уни ғамалам, муҳтоҷлиқдан ва бошқа кўнгилсизликлардан сақлайдиган энг таъсирчан чорадир.

Мана шундай ўзига муносиб иш топа олган одамни учратганимизда унга ҳавасимиз келади.

Меҳнат фаолияти аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ одамлар мамлакатда қанча кўп бўлса, бу аҳолининг яшаш шароити шунча яхшилигини кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда фуқароларнинг аҳолига хизмат қўрсатиш соҳасида 50—

60 фоизи фаолият кўрсатади. Жумладан, тиббиёт соҳасини оладиган бўлсак, Америкада ҳар минг аҳолига 1та врач ва ҳар бир врачга 7 та ҳамшира тўғри келади. Илгари беморлар билан бевосита ишлайдиган ҳамширалар сони жуда кам бўлар эди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимизда 75 мингдан ортиқ врач фаолият кўрсагиб келмоқда ва ҳар бир врачга 3 та ҳамшира тўғри келмоқда. Айни ҳолда беморлар билан бевосита ишлайдиган ҳамшираларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу тиббиётимиздаги ижобий ўзгаришлардир.

Айтиш лозимки, бугунги кунда тиббиёт соҳасига қизиқкан ёшлар сони ортиб бормоқда. Ҳамширалик соҳасидаги бугунги тиббий меҳнат кечаги тиббий хизматдан тубдан фарқ қиласди. Қувонарлиси ўшундаки, бугунги тиббиёт бевосита бозор иқтисодиёти қонунларига бўсуниб, пуллик тиббиётга айланиб бормоқда. Бунинг ўзига яраша ижобий ва салбий томонлари кўп.

Бугунги кундаги тиббиёт ҳамшираси ўз меҳнатига яраша ҳақ олади ва шунинг учун чин дилдан меҳнат қиласди. Шуларни ҳисобга олиб бугуннинг ҳамшираси ўз маҳоратини кундан-кун ошириб бормоқда, акс ҳолда у ўз иш жойини йўқотишини яхши билади.

Умуман олганда, ҳар бир ёшни ҳамширалик меҳнатига ўргатиш, укол қилиш ва беморларга қарашга ўргатиш қийин эмас. Аммо бу билан ҳамшира қасб маҳоратига эришмайди ва ўз бурчини чин дилдан бажараётган ҳар бир ҳамширани ўз қасбнинг моҳир устаси, деб айтмолмаймиз.

Бугунги куннинг ҳамшираси нафақат беморларга дилдан муомала қиласди, дори бериш ва укол қилиш маҳоратини эгаллаган. Энг асосийси, бугунги ҳамшира беморларнинг руҳиятига таянади, уларнинг ички дунёсига кириб боради, дардларига илиқ сўз билан, ёқимли муомаласи билан даво бўлишга ҳаракат қиласди ва бунга эришади. Яъни, дардни эмас, дардманни даволаш усулига амал қиласди. Ҳозирги, ён атрофни рақобат сиқиб келаётган бир пайтда бундай бўлмаслиги мумкин ҳам эмас. Бугунги куннинг ҳамшираси фақат ўз меҳнатининг натижасига қизиқиб қолмайди. Қасб маҳоратини эгалламоқчи бўлган ҳамшираларга ўз меҳнатининг мазмуни ҳам бефарқ қол-

дириладиган нарса эмас. Ҳамширалик мәҳнатининг жараёни, асосий мазмуни уларга қувонч беради. Шунга эришаётган, шунгай интилаётган ҳамшира ўз устида ишлаётган, ўз маҳоратини ошираётган ва бугунги кун талабига жавоб берадиган ҳамшира бўла олади. Бу талаблардан орқада қолар экан, у албатта ҳамширалик касби талабига жавоб бермаган бўлади ва бу касб билан эртами-кеч унинг ҳайрлашишига тўғри келади.

Ҳар бир инсон ўз касбидаги маълум бир эталонга, маълум бир ютуққа интилади. Шундай ютуқни қўзлар экан, унга эришгунча у ўзидан қониқмайди, интилиш ва изланишда давом этади. Инсон шахсияти шундай яратилганки, эришилган ютуқлар уни доимо янги поғоналарга, янги марраларга етаклайди. Албатта бу илғор ҳамширанинг ҳаёт тажрибаси. Аммо ҳаётда ҳамма ҳамширалар ҳам ушбу ҳаёт тамойили асосида яшаб ишлайди, деб бўлмайди. Демак, уларни ўз ўрнида атрофдаги ракобат сиқиб туриши лозим. Яхши ишламайдиган, ўз маҳоратини ортириб бормайдиган, энг бўлмагандаги ўз маҳоратини кун талабига мослаб фаолият кўрсатмайдиган, беморлар дилига йўл топа олмайдиган, билими, иш савияси паст ҳамширалар ўрникинни уларнинг ортидан келаётган, ёнида турган моҳир, билимдон, беморлар дилига тезроқ йўл топа оладиган ҳамширалар эгаллайди. Бугунги кунда бунга имконият ва эҳтиёж ҳам бор. Бунга мисолларни ҳар биримиз келтиришимиз мумкин. Кечагина бирор поликлиникада “инвентар” сифатида ишлаб юрган, бугунги кунда иш тополмай бошқа соҳада, айниқса савдо гарлик соҳасига ўтиб кетганлар оз эмас. Аммо савдонинг ҳам ўзига яраша талаб ва қоидалари бор. У соҳада ҳам бекорга пул беришмайди.

Ўзингиз фараз қилиб кўринг, шундай соҳадан сиқиб чиқарилган ҳамшираларни хусусий поликлиникалар ёки пулли хизмат кўрсатаётган клиникалар ишга оладими, албатта йўқ. Чунки пулли хизмат кўрсатаётган клиникаларда мәҳнат шароити илгариги ва ҳатто ҳозирги тиббиёт масканларидан умуман фарқ қиласиди. Бундай тиббий масканларда ишлаётган ҳамширалар биладики, қанчалик юқори савияда хизмат кўрсатишса уларнинг мижозлари шунчалик кўпаяди. Хизмат савияси бир мартагина

паст кўрсатилган тиббиёт масканига бемор иккинчи бор бормайди ва ўзининг бошқа танишларига ҳам боришини маслаҳат бермайди.

Ҳар бир иш жойида шахс ўзи етишган маҳорати даражасида ўзини баҳолар экан, бу ўринда у доимо атрофига қараб боради, бошқалар етишган савияни ҳисобга олади. Ўзини бошқалар билан солиштириб туради. Ҳамширалик касби унга ўзининг мутахассислиги борасида баҳолаш нуқтасига айланади. Шундай экан, шахснинг ҳар қандай эришган ютуғи унинг ўз ўзини баҳолаш таянчига айланади. Ҳамшира шахс сифатида ўз меҳнатидан, унда эришган ютуқларидан қониқар экан, унда ўз меҳнат ютуқларидан қониқиши ҳисси билан бирга секинаста унда фурурланиш ҳисси ҳам пайдо бўлади. Айнан мана шу фурурланиш ҳисси маълум даражада уни яна ва яна янги поғоналарга интилишга чорлайди. Аммо айнан мана шу фурурланиш маълум бир пайтда мағурурланишга айланар экан, бундай ҳамширанинг шахсида юқорига, касб маҳоратига интилиш энди тўхтайди ва унинг маҳорати ортишида тўсиққа айланади.

Маълумки, укол қилиш ёки бошқа бирор фаолияти билан бир-бирига ўхшаш икки ҳамширани учратиш мумкин. Аммо булар ўз ҳамширалик касби маҳорати билан бир-биридан тубдан фарқ қилиб, бир-бирига ўхшамас инсонлар бўлиб қолаверади. Чунки бу ҳамширанинг бири укол қилишда ўз маҳорати билан бошқасига ўхшагани билан, бошқаси укол қилиш билан бир вақтнинг ўзида bemorga илиқ муомалали, меҳрли бўлиши билан ёки бошқа бирор хусусияти билан бошқасидан устун бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам бир-бирига ўхшаш икки ҳамширани ҳаётда учратиш қийин.

Бу ўринда яна бир ҳол – ҳамшира ва bemornining шахслараро бир-бирига мос келиш ва келмаслик сабаблари ҳам бор. Ниҳоятда моҳир, ўз касбининг устаси, юқори ахлоқли, юзидан нур томиб турадиган бир ҳамшира қандайдир шахсий хусусияти билан бирор bemorga ёқмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда ҳамширанинг касбий маҳоратидан унинг шахсий хусусиятлари bemor учун кўпроқ тўсиқлик қиласи. Шундай экан, тиббий масканларда уларни хизмат кўрсатиш соҳаси ходими

сифатида қабул қилиб, бундай ҳолларни ҳам кўздан қочирмаслик керак. Тўғри, бундай ҳоллар жуда кам учрайди. Илгари бундай ҳоллар учраганда биз умумий қоидаларни рўйич қилиб, беморга қаттиқ эътиroz билдирган бўлар эдик. Аммо бугунги кунда бундай қилолмаймиз. Шунинг учун bemор талаб қилган ҳамма шароитларни яратиб беришимиз лозим бўлади.

Касбий маҳоратнинг ортишига икки йўналишдаги тўсиқлар сабаб бўлиши мумкин. Биринчиси, бу ҳамширанинг шихсий хусусиятлари. Иккинчиси унинг иш фаолияти давомида руҳан чарчаши.

Бу ўринда шахсий хусусиятлар устида шахс ўзини такомиллаштириш борасида жилдий иш олиб бориши зарур. Аммо иккинчи йўналишдаги тўсиқлар унинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келганлиги сабабли унга ҳордиқ бериш ва оптималь меҳнат шароитини яратиш билан ўз йўлига тушиб кетиши мумкинлигини тиббиёт масканларининг раҳбарлари кўздан қочирмасликлари зарур.

Ҳамширалар касбий маҳоратининг ортиши, уларнинг тиббиёт соҳасидаги ютуқлари bemорлар руҳияти, уларнинг турғулиги билан боғлиқ. Иккинчидан, ҳамширалар bemорларга иложи борича руҳан таъсир қилиб, bemорнинг ўз кучига, унинг соғайишга бўлган ишончини ва интилишини орттириш билан боғлиқ. Учинчи йўналиш, ҳамшира ўз маҳоратини ошириб бориши билан бир вақтнинг ўзида у доимо касбий нуқсонларга йўл қўймасликка интилиши керак.

ҲАМШИРАЛАР КАЙФИЯТИДА АХЛОҚ ВА ОДОБ

Инсонлар табиат муҳитига ўрганишни бошлаган вақтларидан буён ушбу муҳит таъсирида ёки жисмларнинг бошқа хусусиятлари таъсирида ҳар хил хасталикларга учраб келган. Бу эса ўз ўрнида даволаш соҳасини юзага келтирган. Ушбу даволаш соҳаси асрлар давомида ушбу йўналишдаги ахлоқ нормаларини ҳам юзага келтирган. Тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган кишилар учун бу нормалар шарт даражасига аллақачон чиқиб бўлган.

Тиббиётдаги энг қадими ахлоқ нормаларини биз ҳиндларнинг «Аюр-Веда» сида учратамиз. Унда қайд қилинишича, тиббиёт ходимлари беморга яхшилик, адолат кўрсатиши шарт бўлган. Шифокор шу билан бир вақтнинг ўзида беморга нисбатан раҳмдил, хайриҳоҳ, адолатли, сабр тоқатли, осойишта бўлиши ва ҳеч вақт ўзини йўқотиб қўймаслиги керак бўлган. Шифокор доимо кишиларнинг соғлиғига фамхўр бўлиши кўрсатиб ўтилган ва зарур пайтда беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳар қандай зарур чораларни кўриши кераклиги айтилган.

Ушбу қоидалар кейинчалик бошқа халқлар тиббиётида ҳам учрайди. Бу қоидалар айниқса кейинчалик юонон маданияти вакили бўлмиш юнонистонлик тиббиёт соҳасининг буюк вакили Буқротнинг “Қасамёдида” ўз мукаммаллигини топади.

Тиббиётдаги ахлоқ тушунчалари асрлар давомида такомиллашиб бориб, улар алоҳида бир йўналишга айланар экан, бу тушунчаларни кейинчалик тиббиёт ўқув масканларида муҳим тиббий билимлар қаторида ўқитишган. Бу тиббиётнинг каттагина бир йўналиши бўлмиш деонтология ва унинг алоҳида тармоги бўлган ва тиббиёт ҳамшираларининг меҳнати, жумладан беморлар ҳамда ҳамширалар орасидаги мулоқот ҳусусиятларига илгаридан эътибор катта бўлган. Аммо бу соҳани кейинчалик унчалик муҳим эмас деб, ўқитиши соатлари қисқартириб юборилган.

Бемор ва ҳамширалар орасидаги муомала ва мулоқот маҳоратига келсак, бу ўта муҳим масала. Руҳшуносликда алоҳида тармоқ саналади. Аммо руҳшуносларнинг ва тиббиёт ходимларининг бу борадаги биргалашиб қилган ҳаракатлари ҳар қалай анча оз деса бўлади. Муаммони кўрмаслик ёки уни инкор қилиш билан уни ҳал қилиб бўлмайди. Тиббиётда bemor ва ҳамшира иккилигига ахлоқ ва одоб нормаларига тааллуқли муаммолар ҳар куни ҳар бир тиббиёт масканида ва шифохоналарда юзага келиб туради. Ушбу юзага келган муаммоларни ҳар сафар ҳам маълум эътиқод, ахлоқ нормалари тушунчаларидан келиб чиқиб енгилгина ҳал қилиб бўлмайди. Чунки ҳар бир ҳодиса ортида алоҳида инсон, унинг ички ва ташқи дунёси ётади. Муаммога дуч келган ҳамширанинг эса нафақат ахлоқ, одоб,

тарбия ва эътиқод тушунчалари, қолаверса ушбу тиббиёт марказида қабул қилингандан бाहзи нормаларни, бошлиқларнинг талабларини ҳисобга олишиги тўғри келади.

Ахлоқ нормалари бу шахснинг жамиятдаги маълум, ёзилмаган, аммо бажарилиши шарт бўлган, кўпчилик томонидан бажарилиши талаб қилинадиган нормаларни сўзсиз бажаришидир. Одоб эса ана шу нормаларнинг ўзи бўлиб, улар шахсдан у ёки бу ҳолатда айнан қандай фаолият кўрсатишни белгилаб кўйган нормадир.

Демак, фара兹 қилайлик, ахлоқ ва одоб нормалари бир ёқда қолиб ушбу тиббиёт маркази бошлиғи кўр-кўрсна “ҳамма ҳолда ҳам бемор ҳақ”, деб турса, бечора ҳамширанинг ҳоли не кечади. Бундай тиббиёт масканида асрий ахлоқ нормалари бир томонда қолиб, ўша ноҳақ бошлиқнинг айтгани айтган, дегани деган бўлмайдими? Ахлоқ ва одоб нормаларининг бузилиши нафақат тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатётган ходимлар томонидан, бाहзи ҳолларда bemорлар томонидан ҳам бузилиши мумкин.

Бу ўринда ҳаммамизга маълумки, биз ўзимизни бошқалар томонидан мақсад, интилиш ва айтган сўзимизга қараб баҳо беришини хоҳлаймиз. Аммо бошқаларни биз ўзимиз уларнинг ҳаракати, фаолиятига қараб баҳолаймиз. Шундай экан, бошқаларга ўта талабчалик қилиб ўзимизга кўпроқ эрк бериб юбормаямизми, деган савол ҳар биримизнинг фикримиздан, назарийидан қочмаслиги керак.

Беморнинг кўпол муомаласига, кўрс сўзига, жаҳдли ёки суқ қарашига чидамлилик қилган ҳамшира ўта букуилувчан, бошқаларга бирор сўз айттолмайдиган охиз шахс эмас, аслида у юъери ахлоқ эгаси бўлиши мумкин.

Клиникага ишоилинч равишда бир bemорни олиб келишиди, гейлик. Унга зудлик билан укол қилиниши керак, бу дори бир bemорнинг шахсий мулки, у ҳам бўлса ҳозир қаттиқ уйқуда. Ҳамшира дорини сўроксиз олиб bemорга укол қиласи, унинг ҳаёти хавфдан сақлаб қолинати.

“Ҳамшира ўғрғми”? Ҳа, сиз бу мисолнинг турли хил аниқловчи ва юмшатувчи томонларини излайсиз. Ўша томонларини

изламасдан ахлоқ нормаларига бирданига ўтилса нима бўлади? Ахир сўроқсиз олиш ўғриликку.

Ўз шахсига бино қўйган бир бемор клиникага кириб келди. Унга ўз навбати билан муомалага киришган, дард аҳволини сўраган навбатчи бемехрикда айбланди. Зудлик билан укол қилишни бажармоқчи бўлган ҳамширани имиллашда, қўполникда, ифлослиқда айблаб ҳақорат қиласди. Бунга бирор сўз демай чидаб берган, беморнинг оғир аҳволини, руҳий ҳолатини тўғри тушунган ҳамшира ҳақиқатда ҳам тепса тебранмас, қўпол, қўрс, ифлос эмаску ахир.

Демак, бемор ва ҳамшира орасидаги ахлоқ ва одоб деганда ўта мураккаб вазият билан чамбарчас ҳолатни ва бу ҳолатда доимо бажарилиши лозим бўлган, тиббиётда қабул қилинган нормаларни тушунмоқ керак. Тиббиётдаги нормалар ахлоқ-одобга тааллуқли бўлиши билан бир вақтда ўз хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Ахир, беморга ҳақиқатни айтмаслик ёлғончилик эмаслиги-ни ҳаммамиз биламизку.

Бундай ҳолатга чидамлилик, касбий сукут, юқори даражадаги тарбия, ахлоқлилик ва одоблилик нормаси деб қаралиши мумкин ва ҳаётда шундай ҳамдир.

Шахснинг ижтимоий, касбий тараққиёти унинг ақлий тараққиёти билан бақамти, параллел ривожланиб боради ва бу тараққиётг унинг ахлоқий ўсиш савиясининг асосини ташкил қиласди. Бу ўринда минг йилликлар орзуси бўлмиш бир фикрни айтиб ўтмоқчимиз. Ёш авлодни, оддий шахсни яхшиликка ўргатувчилар жамиятда бир томонда бўлса, уларни ёмонликка ўргатувчилар ҳам бўлиб, улар бошқа бир томонни ташкил қиласди. Айтмоқчимизки, жамиятда шахсни, айниқса ёшларни ёмонликларга ўргатувчи кишилар ҳам доимо учраб туради.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, яъни шахс беморлик пайтида ўзининг асл қиёфасида бўлмайди, у асабийлашган, баджаҳлроқ ва бошқа шунга ўхшаш салбий хусусиятлар билан таъсиrlанган бўлиши мумкин. Демак, бундай ҳолатда у ўзининг шахсиятини, талаб ва эҳтиёжларини аниқ ахлоқ ва одоб нормаларидан чиқиб бўлса ҳам қондиришга ҳаракат қиласди.

Шу ўринда ҳамширалар асабий, асабийлашган шахслар ўз ҳақ-хукуқларини бошқаларнинг ҳақ-хукуқларини паймол қилиб бўлса ҳам ҳимоя қилишларини унутмасликлари лозим. Бемор эса айнан мана шу асабийлашган шахсдир. У бошқа пайтда бундай қилмаслиги мумкин.

Демак, bemor va ҳамшира орасидаги муомала, мулоқот жа-раёнида ахлоқ ва одоб нормаларидан гап кетар экан, улар ало-ҳида ҳоллардагина бу шахсларнинг орасидаги муомалани қону-ний ҳал қила олади, деган хulosани ёддан чиқармаслик керак.

Руҳшуносларнинг хulosасига қарагандга, бошқаларга нис-батан қилинган ҳар қандай ахлоқсизлик ва одобсизлик шахс-нинг чуқур ички руҳий томирларидан бошланиб, унинг ўзи-га салбий тэъсир қўрсатиб боради ва уни шахс сифатида ички бузилишга олиб келади. Ушбу илмий хulosани унутмаслик керак.

КАЙФИЯТИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Инсон негадир атроф-муҳитни, бошқаларни ўзгартиришга фаоллик кўрсатадида ўзига, ўз шахсига қолганда унинг ижо-бий ўзгаришига ўта сустлик билан қарайди. Бу ўринда машхур руҳшунос олим Д. Корнегининг оддий, ҳаётий маслаҳатлари-дан бирини юқорида көлтирган эдик. Унинг иккинчи бир мас-лаҳати “ҳаётга қувонч кўзи билан қараб, доимо хушчақчақ юринг” деганидир.

Олим сиз билан бизга маслаҳат бериб, эрталаб уйдан чиқа-ётганингизда “бугун кайфиятим жуда яхши, кўринишим ҳам зўр”, деб айтиб қўйишни маслаҳат беради. Бу сўзлар албатта овоз чиқариб айтилгани маъқул. Ушбу сўзлар бугунги кундаги кайфиятингизга ва аста-секин бутун ҳаётингизга таъсир қилади. Инсон иродасининг чиниқиши атроф-муҳит, жаҳолат устидан ғалабаси унинг ўз камчиликлари устидан босқичма-босқич ғала-баларидан бошланади. Инсон ўз камчиликларидан воз кечмас, улар устидан ғалаба қилмас экан, бирор ижобий натижага эриша олмайди. Бунинг учун ҳар бир ҳамшира кўнгилхушлик жиҳа-тидан унчалик ҳам яхши бўлмаган жойда ишлаётганини унут-

маслиги керак. Шундай экан, ҳар бир ҳамширанинг қўнгилхушилиги, унинг юзидағи майин табассуми бошқаларга ўз дарларини енгишда далда бўлсин, уларга куч-кувват берсин.

Бунинг учун сиз биринчидан, ўзингиз учун нималарга қодирлигингизни, нималарни хоҳлашингизни яна бир бор аниқ билиб олганингиз маъқул. Иккинчидан — кайфиятингизга ижобий таъсир қиласидан воситаларни танланг, уларнинг маъносини ўзингизга яна бир бор айтиб қўйинг. Учинчидан — энг асосийси, ўз руҳиятингизни ўзингизда бўлган камчиликларни бартараф қилишга йўналтиринг. Мақсадингизга эришиш учун биринчи ва пешма-пеш қадам ташлашдан қочманг. Яна бир маслаҳат, эзгу ишни бошлашнинг кечи бўлмайди.

Ҳамширалик меҳнати бошқа меҳнатларга қараганда муҳит жиҳатидан анча қийин саналади. Бу касбда доимо кайфихушилик, хушчақчақлика ўрин бўлавермайди. Чунки кўз олдингизда инсонлар, bemorлар руҳан ва жисмонан азоб чекмоқда, одамлар ҳаётдан кўз юммоқда.

Шундай экан, ҳаётни унинг ўз ҳақиқатлари, қонун-қоидалари, ички ва ташқи зиддиятлари билан батафсил ва тўлиқчасига қабул қилинг. Аммо ҳаётдан норози, хафа ўтишингиз на сизга, на бошқаларга бирор фойда бермайди. Шундай ҳолда яна бир бор ўз кайфиятингиз ўз қўлингизда демоқчимиз. Буни унутманг.

Дунёда бахт деган тушунча ҳақида одамлар, файласуфлар кўп мулоҳаза юритишади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бахтнинг бевосита инсон кайфияти билан боғлиқлигини таҳлил қиласермайди. Шунинг учун бахтли бўлиш ва бахтли юришнинг асосий қўринишларидан бири инсон учун яхши кайфият эканлигини унутмаслик керак. Бир жиҳатдан ушбу айтадиган сўзлар мағрурлик, шаккоклик, ғаддорлик бўлса ҳам ўз bemorларингизга қараб, “ахир улар bemor”, мен bemor эмасманку, деб қўяверинг. Чунки бундай ҳолда bemorларга қаттиққўллик, тошюраклик қиласиз, фақат ўз кайфиятингизга ижобий таъсир кўрсатиш учунгина айтасиз. Сизнинг хуш, кувноқ кайфиятингиз кейинчалик ўша bemorларга ижобий таъсир қиласди, уларда ҳам хуш кайфиятнинг бошлашишига сабаб бўлади.

Қаранг, дунё сиз билан, сиз дунё билан бирга яшар ва турар экансиз “Дунё гўзал”, деб қўйинг. Ишга бораётганингизда автобусда бирор оёғингизни босиб олса унга бутун важоҳатингиз билан ташланманг, уни кечиринг. Ахир у сизнинг оёғингизни атайлаб босган эмаску. Ишга келгандан кейин бирор ҳамкас-бингиз сизга қўполлик, қўрслик қилса кечиринг. Унинг уйида, йўлда бирор сабаб билан кайфияти бузилган бўлиши мумкин. Ҳамширалик ҳам ўзига яраша антиқа касб. Юқорида келтирилган хитой мақолидагидек, юзида табассуми бўлмаган киши ҳамшира бўлиб ишлаши қийин. Ҳамширанинг юзидан табассуми, кўзидан меҳри, қалбидан дил ҳарорати уфуриб туриши керак. Ахир у бошқаларга нафақат жисмоний, қолаверса руҳий мадад бермоқда.

Демак, ташқи қиёғангиз, қўринишингиз, озода-покизалигингиз, ҳозиржавоблилигингиз ва хушмуомалалигингиз билан беморларнинг меҳрини қозонинг. Бу уларга эмас, энг аввало сизга роҳат бағишлайди, ўз ҳаётингиздан қониқиши ҳиссиётига олиб келади. Ўз ҳаётидан қониқиб яшаш эса асл баҳт тушунчасининг ўзак қисмидир.

Ҳамшира, кайфиятингиз юзингиздан, қўзингиздан, ташқи қиёғангиздан ва айниқса овозингиздан доимо сезилиб туради, буни унугтманг. Бизнинг ташқи қиёғамиз, қўзимиз, овозимиз ички дунёмидан дарак берувчи элчимиздир. Айниқса овозингиз, юз-қўзингизга ниҳоятда катта эътибор беринг. Овозингизнинг хириллаши, дўриллаши, чийиллаши ёки бошқа сизга хос бўлмаган хусусиятларнинг пайдо бўлиши биринчи ўринда сизнинг кайфиятингиз ўзгарганидан хабар беради. Бунга иш пайтида, беморлар билан бўладиган мулоқот ва муомала пайтида эътиборингизни пасайтирунган.

Ахир сиз ундейлардан эмассизку. Сиз баҳтли бўлишга ва бошқаларни ҳам баҳтли қилишга қодирсиз ва бунга имкониятингиз ҳам бор. Сиз беморлар дардига малҳамсиз.

Ўзлигини, бурчини унугтган, бажараётган ишига лоқайд, касб маҳоратини ошириб борища изланмаган, фақат ўз манфаатини ўйлаган кимсалар тўлиқ баҳтга эриша олмайдилар. Демак, баҳт-излаганники. Бурчга садоқат, инсоний фазилатлар мужассамлиги етуклик даражасини белгилайди.

МЕН ҲАМШИРАМАН

(Хулося ўрнида)

Дунёда энг гўзал ва мукаммал яратилган жонзот — бу инсондир. Унинг имконияти шу қадар кўпки, ҳатто бу имкониятларнинг чети-чегарасини бугунги кунда ҳам ҳатто фараз қилишнинг ўзи қийин бир ҳолдир. Ушбу имкониятлар ичida инсонга берилган энг буюк қобилиятлардан бири тафаккурдир, Сўз унинг имкониятларини янада кенгайтиради.

Сўз инсоннинг вужудидан чиқиб унинг вужудига боради. Шунинг учун сўз ўз ўрнида унинг руҳига таъсир қиласди ва инсон сўз билан дунёни вайрон қилиши, бошқа бир инсоннинг руҳини тиклаб, қалбига малҳам бўлиши мумкин. Шундай экан, бирор инсоннинг қалби, жисми ярадор, дардман бўлган пайтида унга ёрдам қўлинни чўзган инсонлар табиб ва ҳамширалар Сўз наштаридан моҳирлик билан фойдаланишлари зарур. Сўзниң яратувчи ва қўпорувчи кучига кўнишиб, бефарқ бўлиб қолмасликлари лозим. Ўз ўрнида, сўзни ўз мижозидан чиқариб гапираётган ҳамшира бемор мижозини иnobатга олган ҳолда ишлатса кўпроқ натижага эришишини унутмаслиги керак. Шундай қилганда у ўз касбининг маҳорат чўққисига тезроқ етади.

Биз бирон-бир дардга чалиниб касалхонага тушиб қолсак, одатда биринчи навбатда ҳамшираларга дуч келамиз. Улар биринчи бўлиб бизнинг дардимизни тинглаб, керакли шифокорни чақиришади. Яъни, бемор ва даволаш муассасасидаги илк муомала ҳамширанинг илиқ, биз юқорида айтиб ўтган “даволовчи” сўзидан бошланади. Ушбу илиқ сўзни ишлатмаган, кириб келган беморга кўпол муомалада бўлган ҳамшира касби жиҳатидан салбий томонга ўзгариб боради. Инсоннинг эзгуликка эмас, тубанликка қараб ўзгариши атрофдагиларнинг у киши тўғрисидаги фикри бузилишидан бошланишини биз ўйлаб ҳам ўтирумаймиз. Ваҳоланки, муомала бирон киши томонидан салбий томонга ўзгарар экан айтчиш мумкинки, у кишининг тубанликка йўл тутиши мана шу жойдан бошланади.

Айни ҳолда фикрнинг ўзгариши биринчи навбатда шахснинг ўзи тўғрисидаги фикри бузилишига олиб келади.

Одатда баъзи ҳамширалар масаланинг мана шу томонини унугтадилар ёки уни умуман кўзда тутмайдилар, натижада уларнинг касбий маҳоратларига птур етади. Бу ҳол секин-аста уларнинг ён-атрофи, руҳий ҳолатларига таъсир қиласи ва ҳатто ўз касбларидан воз кечишларигача олиб келиши мумкин. Чунки тиббиёт соҳаси ўзининг нозик хусусиятларига эга, унинг ҳам бошқа соҳалар сингари сир-асрорлари бор.

Соҳа ходимларининг моҳирлиги уларнинг мана шу сирларни қанчалик билишлари ва ушбу сир-асрорларга амал қилишларига bogliq. Bu ўринда ҳар бир ҳамшира ўз соҳаси сир-асрорларидан ташқари, умумэътироф қилинган инсоний ва маданий қоида ва урф-одатларни ҳам билиши зарур. Ҳамшира обрў-эътиборининг нечоғли юқори бўлиши бу оддий аксиомадир

Қайси бир ёш жувон ҳамширалик касбини танлар экан, у ўз хусусиятларини яхшигина билмоги лозим. Чунки соҳада фаолият кўрсатиш учун ундан билим, ирода, шижаот, дик-қат-эътиборлилик, саронжом-саришталилик, етук ахлоқи билан бошқаларга сўз орқали таъсир курсата олиш, шу билан бирга ижобий таъсир кўрсатиш ва беморларнинг дардига дармон бўлиш ва бошқа бир қанча ижобий инсоний хусусиятлар ундан талаб қилиналики, улар албагга бўлиши, агар бўлмаса уларни ҳамшира ўзида тарбиялаши зарур бўлади.

Ушбу инсоний хусусиятларни у бошқаларга кўрсатар экан, унинг юзидан тундлик, кўрслик ва бошқа беморларга салбий таъсир қилувчи аломатлар намоён бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда у бу касбда фаолият кўрсата олмайди.

Ҳамшира учун энг асосий даво қуроли унинг ширин, беморларнинг қалбига йўл топиб бора оладиган илиқ, даволовчи сўзидир. Ҳамшира қўллаган ҳар бир даво, ҳар бир доридармон унинг ширин сўзи билан бирга олиб борилса даволаш унумли, даво самарали бўлади. Шундагина унинг берган дориси bemorрга ижобий таъсир қиласи. Чунки bemор айни пайтда bemorлиги учун нафақат дори-дармонга, қолаверса у ширин

сўзга биринчи навбатда муҳтож бўлади. Беморни илиқ сўз даволайди. Чунки кўпгина ҳолларда bemorga бериладиган дори унинг қалбida нажот руҳини уйғота олмайди. Нажот руҳини даволовчи тиббиёт ходими, табиб ва ҳамшира ўзларининг илиқ сўзлари билан уйғотади.

Ҳар қандай дардманни фақат дори-дармон билан даволаб бўлмайди, чунки унинг қалби, руҳияти дардли бўлиши мумкин ва кўп ҳолларда шундай ҳам бўлади. Демак, биринчи ўринла bemornинг қалбига йўл топиш керак. Бу эса тиббиёт соҳасида ишлаётган табиб ва ҳамширанинг иши, уларнинг bemor қалбига йўл топа олиш маҳоратига боғлиқ.

Бу ўринда у, яна ўша қадимий ибора, тиббиётимизнинг бобокалони айтган дардни эмас, дардманни даволаш билан боғлиқдир.

Тиббиёт ходимлари, жумладан ҳамширалар ушбу йўлни тутганларидагина ўз касб маҳорати чўққиларига йўл топадилар. Шундагина улар ўз касбларидан ижобий руҳ, куч оладилар ва ўз баҳтларини топадилар. Ўз касбини севадиган, унинг сирларини биладиган, касб маҳорати чўққисига интилган ҳамширанинг қўзидан, юзидан табассум, баҳт белгиси аримайди. Унинг кайфияти доимо чоғ бўлади. Кайфичоғлик, бошқалар дардига дармон бўлиш ва буни баҳт деб билиш, бу ўз ўрнида инсоний баҳт тушунчасининг бир кўринишидир. Айнан мана шуни англаб етган ҳар бир ҳамшира — мен мана шунинг учун ҳамшира бўлганман, дея олади.

Мундарижа

Сүз боши	3
Ранг-баранг олам	4
Биз ўзимизни биламизми?	8
Биз хотира маҳсулимиз	10
Мижоз	19
Ҳамма ҳам ҳамшира бўла оладими?	23
Тиббиёт соҳаси меҳнати хусусиятлари	28
Мен нима учун ҳамшира бўлмоқчиман?	34
Мен ўзимни шундай одам деб ўйлайман	45
Шижоатли инсонмисиз?	50
Дикқат- эътиборингиз қандай?	54
Саронжом-сариштга одаммисиз?	62
Бошқаларга таъсир ўтказа оласизми?	69
Қиёфамизда нечта одам яшайди?	74
Юзидан нур (заҳар) томади	77
Мулоқот. Касбий мулоқот манзаралари	79
Биринчи учрашув, саломдан хайргача	83
Мулоқот манзаралари	87
Ролдаги мулоқот	88
Беморлик - асл қиёфа эмас	93
Касб маҳорати, унинг сирлари нимада?	96
Ҳамширалар кайфиятида ахлоқ ва одоб	100
Кайфиятингиз ўз кўлингизда	104
Мен ҳамшираман (Хулоса ўрнида)	107

*Тиббиёт ходимлари ва шу соҳа билан қизиқувчилар
учун илмий-оммабон адабиёт*

**МАҲМУД ЙЎЛДОШЕВ,
психология фанлари номзоди**

ҲАМШИРА МЕҲНАТИ ПСИХОЛОГИЯСИ

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти,
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Таҳририят мудири *А. Камолов*
Муҳаррир *М. Қодирова*
Бадиий муҳаррир *Ф. Матёқубов*
Техник муҳаррир *В. Мешчериакова*
Мусаҳҳиҳ *Д. Тўйчиева*
Компьютерда тайёрловчи *А. Кан*

Китоб Ибн Сино нашриётининг компьютер бўлимида терилди.

ИБ № 2886

Босишига рухсат этилди 12.04.02 Бичими 84x108 1/32 Газета қоғози.
Офсет босма. Шартли босма т. 5,88. Нашр. босма т. 5,73. 97~2001-
рақамли шартнома. Жами 5070 нусха. 4244-рақамли буюртма. Баҳоси
шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босма-
хонаси, Тошкент, Сабон кӯчаси, 1-берк кӯча, 2-уй

**Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти 2002 йилда
Т.П. Пұлатова, Ҳ.Х. Холматовларнинг «Фармакогнозия
а малиёти» номли китобини босмадан чиқарди.**

Ушбу дарслык Фармацевтика институтлари талабалари учун
мүлжалланган бўлиб, 1050 нусхада босиб чиқарилади.

Кўлланмада доривор ўсимликларни ўз вақтида тўғри йи-
риш, ўсадиганларини муҳофаза қилиш ва шу ишларга доир
бошқа масалаларни етарли даражада билиш каби кўникмалар
ёритилган. Ўқув қўлланмаси ҳозирги ўқитиш дастурига муво-
фик ёзилган.

Кўлланмада турли хил суратлар, жадваллар ҳам берилган.



Махмуд Йулдашев 1946 шаңда Жазах инженерни
Галымород гуманитар түгелдән, Мехнат филиалында 14
жылдан Ерланоролдың Дамыкорлык шарж-техникады
институтыда оқып шығылған болатын.

1966-1971 шаңда Москва Дәүләт педагогика институтын-
да биология Психология факультетін избөлди.

Мұағыфият “Хөтірді сәндаш үсулдары”, “Тадуир
тароналадары”, “Норлаган жөргө” және башка китобларда чөн
шылдан.

